

М.С.ЯКУБОВ, Т.А.ХҰЖАҚУЛОВ.,
М.Я. АБДУЛ-АЗАЛОВА, Р.Х. ЮДАШЕВ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

34
Д, 14
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

М.С. ЯКУБОВ, Т.А. ХЎЖАКУЛОВ.,
М.Я. АБДУЛ-АЗАЛОВА, Р.Х. ЮЛДАШЕВ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

Магистратура мутахассислиги магистрлари учун
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

5A330502- «Давлат бошқаруви»
тизимини бошқариш



Тошкент – 2018 й

УЎК: 342(575.1)

КБК: 67.4(5Ў)я722

Д 14

М.С.Якубов, Т.А.Хўжакулов., М.Я. Абдул-Азалова, Р.Х. Юлдашев
«Давлат бошқаруви». Т.: «Aloqachi», 2018, 140 б.

ISBN 978–9943–5521–1–1

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислохот қилиш шароитида эркин фикрловчи, юқори малакали ёш рақобатбардош кадрларни тайёрлаш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатнинг олий ўқув юртлари олдига қўйилган «Кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури»да илгари сурилган вазифалар асосида ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш талаб этилади.

Ўқув қўлланма «Давлат бошқаруви» курсидан амалий ишларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилаш ҳисобланади.

«Давлат бошқаруви» курси бўйича ўқув қўлланма 5А330502-“Электрон ҳукумат” тизимини бошқариш мутахассислигида таҳсил оладиган магистрлар учун мўлжалланган.

УЎК: 342(575.1)

КБК: 67.4(5Ў)я722

Д 14

Тақризчилар:

А.Неъматов – “Мультимедиа технологиялари” кафедраси мудири,
т.ф.д., доц.

Назирова Э.Ш.

Масъул таҳрирчи: Т.А.Хўжакулов

Корректор: Гаипназаров Р.Т.

Ўқув-қўлланма Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий кенгаши томонидан муҳокама қилиб, босмага чиқаришга тавсия этилди.

ISBN 978–9943–5521–1–1

© «Aloqachi» nashriyoti, 2018.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Кириш..... | 4 |
| 1- мавзу: “Давлат бошқаруви” фанига кириш..... | 5 |
| 2-мавзу: Давлат бошқарувини ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси..... | 10 |
| 3- мавзу: Давлат бошқарувининг меъёрий ва ҳуқуқий асослари..... | 29 |
| 4- мавзу: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бошқаруви ягона портали..... | 35 |
| 5- мавзу: Онлайн хизматлар “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси”нинг элементи..... | 44 |
| 6- мавзу: Давлат бошқарувининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплекслари..... | 61 |
| 7- мавзу: Давлат бошқарувини ташкил тадбиқ этиш ва баҳолаш | 66 |
| 8- мавзу: Давлат бошқарувини яратишнинг дастурий воситалари..... | 76 |
| 9- мавзу: G2C модели асосида Давлат бошқаруви..... | 85 |
| 10- мавзу: G2B модели асосида Давлат бошқаруви..... | 86 |
| 11- мавзу: G2G модели асосида Давлат бошқаруви..... | 88 |
| 12- мавзу: G2E модели асосида Давлат бошқаруви..... | 90 |
| 13- мавзу: Давлат бошқарувининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш..... | 99 |
| 14- мавзу: Давлат бошқаруви бюджети ва молиялаштириш..... | 106 |
| 15- мавзу: Давлат бошқарувидан фойдаланиш даражасини ошириш..... | 127 |
| Глоссарий..... | 132 |
| Хулоса..... | 133 |
| Адабиётлар рўйхати..... | 137 |

КИРИШ

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, «электрон ҳукумат» тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида.

Электрон ҳукумат – давлат бошқарувининг электрон ҳужжат айланиши тизими бўлиб, мамлакат миқёсидаги бошқарув жараёнларининг барчасини автоматлаштиришга асосланган ва давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникация харажатларини камайтириш мақсадига хизмат қилади.

Электрон ҳукумат бошқарув тизимини янада ривожлантириш ва ташкил этишда йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш учун “Давлат интерактив хизмати” фани аҳамияти катта ҳисобланади.

Давлат интерактив хизмати бундай тизимнинг ташкилий қисми бўлиб, интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси муҳим ҳисобланади.

1- мавзу: “Давлат бошқаруви” фанига кириш

Режа:

1. Электрон ҳукумат ҳақида умумий маълумотлар.
2. Индексация кўрсаткичларини таҳлил қилиш.
3. Электрон ҳукумат пайдо бўлишидан ҳозиргача амалга оширилган ишлар, миллий ва жаҳон тажрибаси ютуқларини кўриб чиқиш.

Электрон ҳукумат – давлат органлари фаолиятини янги шаклда ташкил этиш ҳисобланиб, ахборот-коммуникация технологиялари асосида тезкорлик сифат даражасини ошириш ва ташкилот ва фуқароларнинг давлат хизматлари ва давлат органлари фаолияти натижалари ҳақидаги маълумотни олиш учун қулай шароит яратишни таъминлашдан иборат.

Ҳукумат электрон воситалар ёрдамида аҳолига, тижорат ташкилотларига, ҳукумат тузилмалари ўртасида ўзаро муносабатларни такомиллаштиришда самарали хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Ҳукумат қуйидаги мақсадларга эришади:

- жамоа ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар шаклларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;
- жамият ва аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш;
- фаолият шартларининг ўзгаришларига тез ва самарали таъсир кўрсатиш ва эътибор қаратиш;
- аҳоли ва тижорат тизимларига хизмат кўрсатишни оптималлаштириш ва хизмат нархини камайтириш;
- давлат бошқарувида ташкилотлараро муносабатлар самарадорлигини ошириш;
- давлат бошқаруви ходимлари салоҳиятини ошириш;
- ҳукумат хизматчилари маъсулиятини ошириш, уларнинг ташаббуслигини рағбатлантириш ва давлат бошқаруви шаффофлик даражасини ошириш.

Электрон ҳукумат қуйидаги имкониятларни яратади:

- аҳолига ва тижоратга қулай ва тезкор хизмат кўрсатади;
- фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнлари изчиллигини оширади;
- фуқароларнинг технологик саводхонлик даражасини оширади;
- давлат бошқаруви ва раҳбарлиги жараёнларида сайловчилар

изчиллигини оширади;

- фуқароларнинг географик жойлашувининг таъсирини камайтиради.

Электрон ҳукумат қуйидагиларни таъминлайди:

- маъмурий бошқарув сарф харажатини камайтиради ва самарадорлигини оширади;

- жамоа ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартиради;

- демократияни такомиллаштириш ва халқ олдида давлат маъсулиятини ошириш.

Электрон ҳукумат фойдаланувчиларининг энг катта ютуғи – офис ва уйдан чиқмаган ҳолда турли хужжатларни расмийлаштириш, компьютердан узоқлашмаган ҳолда тўловларни амалга ошириш, қоғоз харажатини ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишдан иборат. Электрон ҳукумат элементларини амалда жорий этилиши давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ҳукумат фаолиятининг шаффофлиги, давлат хизматчилари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган таъмагирлик даражасининг кескин камайишига олиб келади.

Фуқаролар бевосита виртуал тизим орқали ҳукумат билан мулоқот қилиш имконига эга бўладилар.

Электрон ҳукумат хизмати бугунги кунда жорий этилган. Ҳукумат органлари ва жамоат ташкилотлари ва жойларида терминаллар ўрнатилган бўлиб, ҳукумат хизматлари ҳақидаги маълумотни олиш мумкин. Электрон ҳукуматнинг жамоатчилик вазифаси – давлатни тижорат билан, давлатни фуқаролар билан, ҳамда давлатнинг давлат тассаруфидаги органлар билан ўзаро муносабатларини ташкил этишдан иборат.

Шунинг учун ҳам электрон ҳукумат таркибидаги асосий муносабатлар моделлари қуйидагилар:

- G2C – ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабат (Government-to-Citizen);

- G2B–ҳукумат ва тижорат ўртасида (Government-to-Business);

- G2G–ҳукуматнинг турли тармоқлари ўртасида (Government-to-Government);

- G2E –ҳукумат ва ҳукумат хизматчилари ўртасида (Government-to-Employees).

Электрон ҳукумат яратишнинг асосий вазифаси – сервис ва сервис хизматини кўрсатиш учун инфраструктура яратишдан иборат.

Электрон ҳукумат- давлат бошқарув тизими бўлиб,

маълумотларни қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишдан иборат. Электрон ҳукумат – объектив реаллик ҳисобланиб, ахборот жамиятида юзага келадиган электрон ҳукумат институтларини яратиш ва ривожланишини англатади. Электрон ҳукумат институтларининг ривожланиши бевосита жамият аъзоларининг фаровонлиги ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган. Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш учун АКТдан изчил фойдаланиш ғояси ҳукумат менежменти янги ғоялари асосида маъмурий реформалар ўтказиш жараёнида юзага келди. Бу ерда Government оммавий давлат бошқарув органи тизимини ифодалайди. Янги давлат менежменти асосида электрон ҳукуматни дастурини амалга ошириш жараёнида бу маъмурий ўзгаришлар ўтказиш ғояси тор ва оммавий бошқарув хусусиятларини тўлиқ инобатга олмаган ҳолда яратила бошланган. Шунингдек, глобаллашув, тармоқ тузилиши, коммуникация, жамият билими каби жамият тараққиётидаги ривожланиш тенденцияси тор маънода иқтисодий ёндошувга тўсқинлик қила бошлади.

Ахборот ва электрон техник воситаларнинг ривожланиши давлат бошқарув жараёнлари тузилмасига жиддий ва салмоқли таъсир кўрсатди. Аввалига бу таъсир маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, қарор қабул қилиш жараёнида намоён бўлган бўлса, кейинчалик давлат бошқарув тизимини ташкил этиш ва институтлар трансформациясида жиддий ўзгаришлар юзага келди. Бу ўз навбатида хусусий шахс ва оммавий ахборот сектори орасидаги муносабат изчиллигини ошириш, сарф ҳаражатсиз ва самарали хизмат кўрсатиш, маълумот ва билим беришни таъминлайди.

Ахборот коммуникация технологияларини давлат бошқарувида жорий этилиши натижасида электрон ҳукуматни ташкил этилиши бир неча босқичдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, биринчи босқич – ҳукумат агентликларининг электрон тармоқ тизимида чиқиши. Бу босқичда фуқароларнинг, корхона ва ташкилотларнинг давлат бошқарув органлари ахборотларига мурожаати тез ва манзилли бўлиши таъминланади. Бунда ҳукумат ахборот вазифасини бажарувчи бир ёки бир неча веб сайтларга, порталларга эга бўлади. Бу сайтлар фуқароларни ҳукумат таркиби, унинг вазирликлари, агентликлари ва ҳ.зо тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, мулоқот учун телефон рақамлари, манзиллари, қабул вақтлари ва кунлари, электрон почта манзили ҳақидаги маълумот бўлиши мумкин. Иккинчи босқичда - фойдаланувчи ҳукумат сайтлари орқали махсус ва доимий равишда янгиланиб боровчи маълумотларни олади. Бу ерда ҳукумат нашриёти,

меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, ҳужжатлар шакллари, статистик ва иқтисодий маълумотлар ва янгилик хабарларини олиш мумкин. Тармоқда ҳукумат агентликларининг сони ошиб бормоқда, натижада ҳар бири билан боғланиш имконияти юзага келади. Электрон манзиллар, қидирув тизимлари ҳақидаги хабарлар, изоҳлар ва фикр мулоҳазаларини жўнатиш имкони юзага келмоқда. Учинчи босқичда – фуқаролар ва ҳукумат тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни изчиллиги, аҳолига интерактив хизмат кўрсатиш имкониятларини ошиб бориши билан характерланади. Ҳусусан, онлайн режимида кўчмас мулклар ва ер майдонлари, солиқ декларацияларини тўлдириш, рухсат олиш учун аризалар бериш давлат хизматларини кўрсатиш мумкин. Миллий ҳукумат веб сайтлари асосан портал кўринишида бўлиб, фойдаланувчини тўғридан-тўғри вазирликлар, департаментлар ва агентликлар билан боғлайди. Фуқаролар ва провайдер хизмати ўртасидаги ўзаро муносабат тармоқ фойдаланувчисининг тўғридан-тўғри ўзини қизиқтирган ва эҳтиёжи бўлган ахборот манбаига мурожаат этиш ва олиш имконини беради. Фойдаланувчи тармоқ орқали махсус маълумотларни олиши, турли жадвал ва бланкаларни тўлдириши ёки имзолаши, учрашув келишувларини белгилаши мумкин. Тўртинчи босқичда – фойдаланувчи тармоқ орқали ҳужжатлари олиши ва келишувларни амалга ошириши мумкин. Фуқаролар виза, паспорт, туғулганлик ёки улганлик ҳақида гувоҳнома, лицензия, рухсатнома ва бошқа транзакция хизматларидан фойдаланиши мумкин. Ҳукумат порталлари асосан аҳолига хизмат кўрсатишни ўзига мақсад қилиб олган. Фуқаролар тармоқ орқали солиқ тўлашлари, автомобилларини рўйхатга қўйишлари мумкин. Бу босқичда электрон рақамли имзодан фойдаланиш инobatга олинади. Бешинчи босқич – интеграллашган ҳукумат портали бўлиб тармоқ орқали аҳолига хизмат кўрсатади ва фойдаланувчи ихтиёрий хизматни тезда олади. Электрон ҳукумат технологиянинг ривожланиши билан ҳамнафас ҳолда сиёсатни фақат шаклан эмас, балки мазмунан ҳам оммавий бошқаришни таъминлайди. Бугунги кунда давлат бошқарув органларида электрон ҳужжат айланиш тизими, ходимларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган жараёнлари, молиявий ва бухгалтерлик ҳисоблар, бошқарув қарорларини қабул қилиш тизими яратилмоқда, ҳамда ҳудудий тармоқ тизимининг шаклланиши давом этмоқда.

Электрон ҳукуматни шакллантиришда қуйидаги масалаларни ечиш лозим:

- ҳукумат ахборот тизимларини ўзаро мувофиқлигини ва ривожланишини таъминлаш;

- ҳукумат органларининг компьютер тармоғига кенг доирада қира олишларини таъминлаш;

- давлат ахборот тизимларининг интеграцияси ва маълумотларга муурожаатнинг меёрий-ҳуқуқий базасини яратиш;

- ахборот-маълумот тизимини ривожлантириш ва давлат хизматларини тақдим этиш жараёнида электрон коммуникацияни жорий этиш;

- натижалар асосида бошқарув тизимини амалда қўллаш.

Электрон ҳукумат бошқарув тизимида АКТ дан фойдаланиш мониторинг тизими ҳудудий давлат бошқарув органлари томонидан тўлиқ, ўз вақтида ва ишончли маълумотлар билан таъминланиши самарадорлигига боғлиқ. Мониторинг ўтказишдан асосиқ мақсад бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминловчи маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни динамик ҳолатларини баҳолаш, давлат органларига аналитик-маълумот материалларини тақдим этишдан иборат. Мониторинг ўтказиш тизими давлат бошқарув органлари фаолиятида АКТни жорий этиш сарф харажатларини самарадорлигини оширишга қаратилган. Электрон ҳукумат аҳоли ва ташкилотларнинг давлат бошқарув органлари учун тақдим этишга боғлиқ маълумотлар бўйича маъмурий юкламалариникамайтиради, аҳолига кўрсатиаётган давлат хизматлари тезкорлиги ва сифатини оширади, аҳолига хизмат кўрсатишга қаратилган янги ижтимоий механизмларини яратади.

Шундай қилиб, электрон ҳукумат – давлат бошқарувининг электрон хужжат айланиш тизими ҳисобланади, у мамлакат миқёсида барча бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган, ҳар бир жамият аъзоси учун ижтимоий коммуникация харажатларини камайтиради, давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Электрон ҳукумат хужжатларни бошқариш ва уларни қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишга қаратилган бўлиб, тармоқланган жамиятни бошқарув тизимини яратишни тақозо этади. Шунингдек, электрон ҳукумат маъмурий сарф харажатларни камайтириш ва самарадорликни ошириш билан бирга ҳукумат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартиради. Натижада демократик жамиятни такомиллаштиради ва давлатни халқ олдидаги маъсулиятини оширади.

Электрон ҳукуматни жорий этилиши аҳоли ва давлат ўртасидаги

муносабатларни мутадиллаштиради, халқнинг давлатдан норозилигини камайтиради, электрон мулоқот туфайли бутун жамият ва давлат ўртасидаги сиёсий қарама-қаршиликларга барҳам берилади. Натижада давлат бошқарувининг Интернет орқали ўзаро муносабатда бўлувчи барча тузилмалар ва жамоат институтлари, давлат хизматчилари, тижорат, етакчи фуқаролар, таълим ва тадқиқот институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик ташкилотларининг янги тузилмаси ҳосил бўлади.

2- мавзу: Давлат бошқарувини ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизими тушунчаси.
2. Жорий қилиш босқичлари.
3. Ўзбекистонда миллий электрон ҳукумат тизимининг жорий қилинганлиги даражаси.

Дунёдаги кўпгина давлатлар электрон ҳукуматни ривожлантириш учун бир қанча куч, молиявий ресурс сарфлаганига қарамасдан, у келтирадиган фойдавақт ва маблағнинг тежалиши каби натижаларга эриша олмаяпти. Шунинг учун ҳам, бу соҳада муваффақиятга эришган давлатларнинг тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш фойдадан холи эмас.

Жанубий Корея электрон ҳукуматни ривожлантиришда улкан муваффақиятга эришган давлат ҳисобланади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукумат институтларининг ҳамда аҳолининг давлат бошқарувидаги электрон иштирокининг ривожланганлик даражаси бўйича рейтингида биринчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам унинг тажрибаси сўнгги йилларда кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни шакллантириш бўйича ташаббус 2001-йилда юридик кучга эга бўлди. Мамлакатда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ҳукумат органларининг ишида самардорликни оширишга қаратилган бўлиб, у уч босқичда амалга оширилиши лозим бўлган.

Биринчи босқичда (2001-2003) комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг натижасида Кореянинг ҳукумат органлари ташқи дунё билан Интернет орқали учта асосий йўналишда G2C (давлатдан-фуқарога), G2B (давлатдан-бизнесга) ва G2G (давлатдан-

давлатга) схемалари бўйича алоқа қила бошлади.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви тизимида идоралараро электрон алоқаларни таъминлашга қаратилган инфор­мацион-технологик архитектура ҳам ишлаб чиқилган. Унда, хусусан, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо ва бошқа технологиялар фаол қўлланилган. Умумий ҳисобда, биринчи босқич учун жами 225 миллион АҚШ доллари миқ­дорида маблағ сарфланган. Натижада, Корея рақамли имкониятлар индекси бўйича жаҳонда 4-ўринга кўтарилиб олди.

Иккинчи босқичда (2003-2007) Корея ҳукумати ўз ол­дига анча катта мақсадни қўйгандунё давлатлари ичида нисбатан очиқ ва шаффоф электрон ҳуку­матни шакллантириш. Кореянинг “Электрон ҳуку­мат қуришнинг миллий асослари ва тамойиллари” номли дастурига мувофиқ тўртта со­ҳага оид лойиҳалар ишга туширилган:

- давлат бошқаруви органларининг фаолият кўрсатиши
- давлат хизматларини кўрсатиш
- ахборот ресурсларини бошқариш
- қонун ижодкорлиги тизими

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 981 миллион АҚШ доллари миқ­доридаги маблағ сарфланган. Натижалар кутилганидан ҳам аъло даражада бўлган.

2007-йилга келиб Кореяда марказий бошқарув органларининг 55 фоизида давлат аппаратининг 96,6 фоиз ходимлари ахборотларни қайта ишлашнинг миллий электрон тизими “Он-Нара” (корейсча, онлайн-мамлакат) тизимидан фойдаланишга ўтган. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30-44 кундан 7-13 кунгача қисқарган.

Давлат тузилмаларида маълумотларни қайта ишлашнинг инновацион тизими “Он-Нара” 2007-йилдан тўлиқ ишга тушган бўлиб, унинг ол­дига қуйидаги мақсадлар қўйилган:

- маълумотларни қайта ишлаш ва алмашиш доирасида барча бошқарув жараёнларини стандартлаштириш;
- давлат органларининг марказлашмаган операцияларини бошқаришни ягона тизимга солиш;
- тизим иштирокчилари ўртасида ахборотларни алмашиш ва тарқатишни таъминловчи турли жараёнларни ўзаро боғлаш ва бир-бирига интеграция қилиш.

Жанубий Кореяда ҳозирда деярли барча давлат харидлари веб-технологиялар ёрдамида амалга ошириладитендерларнинг 93 фоизи ва

онлайн-харидларнинг 99,6 фоизи.

Давлат инстанцияларига товар ва хизматларни етказиб беришда электрон шаклга ўтиш натижасида ҳар йили 4,8 миллиард доллар маблағ тежалмоқда[2]. Чунки, барча тендер таклифлари веб-сайтдаги махсус компьютер дастури воситасида кўриб чиқилади ва баҳоланади, бу тендернинг қанчалик очиқ ва шаффоф эканлигини кўрсатиб беради.

Ташқи савдода экспорт бўйича божхона декларацияларини кўриб чиқиш учун кетадиган вақт 1 кундан 2 дақиқача, импорт бўйича эса 2,5 кундан 1,5 соатгача қисқартирилган. Бу эса, йилига 2,5 миллиард доллар маблағни тежаш имконини бермоқда.

Умумий ҳисобда, Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни жорий этиш ортидан ҳар йили 10 миллиард доллардан ортиқ маблағ тежаб қолинмоқда.

2008-йилдан учинчи босқич бошланган. Бу босқичда асосий эътибор барча мавжуд тизимлар ва турли даражадаги электрон ҳукуматлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларни бири-бирига интеграциясини таъминлашга қаратилган. Бу фуқароларга ва компанияларга комплекс давлат хизматларини тақдим қилиш имконини беради.

Ушбу босқичда Корея Республикаси бошқа давлатларга (жумладан, Эквадор, Индонезия, Бангладеш, Шри-Ланка, Мали) электрон ҳукуматни шакллантириш учун технологик ечимларни етказиб бериш бўйича шартнома ҳам тузган. Бунгача, 2004-йилдан бошлаб Жанубий Кореяда электрон ҳукумат учун ишлаб чиқилган технологияларни импорт қилувчи асосий давлат Япония бўлган.

Жанубий Корея ҳукумати турли соҳаларда ахборот технологияларни қўллаш борасида илғор давлатлар қаторига киради. Мамлакатда, бир сўз билан айтганда, божхона ишидан тортиб то интеллектуал мулк масалаларигача автоматлаштирилган тизимга ўтган. Шунинг учун ҳам у ҳозирда дунёда электрон ҳукуматнинг ривожланиш даражаси бўйича биринчи ўринда туради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2002-йилдан бери дунёдаги 192 та давлат учун электрон ҳукумат ривожланиши индекси (инглизча “э-Говернмент Девелопмент Индекс”) ва электрон иштирок индексини (инглизча “э-Партисипатион Индекс”) ҳисоблаб, бу бўйича йиллик рейтингни эълон қилади. Бунда биринчи индекс мамлакатдаги миллий онлайн-сервисларнинг мавжудлигини баҳоласа, иккинчиси эса ўша сервислардан фойдаланиш даражасини баҳолайди. Жанубий Корея 2008-йилда ушбу рейтингда электрон ҳукумат ривожланиши бўйича

жаҳонда олтинчи, аҳоли ва бизнес вакилларининг онлайн-сервислардаги электрон иштироки бўйича иккинчи ўринда турган бўлса, у 2010-йилдан бери ҳар иккала рейтингда ҳам етакчилиқни ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Кореяда электрон ҳукуматни ривожлантиришдаги энг йирик лойиҳа www.korea.go.kr портали асосига қурилган Г4С (говернмент-фор-ситизендавлатдан фуқарога) лойиҳасидир. Ушбу электрон ҳукумат портали фуқароларга керакли маълумотларни тақдим қилиш ҳамда давлат сервисларидан Интернет орқали фойдаланиш учун марказий платформа вазифасини бажаради. Мазкур Г4С тизими 2002-йилда ишга тушган бўлиб, 2011-йилдан барча турдаги давлат хизматлари учун “ягона ойна маркази” сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда ушбу “ягона ойна маркази”да 4 000 дан ортиқ давлат ва маъмурий хизматлар мавжуд бўлиб, улар йўналишига қараб 12 та категорияга бўлинган:

- санъат ва маданият;
- автомобиллар ва транспорт;
- корпорациялар ва иқтисодиёт;
- мудофаа ва Шимолий/Жанубий Корея;
- таълим ва бандлик;
- атроф-муҳит;
- кўнгилочар ва спорт;
- шахсий ва уй хўжалиги;
- кўчмас мулк;
- ижтимоий ҳимоя ва саломатлик;
- солиқлар;
- саёҳат ва эмиграция.

Ҳар бир категориянинг ўзи ҳам яна бир нечта кичик бўлимларга ажратилган. Ҳар бир ахборотдан унга оид агентлик, керакли ҳужжатлар рўйхати, анкеталари, унга оид қонунчилик ҳақида маълумот олиш мумкин. Давлат хизматларига оид кўпгина ишларни сайтнинг ўзида туриб битириш мумкин: керакли ҳужжат шаклини онлайн тўлдириб, хизмат ҳаққини электрон тўлов билан амалга ошириш мумкин. 2001-йилда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинган.

Корея ҳукуматининг Г4Б (говернмент-фор-бусинессдавлатдан-бизнесга) портали ҳукумат ва компаниялар ўртасидаги онлайн-кўприк вазифасини ўтайди. Хусусан, 2009-йилдан бошлаб ушбу порталда бизнесни рўйхатда ўтказиш ва лицензия олиш каби хизматлар ишлаб

келмоқда.

Корея Божхона хизмати 1994-йилдан божхона маъмуриятини компьютерлаштириш ишларини бошлаган бўлса, 1999-йилга келиб божхона жараёнлари учун электрон ахборот алмашинуви (электроник дата интерчанге, ЭДИ) тизимини ишга туширган. 2004-йилдан бошлаб божхона иши Интернетга асосланган сервис асосида амалга ошириладиган бўлди.

Ҳозирда УНИ-ПАСС деб номланган порталда божхонанинг барча босқичларини экспорт - импорт тозалови, божхона тўловларини йиғиш, экспорт - импорт юкларини бошқариш ва қўшилган қиймат солиғини қайтариш каби ишларнинг барчасини қисқа вақт ичида бажариш мумкин. УНИ-ПАСС тизими ишга тушганидан сўнг Кореяда экспортни божхона мажбуриятларидан тозалаш ишлари 2 дақиқагача, импортни тозалаш эса 2,5 соатгача, ҚҚСни қайтариш 5,2 соатгача, солиқларни тўлаш 10 дақиқагача қисқартирилган. Бу кўрсаткичлар дунёдаги энг яхши натижалар саналади.

Ўзбекистонда электрон ҳукумат ривожланишининг бугунги ҳолати

2013-йил 1-июль куни Ўзбекистонда электрон ҳукуматни ривожлантириш учун энг катта қадам қўйилди, десам муболаға бўлмайди. Чунки, шу куни Интернет тармоғида мй.гов.уз манзили бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) тест режимида ишга туширилди.

Ягона порталнинг шиори “Хизматлар янги қиёфада” деб номланади ва бу онлайн тарзда ягона нуқта орқали Давлат бошқарувини тақдим этиш маъносини билдиради.

Ҳозирги кунда ягона портал орқали тест режимида 20 хил йўналишда 100 дан ортиқ интерактив давлат хизматлари тақдим этилган. Аҳоли томонидан яна 100 га яқин хизмат турларини қўшиш таклифи тушган.

Асосий эътибор аҳолидан келиб тушган мурожатларни кўриб чиқишга қаратилган. Ягона портал орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз мурожаатларни юборишлари мумкин.

2013-йил 5-декабрь ҳолатига Ягона порталга жами 3 700 га яқин ариза келиб тушган бўлиб, улардан 97 фоизи жисмоний шахслар томонидан юборилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ягона портал орқали тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари ахборот хизмати, ярим

автоматлаштирилган хизмат, автоматлаштирилган хизмат, оффлайн хизмат, ахборот-маълумот хизмати каби турларга бўлинади.

Шу йилнинг ноябрь ойи охирларида Ягона портал орқали тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатига олишга оид ярим автоматлаштирилган хизмат йўлга қўйилди. Натижада, янги корхона очиш учун зарур хужжатларни электрон шаклда юбориш имконияти пайдо бўлди. Аммо, корхонанинги тўлиғича Интернет орқали рўйхатдан ўтказиш имконияти ҳозирча мавжуд эмас. Тахминларга кўра, 2014-йилнинг 1-январидан бундай хизмат ҳам йўлга қўйилади.

Портал хизматларидан фойдаланиш учун фойдаланувчи ИД.уз идентификациялаш тизимида akkaунт очган ҳамда унда ўзига оид барча шахсий маълумотларини киритган бўлиши лозим. Баъзи ҳолатларда эса akkaунт махсус верификациядан ўтган бўлиши талаб қилинади.

Шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, 2013-йил 19-ноябрь куни ИД.уз тизимида верификация учун маълумотларимни тўлдирдим ва талаб қилинганидек паспортимнинг электрон нусхасини (скан-нусха) ҳам жойладим. Аммо, верификация жараёни бироз чўзилди. ИД.узнинг қўллаб-қувватлаш марказига телефон қилиб, бу ҳақда мурожаат қилган эдим, “Тизим ҳозирда янгиланмоқда, шунинг учун фойдаланувчиларни вақтинчалик верификация қила олмаймиз” деган жавобни олдим. Ушбу мақолани ёзиш давомида Ягона портал қўллаб-қувватлаш марказига телефон қилиб, бу ҳақда айтган эдим, улар менинг akkaунтимни верификация қилиб беришларини айтди.

Шу ўринда, Ягона портал хусусида ўзимнинг қуйидаги хулоса ва таклифларимни бермоқчиман:

1) Биринчи навбатда, бундай портал орфографик ва бошқа турдаги хатоликлардан холи бўлиши лозим. Айни пайтда порталнинг ўзбекча версиясида баъзи орфографик хатоликлар мавжуд бўлиб, уларни тўғрилаш унчалик ҳам катта меҳнат талаб қилмайди. Масалан, лотин ёзувидаги «Ў» ва «Ғ» ҳарфлари ҳамда «ъ» тутуқ белгисининг ёзилиши турли ўринларда ҳар хил қўлланилган.

2) Порталда навигация тизими фойдаланувчига бироз қийинчилик туғдиради. Ҳозирда порталда атиги 100 дан ортиқ хизмат мавжуд бўлиб, шунинг ўзиёқ фойдаланувчига ўзига керакли хизматни топиши учун бироз қийинчилик туғдирмоқда. Аммо, яқин келажакда таклиф қилинаётган хизматларнинг тури 5001 000 тага етса, бу нарса анча-мунча машаққат талаб қилиши мумкин.

Масалан, порталдаги “Банк ва молия хизматлари” бўлимига кирсангиз, унда мавжуд хизматлар рўйхати кўрсатилади. Бу хизматлар айнан қайси банк ёки молия муассаси томонидан кўрсатилаётгани эса ўша хизмат тури саҳифасига кирганингиздан кейин маълум бўлади.

3) Статистика шуни кўрсатмоқдаки, портал ишга тушганига 5 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, аммо ундан фойдаланаётган аҳоли сони жудаям озчиликни ташкил қилади. Бу эса, менинг фикримча, Интернет фойдаланувчиларининг портал ҳақида хабардорлик даражасининг паст эканлигидан далолат беради. Вазиятни ўнглаш учун портал ҳақида турли электрон оммавий ахборот воситаларида ёритиш, электрон ҳукуматга оид конференция ва давра суҳбатларини ташкил қилиб, унда Интернетнинг ўзбек сегментида фаол бўлган фойдаланувчиларнинг иштирокини ҳам таъминлаш лозим.

4) Аҳолининг Ягона портал ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида турли ижтимоий тармоқ, блог ва веб-сайтларда портал хизматларидан фойдаланиш тажрибаси ҳақида постларнинг сонини ошириш. Бунда, Ягона портал Узнетнинг фаол фойдаланувчиларини ҳамкорликка чақириши лозим. Масалан, мен Ягона портал ёрдамида қайсидир интерактив хизматдан фойдаланганим ҳақида ўз блогимда ёки ижтимоий тармоқлардаги профилимда ёзсам, уни дўстларим ва танишларим кўради. Уларнинг қанчадир қисми бу постни ўзларининг бошқа дўстларига ҳам улашади. Жараён шу тарзда давом этиб, тармоқ эффекти юз беради. Биргина Интернет фойдаланувчиси ёзган постни маълум муддат ичида минглаб одамларнинг кўриш эҳтимоли катта.

5) Баъзи давлат хизматларини тўлиғича электрон шаклга ўтказиш. Бунда, бу хизмат туридан фойдаланишнинг анъанавий усулидан бутунлай воз кечиш талаб қилинади. Давлат ташкилотига бу хизматдан анъанавий усулда фойдаланиш истагида ташриф буюрган одамларга бу хизмат фақатгина Ягона портал орқали кўрсатилишини уқтириш лозим.

Тўғри, бундай ёндашув кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкин. Аммо, вақт ўтиши билан аҳоли унинг нақадар самарали эканлигини англаб етиши аниқ. Бундай усулни қўллаш учун шундай хизмат турларини танлаш керакки, уларнинг мақсадли фойдаланувчилари ҳам Интернетдан фаол ёки ўртача фойдаланувчи кишилар бўлиши лозим.

6) Ўзбекистонда мобиль интернетдан фойдаланиш даражасининг юқори эканлигини ҳисобга олиб, порталнинг мобиль версиясини, хусусан Андроид ва ИОС мобиль операцион тизимлари учун илова-

дастурларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш.

Корея тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари

Кореянинг электрон ҳукуматни ривожлантиришдаги тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаб бўладими? Бу саволга жавоб бериш учун айрим маълумотларни солиштириб кўрайлик.

Корея мамлакатда электрон ҳукуматни ривожлантиришни бошлаган 2001-йилда аҳолини Интернет билан қамраб олиш даражаси 60 фоиз бўлган. бошқача қилиб айтганда, Корея ҳукумати глобал тармоқдан фойдаланиш учун аҳолисининг ортидан эргашган. Бугунги кунда Ўзбекистондаги вазият эса умуман бошқача.

Ўзбекистонда Интернет қамрови атиги 35 фоиз атрофида. Бундан ташқари, бу борадаги йиллик ўсишнинг катта қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2013-йил 1-апрель ҳолатига (афсуски, бундан янгироқ маълумотни топишнинг иложиси бўлмади) мамлакатимиздаги Интернет фойдаланувчилари сони 10 миллион кишидан ошиб кетди. Бунда, уларнинг қарийб 60-65 фоизи мобиль интернетдан, қолганлари эса стационар интернетдан фойдаланади.

Аҳолининг катта қисми нафақат Интернет нималигини билмайди, балки электрон ҳужжатлар билан ишлаш тажрибасига ҳам эга эмас. Кўпчилик учун Интернет тушунчаси Одноклассники ижтимоий тармоғи билан бошланиб, у билан тугайди. Шундай шароит остида электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадга мувофиқми?

Бироқ, вазият жуда тез ўзгариб бормоқда. Янги тенденцияҳоли ўртасида мобиль интернетдан фойдаланишнинг кенг тарқалиши ҳамда мобиль қурилмалар нархининг бутун дунё бўйлаб пасайиши. Агарда бундан 5 йил аввал смартфонлар қимматбаҳо буюм сифатида қаралган бўлса, ҳозирда ҳатто 100-150 долларга ҳам яхшигина смартфон ёки планшет компьютер сотиб олиш мумкин. Умид қиламанки, яқин келажакда Ўзбекистонда ҳам давлат томонидан тақдим қилинаётган электрон хизматлардан фойдаланишга тайёр Интернет фойдаланувчилари сони ошиб боради.

Аммо, шу ўринда мавжуд муаммоларни айтиб ўтишим ҳам лозим. Биринчидан, ҳукумат идораларнинг ўз веб-сайтларини қўллаб-қувватлашга бўлган муносабати ҳалиям “совуқлигича” қолмоқда. Иккинчидан, веб-сайтлардаги маълумотлар тез-тез янгиланмайди ёки юзаки янгиланади.

Ҳозирда электрон хизматлар сонини ошириб бораётган ҳукумат органларига Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасидир, Давлат статистика қўмитаси кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Электрон ҳукумат, бушунчаки ҳар бир давлат идорасининг веб-сайтини яратишдан иборат эмас. Бунинг учун давлатнинг барча “машинаси” электрон шаклда ишлаши лозим. Одатда, бизнесда кенг қўлланиладиган корхона ресурсларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими (энтерприсе ресурсэ планнинг, ЭРП) ёки миждозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш тизими (сустомер релатионшип манагемент, СРМ) каби технологиялардан давлат бошқарувида ҳам фойдаланишни жорий қилиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 21-мартда қабул қилинган “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “2012-2014 йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш дастури”ни амалга ошириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири саналади. Ушбу қарорда 2012-2014 йиллар мобайнида Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Қарорга мувофиқ, бу йиллар мобайнида давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини босқичма-босқич равишда ягона Миллий ахборот тизимига интеграция қилиш масаласи кўзда тутилган. Давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига тақдим қилинадиган интерактив хизматларнинг сони ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг мазкур ахборот тизимларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш даражасини ошириш ҳам эътиборга олинган.

Ушбу қарор асосида “2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва ривожлантириш” дастури ҳам қабул қилинди. Бунда Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси қошида ташкил этилган UZINFOCOM Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази зиммасига асосий вазифалар юкланган.

Ўзбекистонда электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги халқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодий

ривожланишида ўз аксини топади. Ҳозирги вақтда фуқароларга ахборот етказиш пассив ва мунтазам бўлмаган ҳолда оммавий ахборот воситалари орқалигина амалга оширилади. Одамлар янги қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа миёрий ҳужжатлар билан газета, телевидение ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари орқали танишадилар. Лекин бу ҳужжатлар билан улар ҳақиқатан ҳам зарурият туғилганда таниша олмайдилар. Масалан, бирор давлат идорасига мурожаат этилганда ахборот излаш муаммоси билан боғлиқ хизматларга дуч келинади. Маълумотларни ҳар доим ҳам эълонлар тахтасидан топиб бўлмайди, бундай ҳолларда фуқаролар керакли маълумотларни бериш имкониятига тўлиқ эга бўлмаган хизматчиларнинг маслаҳатларига муҳтож бўладилар. Ахборот чанқоқлигини чала қондирган фуқаро бундан сўнг бир неча марта навбат кутиб, қониқарсиз хизматга дуч келади. Бундан ташқари, давлат хизматлари тўловини тўлашда ҳам фуқаро жамғарма банкида навбат кутиши мумкин. Ахборотнинг тўлиқ бўлмаганлиги ва хизмат кўрсатишда давлат хизматчиларининг совуққонлиги туфайли фуқаро ўзига тегишли бўлган имтиёزلардан беҳабар бўлган ҳолда улардан фойдалана олмаслиги мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун барча давлат муассасалари хизматларининг тавсифи ва рўйхатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ахборотларни фуқароларга етказиш имконияти мавжуд бўлмоғи зарур. Мамлакатда ахборотлашган жамият шакллантириш доирасида бундай ахборотлар стандартлаштирилган бўлиб, Интернет сайтларида эълон қилиниши лозим.

Лекин “Электрон ҳукумат” Интернет орқали ахборот алмашилиш фаолиятини амалга оширишни бошламасдан, балки, давлат хизматларини шу тизим орқали бажариш имкониятини яратишдан бошланади.

“Электрон ҳукумат” тизими фуқаролар билан ҳокимият, турли ижтимоий хизматлар, қўмиталар, ташкилотлар, умуман олганда, исталган даражадаги раҳбар ходим билан очиқ интерфаол режимда мулоқот қила олиш имкониятини яратади.


“Электрон ҳукумат” тизимини яратишдан асосий мақсад субъектив факторларни камайтирган ҳолда давлат хизматидаги мансабдор шахсларни фуқаролар билан яқинлаштиришни таъминлашдир. Бундан жамият ҳеч бўлмаганда порахўрлик ва коррупциянинг камайиши кўринишида фойда кўриши мумкин.

Хуллас, “Электрон ҳукумат” тизими сарф-харажат талаб қиладиган тизим сифатида эмас, балки, давлат бошқарувини амалга

ошириш тамойилининг жамиятни ахборотлаштиришдаги кенг кўламли элементи кўринишида қаралмоғи лозим.

Албатта, содир бўладиган ўзгаришлар сайлов тизими, қонунчилик фаолияти, барча даражадаги ҳокимиятларнинг фуқаролар олдидаги масъуллиги назоратини амалга ошириш тизимлари, уларнинг бирлашмалари ва тадбиркорлик фаолиятини қамраб олиши лозим. Қисқача қилиб айтганда, бу жараённи жамият ҳаёти асосини аниқловчи уч муҳим субъектнинг ўзаро муносабатлари кўринишида тасаввур қилиш мумкин Булар: давлат, мамлакат фуқаролари ва бизнес субъектлар. Бунда мамлакат фуқаролари биргаликда фуқаролик жамиятини ташкил этса, бизнес субъектлари эса мамлакатнинг иқтисодиётини аниқлайди, давлат эса ўзаро муносабатларни бирлаштирувчи ёки интеграцияловчи тизим ҳисобланади. Бу муносабатлар қуйидаги учта ним тизим, бошқача айтганда, “Электрон ҳукумат” тизимининг таркибий модулларида намоён бўлади (1.1-расм):

давлат бошқарув органларининг ўзаро алоқаларига йўналтирилган модул G2G (жаҳонда қабул қилинган давлат давлат учун - government to government жумласининг қисқартмаси асосида қабул қилинган белги);



1.1- расм. “Электрон ҳукумат” тизимининг таркибий модуллари ҳукумат муассасалари, давлат бошқаруви органлари билан бизнес

субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган модул G2B (давлат бизнес учун - government to business);

ҳукумат муассасалари, давлат бошқарув органлари билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларга йўналтирилган модул G2C (давлат фуқаролар учун - government to citizens).

“Электрон ҳукумат” тизимининг G2G модули

“Электрон ҳукумат” тизими, хусусан, унинг G2G модули деганда, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш, мазкур органларни аҳоли ва бизнес субъектлари билан ўзаро муносабат функцияларини қўллаб-қувватловчи компьютер тизимларини яратиш тушунилади. Агар идораларда ушбу жараёнлар автоматлаштирилмаган бўлса ёки электрон ҳужжат айланиши мавжуд бўлмаса, давлатнинг ички трансакциялари амалга оширилган ва қоғозсиз иш юритиш режими жорий этилган деб бўлмайди. Бу борада фақат алоҳида жорий қилинган амалиётлар, масалан, электрон почта орқали маълумот жўнатиб, қоғозга чоп этиб, мансабдор шахсга қўл қўйдириш жараёни электрон ҳукумат тизимидан йироқдир.

Ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот ресурсларини шакллантиришдан ташқари “Электрон ҳукумат” миёрий-ҳуқуқий база қабул қилишни ҳам талаб этади. Яъни, ҳужжат электрон кўринишининг қоғоздаги кўриниши билан ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга эканлиги ва у билан асосий бош ҳужжат кўринишида иш юритиш мумкинлигига асос бўла оладиган миёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар зарур бўлади. Буларга “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунларни мисол қилиш мумкин.

G2G модули бутун “электрон ҳукумат” тизимининг асосини ташкил этиб, бу модулсиз ахборот коммуникация технологияларини давлат бошқарувида жорий этиб бўлмайди. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи бу модулнинг моддий-техник ва ахборот-коммуникацион асоси сифатида хизмат қилади. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи ўз ичида давлат муассасалари ўртасида ахборот алмашилиш, давлатнинг фуқаролар, бизнес субъектлар, шунингдек, Интернет глобал ресурслари орқали бошқа ташқи фойдаланувчилар билан алоқаларини таъминлайди.

Муносабат ва алоқаларнинг ушбу модул ёрдамида ҳал этиладиган асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат бошқарув органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумот базаларини ягона тизимга интеграциялаш;
- барча давлат тузилмаларини электрон ҳужжат айланишига ўтказиш ва уни оптималлаштириш;
- давлат қарорлари ишлаб чиқишни, узатиш ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш;
- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлигини ошириш мақсадида ягона давлат порталини яратиш;
- давлат хизматчилари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш ва уларнинг малакасини ошириш.

Бундан ташқари, давлат бошқарув органларининг корпоратив тармоғидаги Интранет тизими ўз хусусиятлари билан Интернет тизимидан фарқ қилмаган ҳолда, жамиятни ахборотлаштиришдаги асосий дастурий воситалардан ҳисобланади. Бу тизимдан фойдаланишни ўрганиш учун давлат хизматчиси қўшимча билим олиши, малакасини ошириши зарур.

Шунингдек, тармоқ ресурслари орқали кўрсатилаётган кўплаб давлат хизматларининг ўзига хос молиявий асосини ташкил этувчи электрон пуллар аҳолига кўрсатилаётган замонавий online хизматларидан биридир.

Хуллас, ахборот коммуникацияси тизимларининг давлат бошқарувига кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассасаларига келишлари заруриятини анча қисқартиради, истикболда эса бундан бутунлай халос қилади. Кўплаб мамлакатлар тажрибасини жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган мақсад – сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини енгиллаштиришга эришилади.

“Электрон ҳукумат” тизими объектларида электрон ҳужжат айланишининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

а) “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишнинг технологик имкониятини тизим фойдаланувчиларининг динамик ўзгарувчан сони билан таъминлаш;

б) электрон ҳукумат объектларида электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчилари томонидан ахборотга оид ўзаро ҳамкорликнинг мослашувчи технологиялари, форматлари,

протоколларини ва ягона бир хил имкониятли дастурий-техник воситалардан фойдаланиш;

в) “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчилари томонидан дастурий таъминот ва сертификатланган дастурий-техник воситалардан меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга риоя этиш;

г) “электрон ҳукумат” объектларида узатилаётган, қабул қилинган ва қайта ишланган электрон ҳужжат маълумотларининг тўлиқлиги ва яхлитлигини таъминлаш;

д) “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизимида моддий-молиявий ва вақт харажатларини камайтириш;

е) “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишида маълумотлар хавфсизлиги ва конфиденциаллигини таъминлаш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизимининг техник-технологик инфратузилмаси қуйидагилардан иборат: “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишининг бош сервери, унинг администратори бўлиб, объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими мененжери ҳисобланади; объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг бошқарув серверлари; ҳимояланган алоқа каналлари.

Ўз навбатида, бош сервернинг техник воситалари ўз ичига электрон почта сервери, тасдиқловчи марказнинг дастурий-аппарат воситалари, ахборотни муҳофаза қилиш воситалари ва электрон ўзаро ишлаш дастурий-техник таъминотининг бошқа воситаларини олади. Бош администраторнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: қайта ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган электрон ҳужжатни рухсатсиз фойдалана олишдан ва маълумот администратор серверида бўлганида ҳамда ҳимояланган алоқа каналлари бўйича объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг серверларигача узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш; ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчилари ўртасида электрон хабарлар алмашинуви.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизими администратори серверининг техник воситаларига сервер ва коммуникация ускунаси, маълумотни ҳимоя қилиш воситалари ва бир хил имкониятли компьютерлар билан таъминланган автоматлаштирилган иш жойлари киради. Администратор серверларининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат: қайта

ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган маълумотни ҳимояланган алоқа каналига узатилгунга қадар ва ундан рухсатсиз фойдаланиш ҳамда бузиб кўрсатишдан ҳимоялашни таъминлаш; администратор серверидан олинган электрон ҳужжатларни фойдаланувчиларнинг электрон ҳужжат айланиши ахборот тизимлари манзилига етказиш; электрон ҳужжатларни объектлараро электрон ҳужжат айланиши фойдаланувчиларининг ахборот тизимларидан бош администратор серверига жўнатиш; электрон ҳужжатларни бош администратор серверига узатишдан аввал маълумотлар базасида сақлаб туриш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда ахборот хавфсизлиги техник ва дастурий воситалар ҳамда бир қатор ташкилий тадбирлар комплекси билан таъминланади. Хусусан, техник тадбирларга қуйидагилар киради: функционал имкониятларнинг тўлиқ ҳажмида ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш; қайта ишланадиган электрон ҳужжат маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш; электрон ҳужжат маълумотини вирусга қарши ҳимоялашни таъминлаш.

Ташкилий чора-тадбирлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- электрон ҳужжат маълумотларини муҳофаза қилишни таъминлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

- электрон ҳужжат маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган, объектлараро электрон ҳужжат айланиши фойдаланувчилари ва администраторининг мансабдор шахсларини белгилаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро ҳужжат айланиши бош администратори серверидаги маълумотлар базасининг резерв нусхасини кўчириш, тиклаш ва архивга киритиш тартибини, шунингдек, вирусга қарши базаларни янгилаш тартибини белгилаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг дастурий-техник воситаларини таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш учун кириш тартибини белгилаш ва бошқалар.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизими, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини таъминлайди. Электрон ҳужжат айланиш тизими қуйидаги технологик жараёнлар ва объектлараро автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизимидан иборат (2.1-расм):

- Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат органлари электрон ҳужжатларини жўнатиш ва ижро этиш назорати механизмларини таъминлаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида иш юритиш тизимида яратиладиган ҳамда амалда фойдаланиладиган электрон ҳужжатларни қайта ишлаш;

- турли платформали электрон ҳужжат айланиш тизимида яратилган турли форматдаги ҳужжатларни объектлараро алоқа тизимида ягона стандартдаги ҳужжатларга ўзгартириш;

- фойдаланиладиган электрон ҳужжатлар ҳолати, мазмуни ва шаклининг ўзгариши тўғрисида аввалдан хабар бериш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиш учун электрон ҳужжатлар базалари кўринишидаги ягона ахборот ресурсларини ташкил этиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатларидан фойдалана олишни муаллифлаштириш;

- “электрон ҳукумат” объектларида эълон қилинган электрон ҳужжатлардан тартибга солинган ҳолда фойдалана олиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат алмашинувида фойдаланиладиган марказлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий маълумот ахборотини юритиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизимида ахборот хавфсизлигини ва ҳужжатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини таъминлаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида ҳужжатлари электрон архиви тизимида ҳужжатларни архивлаштириш ва тезкор қидириш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши архитектураси қуйидаги қуйи тизимларни ўз ичига олади:

- “электрон ҳукумат” объектларида администратор сервери;

- назорат қилувчи органлар, ҳақиқий вақт режимида маълумотлар базасидан ҳужжатларнинг ижро этилиши тўғрисидаги жамланма таҳлилий ахборот олиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиши маркази - серверларига сервис функцияларини тақдим этиш, ягона меъёрий-маълумот ахборотини юритиш, администраторлаш;

- автоматлаштирилган иш жойидан объект учун мўлжалланган ҳужжатлардан фойдалана олишини амалга ошириш;

- “электрон ҳукумат” объектларида администратор сервери маълумотлар базаси - электрон ҳужжатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдалана олиш;


- “электрон ҳукумат” объектларида маълумотлар базасининг резерв нусхаси – ўзида объектларо администратор маълумотлар базасининг нусхасини сақловчи ҳудудий масофавий майдонча;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишининг асосий иштирокчилари ўртасида интеграцияни таъминловчи модулларга эга бўлиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида объектларо тармоқ – маълумотлар узатишнинг шахсий манзил тизими, процедуралари ва қоидаларига эга, ҳимояланган виртуал тармоғидан фойдаланиш;

- электрон ҳужжатларнинг электрон архив тизими, архивлаштириш ва сақлаш.

- электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари - электрон ҳужжатларни имзолаш ва имзони текшириш, электрон рақамли имзо очик калитлари сертификатлари реестрини юритиш, фойдаланувчилар томонидан фойдаланиладиган калитларни генерациялаш ва электрон рақамли имзо очик калитларини сертификатлаш.



2.1-расм. Электрон ҳукумат объектларида электрон ҳужжат айланиш архитектураси

Метамаълумотларни бошқариш (ҳужжатлар турлари ва маршрутлар шаблонларини бошқариш) объектлараро электрон ҳужжат айланиши марказининг бошқариш иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ҳужжатларни администраторлаштириш объектлараро электрон ҳужжат айланиш марказида олдиндан белгиланган жўнатиш маршрути бўйича амалга оширилади. Ушбу маршрут ҳужжатларни жўнатиш учун барча зарур функциялар ва улар ўтишини назорат қилишни таъминлайди. Ҳужжат йўналиш бўйича ҳаракатланаётганда электрон ҳужжат устида юз берадиган барча амаллар маршрут протоколига ёзилади ва кейинчалик таҳлил қилишда фойдаланилади.

Меъёрий-маълумот ахбороти сервиси объектлараро электрон ҳужжат айланиши маълумотлари ва таснифлагичлари, шунингдек, объектлараро электрон ҳужжат айланишида фойдаланиладиган «стандарт» реквизитлар ва электрон ҳужжатлар рўйхати реестрининг марказлашган, ишончли юритилиши функцияларини таъминлайди. Объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизими иштирокчилари меъёрий-маълумот ахборотига киришнинг ягона механизмидан фойдаланади.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг асосий вазифаси – катта масшабли объектларни бошқаришнинг ҳужжатлар билан таъминланишини автоматлаштириш. Бунинг учун қуйидагиларни таъминлаш зарур:

- кирувчи, чиқувчи ва электрон ҳужжатларни рўйхатга олиш;
- объектлараро ҳужжат айланишини ташкил этиш учун ҳужжатларни маршрутлаш;
- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатлар ижроси устидан тўлиқ назоратни амалга ошириш;
- электрон ҳужжатларнинг электрон ҳукумат объектларида каталоги ва ахборот-маълумот фондини қўллаб-қувватлаш;
- ҳамкор хорижийташкилотлар билан электрон ҳужжатлар алмашинуви ва сақланиши марказлашган ҳолда амалга ошириладиган меъёрий-маълумот ахборотини фаоллаштириш;
- “электрон ҳукумат” объектларининг электрон ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзаро келишиш ва электрон рақамли имзолаш.

Объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизимида ишлаш учун ўзаро боғланиб ишлашнинг дастурий интерфейсини интеграция модуллари керак бўлади.


Интеграция модуллари қуйидагиларни таъминлайди:

- электрон ҳужжатларни объектлараро айланишида электрон ҳужжатнинг ягона форматига автоматик ўзгартириш;
- электрон ҳужжатларни электрон рақамли имзолаш ва криптографик шифрлаш;
- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиши маркази билан ўзаро боғланиб ишлаш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатларнинг ижро интизомини объект қошидаги назорат қилувчи сервер администратори томонидан назорат қилишни ҳақиқий вақт режимида, турли: электрон ҳужжатни маълумотлар базасига ёзиш вақти ва санаси, маълумотлар базасида рўйхатга олиш тўғрисидаги квитанциянинг мавжудлиги каби мезонлар бўйича амалга ошириш мумкин.

“Электрон ҳукумат” объектларида объектлараро тармоқ электрон ҳужжат айланиш тизимлари ўртасида маълумотларнинг ишончли ҳимояланган узатилишини ва TCP/IP протоколдан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва ахборот ресурсларидан узоқлаштирилган телекоммуникацион фойдалана олишни таъминлайди.

“Электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизими базасида электрон ҳужжатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдалана олишни таъминлашдан ташқари қуйидаги хизматлар ривожлантирилиши керак (2.2-расм):



2.2-расм. “Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг ишлаш жараёни.

- электрон ҳукумат объектларида эълон қилинган материаллар ва расмий электрон ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг веб-портал орқали фойдалана олишларини таъминлаш;

- «ягона ойна» - веб-портал орқали турли рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан бевосита боғлиқ интерактив хизматларни тақдим этиш;

- фуқаро ва юридик шахсларнинг электрон шаклдаги муурожаатлашни қабул қилиш, қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- электрон ҳукумат объектларида объектлар томонидан статистик, динамик ва бошқа турдаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш.

3- мавзу: Давлат бошқарувининг меъёрий ва ҳуқуқий асослари

Режа:

1. Муносабатлар ва уларнинг иштирокчиларини аниқлаш.
2. Муносабатлар асосида моделларни ўрганиш.
3. Салбий ва ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар.
4. Моделларни қўллашга мисоллар.
5. Давлат бошқарувининг амалда қўлланилувчи тўртта моделини ўрганиш Ўзбек модели.

Ахборот технологияларининг давлат бошқаруви органларида изчил жорий этилиши АКТдан давлат бошқарувида қўллаш доирасини кенгайтиради ва давлат органларини, фуқаролар ва ташкилотларни ўзаро электрон муносабатларга асосланиб, катта лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратади. Бугунги кунда кўпчилик давлат органларида электрон ҳужжат айланиши тизими, ходимлар ҳисобини олиб бориш жараёни автоматлаштирилган, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий бошқарув, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнларини қувватлаш яратилган, ҳудудий-тармоқланган тармоқнинг шаклланиши давом этмоқда. “

Электрон ҳукумат”нинг шаклланиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ечиш лозим:

- ҳукумат ахборот тизимларининг ўзаро мослиги ва ривожланиш мувофиқлигини таъминлаш;

- компьютер тармоғига давлат органларининг кенг доирадаги муурожаатини таъминлаш;

- ҳукумат ахборот тизимини интеграциялаш, маълумотларга мурожаатларни меъёрлаштириш;

- ахборот-маълумот тизимини ривожлантириш ва электрон коммуникацияни давлат хизмат кўрсатиш жараёнларига тадбиқ этиш;

- натижага қараб бошқарув тизимини жорий этиш.

Иқтисоднинг ривожланишида “электрон ҳукумат”нинг вазифалари

Иқтисодий бошқариш субъекти сифатида “электрон ҳукумат”нинг вазифаси:

1. **Мақсадли** – асосий миллий иқтисодий ривожланиш йўналишлари ва приоритетларини, мақсадини аниқлаш.

2. **Меъёрийлаштирувчи** – ҳукумат қонунчилик, меъёрий - ҳуқуқий базаларига асосланиб, иқтисодиёт субъектлари учун фаолият қоидаларини белгилайди, фаолият доираси ҳуқуқларини аниқлайди.

3. **Мувофиқлаштирувчи** – жамиятнинг яшаш шароитини ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан мўътадиллигини таъминлаш ва салбий оқибатларга олиб келишини бартараф этиш, такомиллашув жараёнларини ривожлантириш мақсадида иқтисодда ресурсларни тақсимлаш.

4. **Ижтимоий** – ҳукумат томонидан ижтимоий - иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш, фойдани тақсимлаш, ижтимоий ҳимояни, ижтимоий ҳуқуқ ва кафолатни таъминлаш.

5. **Бозор сектори бўлмаган иқтисодий бошқариш** - иқтисоднинг давлат секторини мувофиқлаштириш, ижтимоий жамият маҳсулотлари ва хизматларини яратиш.

6. **Рағбатлантирувчи** – фаолият юритувчи хўжалик субъектларига самарали таъсир кўрсатиш ва жамият йўналишлари учун маъқул бўлган иқтисодий жараёнларни рағбатлантириш.

7. **Назорат қилувчи** – давлат назорати ва қонунлар меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар, белгиланган иқтисодий, экологик ва ижтимоий стандартлар ижросини назорат қилиш.

“Электрон ҳукумат”да иқтисодий вазифаларнинг бажарилиши бюджет, молиявий-кредит, тузулмавий, инвестицион, баҳолаш, ижтимоий, ташқи иқтисодий ва бошқа ижтимоий-иқтисодий сиёсат йўналишлари механизмларини яратиш орқали амалга оширилади.

Мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш учун алоҳида шахс, жамоа ва жамият қизиқишларини ҳар томонлама инобатга олиш ва мукамал қарорни шакллантиришда ҳукумат илмий ташкилотларни, сиёсий партияларни, жамоат ва диний ташкилотларни

жалб қилиши мумкин.

Ҳукумат камчилиги-чекланган ресурсларни тақсимлашда самарали таъсир кўрсатишни тўлиқ таъминлай олмаслиги ва жамоа орасида чекланган ресурсларни тақсимлаш сиёсатини ҳолисона тақсимланишига мос келмаслиги.

Давлат бошқарув қарорларининг ижросини таъминлашда салбий таъсир кўрсатувчи омиллар тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Ахборотнинг чекланганлиги.

2. Ҳукуматнинг қабул қилган бошқарув қарорларига жамият муносабатини тўлиқ назорат қила олмаслиги. (Жамиятнинг қизиқиш эҳтиёжлари ва имкониятларини инобатга олмаган ҳолда бир томонлама бошқарув қарорлари қабул қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин).

3. Сиёсий жараёнларнинг такомиллашмаганлиги (сайловчилар таъсирида, ижтимоий гуруҳ қизиқиши, айрим давлат органлари томонидан нотўғри сиёсат юритиш ва бошқарувнинг мувофиқ усуллари кўлламаслик ҳолатлари ва ҳоказо).

4. Давлат аппаратини назорат қилишнинг чекланганлиги (бошқарув ходимлари сонини ошириб юбориш, бюджет сарф-харажати охиридаги охиш кетиши).

Иқтисодий қарорлар қабул қилишда бозор ва ҳукумат камчиликларининг таъсири натижасини таққослаган ҳолда давлат бошқарувининг оптимал шакли ва чегараларини аниқлаш мумкин.

Одатда, давлат бошқарувининг тўртта модели амалда кенг тадбиқ этилади.

1. Америка модели. Либераллашган миллий иқтисодни бошқариш тизимида иқтисодий жараёнларда бозор муносабатларини мувофиқлаштиришга асосий эътибор қаратилади. Давлат бошқарувида ҳуқуқий базалардан фойдаланиш усулига асосланиб, жамиятнинг ривожланиши учун қулай шароит яратишга қаратилади. Америка моделида жамият ва иқтисодни бошқаришда ҳукуматнинг аралашуви жуда кам. Бу ўз самарасини бермоқда. Олимларнинг таъкидлашларича, демократик давлат бошқаруви жамият ва иқтисодни динамик равишда ривожланишини таъминламоқда.

2. Япон модели. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини иқтисодий ва шаклланмаган давлат бошқарув турли усулларида фойдаланиб, марказий мувофиқлаштириш. Япония иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хос хусусияти бозор муносабатларини шакллантириш механизми асосида давлат

корпоратив тузилмаси ётади. Бунда жамоанинг дунёқараши, ҳамжиҳатлилиги, шахснинг қизиқиши, жамоа ва давлат сиёсатига тобелиги асосий мезон ҳисобланади.

3. Немис модели. Миллий иқтисодий-ижтимоий бошқарув тизими асосида бозор муносабатлари (асосан рақобат) ва давлат даражасида фуқароларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш ётади.

4. Швед модели. Давлат ижтимоий-иқтисодий бошқарувида ҳукуматнинг бевосита иштирок этиши асосий ҳолат ҳисобланади. Бунда асосий фактор тенглик ва ҳамжиҳатлилик ҳисобланади, халқни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш, миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида ҳукуматнинг бевосита иштирок этиши кўзда тутилади.

“Электрон ҳукумат” - бу давлат бошқарув органлари фаолиятини янгича ташкил этиш шакли ҳисобланиб, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва ташкилот ва фуқаролар учун ҳукумат хизматларидан ва давлат органлари фаолияти натижалари ҳақидаги маълумотларни қулай тарзда ва юқори даражада тезкор олишни таъминлашдир.

Электрон ҳукумат қуйидагиларга имкон яратади:

- Аҳоли ва тижоратда осон ва тез хизмат кўрсатиш;
- Ўз ўзига хизмат кўрсатиш жараёнларига фуқаролар активлигини (жадал иштирокини) оширишни;
- Фуқароларнинг технологик саводхонлик даражасини оширишни;
- Мамлактни бошқариш ва раҳбарлик қилиш жараёнларида сайловчилар активлигини оширишни;
- Фуқароларнинг географик жойлашишидаги таъсирларни камайишини.

Электрон ҳукумат қуйидагиларни таъминлайди:

- Самарали ва кам харажатли маъмуриятни (маъмурий бошқарувни)
- Жамоатчилик ва ҳукумат ўртасида ўзаро муносабатларни тубдан ўзгаришини;
- Демократияни такомиллашувини ва ҳукуматнинг халқ олдидаги масъулиятини оширишни.

Электрон ҳукуматда эришиладиган энг катта ютуқ бу ўз уйи ёки офисидан чиқмаган ҳолда ихтиёрий ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳаттоки шахсий компьютердан фойдаланиб, бюрократик тўсиқларни оқлаган ҳолда ва қоғозвозликларни камайтирган ҳолда электрон

тўловларни амалга оширишдан иборат.

Электрон ҳукуматни жорий этиш натижасида давлат бошқаруви самарадорлиги ошади, ҳукумат фаолиятидаги шаффофлик ошади, бу ўз навбатида давлат хизматчилари тажрибасидаги коррупция даражасини кескин камайишига олиб келади. Фуқароларда виртуал тизим орқали ҳукуматга боғланиш имконияти юзага келади.

Бугунги кунда юзлаб терминаллар давлат органлари ва жамоатчилик жойларига ўргатилган, булар орқали аҳоли давлат хизматлари рўйхати билан батафсил танишишлари мумкин.

Электрон ҳукумат – бу ғоя, давлат ўзининг катта қисм вазифаларини, асосий хизмат турларини электрон кўринишга ўтказди. Электрон ҳукуматнинг жамоатчилик вазифаси – давлатнинг тижорат билан, давлатнинг фуқаро билан ва давлатнинг ички давлат органлари билан ўзаро муносабатидир.

Шунинг учун ҳам электрон ҳукуматнинг асосий ички моделлари сифатида тўртта муносабат қаралади:

- G2C – давлат ва фуқаролар ўртасидаги (Government to citizen),
- G2B – давлат ва тижорат ўртасидаги (Government to Business),
- G2G – давлат ҳукуматининг турли тармоқлари ўртасидаги (Government to government)
- G2E – давлат ва давлат хизматчилари ўртасидаги (Government to Employees)

Электрон ҳукумат – электрон воситалар асосида маълумотларни қайта ишлаш, ўзатиш ва тарқатиш давлат бошқарув тизимидир. Электрон ҳукумат – объектив ҳақиқат бўлиб, ахборот муҳитида юзага келадиган электрон ҳукумат институтлари яратилиши ва ривожланишида намоён бўлади. Электрон ҳукумат институтларининг ривожланиши вақт талаби ҳисобланиб, асосан жамият аъзоларининг ижтимоий ихтиёжларининг қондиришига ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган.

Электрон ҳукумат турли кўринишда электрон хўжалик тармоқлари асосида амалда жорий этиб келинмоқда. Бу ўз навбатида жамиятнинг янги тарзда номоддий маҳсулларга (шахсий сифатлар, билим ва ахборот) асосланиб ривожланишига олиб келади.

Юқорида келтирилган илмий – техник ишларнинг ечилишини инобатга олган ҳолда ахборот жамиятини шакллантириш учун бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш лозим: компьютер саводхонлигини ошириш, инфраструктурани шакллантириш, электрон оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, жумладан, электрон ҳукумат

институтини яратиш лойихаси. Электрон ҳукумат концепциясини жорий этилиши нафақат давлат аппарати ишлари самарадорлигини оширади, балки демократиянинг тубдан янги рақамли демократия (digital democracy) моделини шаклланишига шароит яратади. Фуқаролар онлайн тизимида овоз бериш орқали маҳаллий ва давлат масалаларини ечишида тўғридан-тўғри иштирок этишини таъминлайди. Масалан, турли партияларга мансуб фуқароларнинг сиёсий масалалар ечилишига бўлган ўз таклиф ва тавсиялари электрон ҳукумат орқали билдиришлари.

Ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги ахборот – коммуникация технологияларидан фойдаланиш ғояси, янги давлат менежменти ғояси асосида олиб борилаётган маъмурий фаолиятда реформа ўтказиш жараёнида 1990 йилларда юзага келди. Лекин электрон ҳукумат ибораси кейинроқ (e-government) 1997 йили АҚШ миллий илмий фонди ташаббуси билан юзага келди. Бу ерда асосий урғу давлатни оммавий бошқарув органи тизимида берилган. Янги давлат менежменти асосида электрон ҳукумат дастурини амалга ошириш жараёнида маъмурий ўзгартиришлар ғояси тор маънода бўлиб қолди ва оммавий бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ўз ичига олмади. Шунингдек, жамият тараққиётида янги тенденциялар глобаллашув, тармоқ тузилиши, коммуникация революцияси (инқилоби), билимлар жамияти юзага келди. Янги техник воситаларни бошқарув жараёнларида тадбиқ этиш 1940 йил охири ва 1950 йиллар бошларига тўғри келади. Тижоратда фойдаланиш учун бурунги компьютер 1951 йил яратилган. Маълумотларга кўра бу “first Ferranti MARKI” ва UNIVACI ҳисобланган. Бундай компьютерлар аҳолини рўйхатга олишда ишлатилган. 1950 йилларнинг биринчи ярмида компьютерлар илмий ва техник соҳага кириб келган, қисман тижорат ва оммавий бошқарувда фойдаланилган. 1965 йилларга келиб компьютерлар конгресс сиёсатида ва Президент маъмуриятларида маълумотларни қайта ишлаш учун фойдалана бошланди. Асосий эътибор электрон компьютер имкониятларидан фойдаланиб менежмент фаолияти сарф ҳаражатларини камайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган. 1966 йилги статистик маълумотларга кўра ўша йиллари АҚШда 2600 компьютер мавжуд бўлиб, ўларда 71000 мутахассис фаолият юритган. Компьютернинг яратилиши бошқа технологиялар имкониятларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Компьютернинг асосий имкониятлари жумласига: инсон ва сунъий

юлдошларни коинотга учуриш, тиббиёт тадқиқотидаги ютуқлар, солиқ тизимини бошқариш орқали давлат жамғармасини ошириш; ижтимоий хавфсизликни бошқариш; муҳофаа соҳасида логистик тизимни бошқариш; суғурта туловларини тезлаштириш; атом энергиясидаги тенглик мақсадида фойдаланиш; кам ҳаражатли йулларни лойиҳалаш ва инфраструктурани яратиш киради. Қонунчиликка асосан компьютерлардан давлат фаолиятида фойдаланиш уч ташкилот томонидан амалга оширила бошланди: Бош маъмурий хизмат, Савдо вазирлиги ва Бюджет бюроси. 1970-80 йилларга келиб маълумотларни ўзатиш ва қайта ишлаш технологияси асосида коммуникацион тармоқлар юзага кела бошлади. Шахсий компьютерларнинг ва уларга мос равишда дастурий воситаларнинг яратилиши бутун жаҳон ахборот тармоғи ва интернетни юзага келишига шароит яратди.

Икки йўналиш – АКТни ривожланиши ва оммавий бошқарув модели 1996 йиллари маъмурий ислоҳотлар ўтказилишини тақозо этди. Натижада АҚШДА “ҳукуматни янгилаш”(reinventing government) дастурини ишлаб чиқди.

Буюк Британияда 1994-96 йилларда “электрон ҳукуматни жорий этиш стратегияси” ишлаб чиқилди. 1997 йилга келиб Британияда консерватив ҳукумат томонидан электрон ҳукумат хизматларини жорий этиш бўйича бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ҳукуматнинг 1999 йилга келиб лейбористлар қўлига ўтиши билан ҳукуматни модернизациялаш дастурига бир қатор ғоялар киритилиб, 2000 йил уни жорий этиш дастури. “Электрон ҳукумат: ахборот асрида оммавий хизмат учун стратегик асос” қабул қилинди. Бошқа давлатлар 1990 йилларга келиб ҳукуматни электронлаштириш дастурини қабул қила бошладилар. 1999 йил Европа комиссияси “Электрон Европа яратиш инициативасини (ташвиқоти)” дастурини ишлаб чиқди.

Электрон ҳукумат қўйидаги йўналишларда тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди:

- Давлат бошқарувида АКТдан фойдаланиш соҳасида стандартлар ва таклифларни шакллантириш;

- Ҳукумат ахборот тизими интеграцияси ва АКТ асосида ташкилотлараро ўзаро ахборот алмашинуви самарадорлигини таъминлаш;

- АКТ ёрдамида аҳоли ва давлат бошқарув органлари орасидаги ўзаро боғланиш самарадорлигини таъминлаш;

- Давлат бошқарув органлари фаолиятида ахборот бошқарув тизимини жорий этиш;

- Давлат бошқарув органлари фаолиятини таъминлаш учун наъмунавий дастурий техник ечимларни топиш;

- Чора тадбирлар дастурларини амалга ошириш жараяёнларини бошқариш.

Шундай қилиб, янги аср электрон ҳукумат яратилиши муҳим воқеа бўлиб, барча давлатларни қамраб олган. Электрон ҳукуматнинг назарий жиҳатлари унинг амалий тадбиқи билан бирга ҳар бир мамлакатнинг миллий ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Ахборот ва электрон техник воситаларни ривожланиши давлат бошқарув жараёнлари ва тузилмасига сезиларли таъсир кўрсатди. Аввалига бу қарорлар қабул қилиш жараёнида маълумотлардан фойдаланиш, йиғиш ва қайта ишлаш самарадорлигини оширишда намоён бўлса, кейинчалик бунга давлат бошқарув тизимларини ташкил этиш усуллари ва институтлари трансформациясида намоён бўлмоқда.

Умуман олганда электрон ҳукумат ривожланиши электрон бизнес ва электрон тижоратни ривожланиши билан характерланади.

Давлат электрон воситаларга асосланиб аҳолига, тижорат ташкилотларига хизмат курсатиб келади ва ҳукумат тузилмалари орасидаги ўзаро боғланишни такомиллаштиради. Бунда давлат фаолиятида умумий мақсадга эришилади:

- Давлат ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик шакллари кенгайди ва мустаҳкамланади;

- Ташкилот ва фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига эришилади;

- Фаолиятнинг шароитлари ўзгаришига тез ва самарали мослашади;

- Аҳоли ва тижорат тузилмаларига хизмат кўрсатиш такомиллашади, хизмат кўрсатиш нархи пасаяди;

- Давлат бошқарувида ташкилотлараро муносабатларда самарадорлик ошади;

- Давлат бошқарувида кадрлар самарадорлиги ошади;

- Давлат хизматчилари масъулияти ошади, давлат бошқарувида шаффофлик даражаси ошади ва хизматчилар ташаббуслари рағбатлантирилади.

АКТни давлат бошқарувида жорий этиш бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич – веб порталларни яратилиши ҳукуматни электрон тармоқ тузилмасига чиқиши билан характерланади. Бу

босқичда ҳукумат бир ёки бир неча сайтга эга бўлади ва ахборот билан таъминлаш вазифасини бажаради. Сайт орқали аҳолини ҳукумат таркиби, унинг вазирлари, агентликлари ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Шунингдек, телефонлар, манзиллар, қабул вақтлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади. Сайтда мунтазам равишда бериб бориладиган саволларга жавоблар жойлаштириб борилиши мумкин.

Иккинчи босқич – жорий этилган веб портал иштирокида фойдаланувчиларга махсус ва доимо янгиланиб борилаётган маълумотларни куплаб ҳукумат сайтлари орқали тақдим этиш мумкин. Бу ерда ҳукумат нашрларини, ҳуқуқий ҳужжатларни, янгилик ахборотларини олиш мумкин. Ҳукумат агентликлари сони тармоқда ошиб боради ва ҳар бири билан боғланиш мумкин бўлади. Электрон манзил, қидирув тизими, бирон бир изоҳ ёки таклиф юбориш имконияти юзага келади.

Учинчи босқич – интерактив веб порталлар аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга давлат тузилмалари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни изчиллигини оширади. Миллий ҳукумат веб – сайтлари веб портал кўринишида фойдаланувчини тўғридан-тўғри вазирликлар, департамент ва агентликлар билан боғлайди.

Фуқаролар ва провайдер хизматлари ўртасидаги ўзаро боғланиш тармоқ фойдаланувчиларига ўзларини қизиқтирган ва эҳтиёжи туғилган маълумотларга эришиш имконини беради. Фойдаланувчи махсус маълумотларни олиши, турли шакл ва бланкаларни тармоқ орқали тулдириши, раҳбарлар билан бирга ушрашувларга келиши электрон мажлисларда қатнашиши мумкин. Бу ерда фойдаланувчи учун сайт хавфсизлиги ва пароли юзага келади.

Тўртинчи босқич – ахборот оқими веб портали фойдаланувчи учун тармоқ орқали ҳужжатларни олиш ва келишувларга эришишни таъминлайди. Фуқаролар визалар, паспорт, туғилганлиги ёки улганлиги ҳақида гувоҳнома, лицензия, рухсатнома ва бошқа ахборот хизматларидан фойдаланадилар. Ҳукумат веб-сайти портал ҳисобланади ва фуқароларга ҳукумат тузилмаларига ва хизматига тўғридан-тўғри мурожаатини таъминлайди. Бундай порталлар ҳукумат тузилмаси ва вазифасидан кўра купроқ аҳолининг талабини ва эътирозларини инобатга олишга қаратилган. Фуқаролар шунингдек, солиқ туловларини ва обошқа туловларни (автомобил турар жойига, автомобилни рўйхатга қуйишга ва ҳақозо) тармоқ орқали амалга оширишлари мумкин. Бу босқичда электрон рақамли имзодан

фойдаланиш мумкинлиги бошланади.

Бешинчи босқич – тўлиқ интеграллашган веб портал ҳукумат портали тармоғи орқали хизмат кўрсатиш ва боғланишни таъминлайди, тармоқ фойдаланувчисига ихтиёрий хизматни ўз вақтида олишни таъминлайди.

4- мавзу: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бошқаруви ягона портали

Режа:

1. “Ўзбекистоннинг электрон ҳукумати” концепцияси.Мақсад ва вазифалари. Миллий дастурий маҳсулотлар ва АБТларни ўрганиш.

2. Электрон ҳужжат айланишининг электрон ҳукумат тизимидаги роли. Уни такомиллаштириш омилларини ўрганиш.

Интерактив давлат хизмати – идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда идоралар томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Интерактив давлат хизмати қуйидаги шаклларда кўрсатилади:

– умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) - тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;

– бир томонлама ўзаро ҳамкорлик - электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

– икки томонлама ахборот айирбошлаш - сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);

– электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш.

Бугунги кунда аҳолига давлат органларининг веб-сайтлари орқали интерактив давлат хизматлари асосида **500**дан ортиқ турдаги интерактив хизматлар кўрсатилмоқда.

Қуйидаги веб-саҳифалардан Давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи органлар веб-саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни олиш мумкин.

– Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали.
<http://www.gov.uz>

– Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг портали.
<http://www.aci.uz>

Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари «электрон ҳукумат» тизимини фаол жорий қилмоқда. Бу давлат тузилмаларини бошқаришга, давлат ва тадбиркорлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда бизнес жараёнларни самарали ривожлантиришга, шунингдек, фуқароларга Интернет тармоғи орқали очиқ интерактив давлат хизматларини кўрсатишга ёрдам беради.

Бугунги кунда «электрон ҳукумат»нинг самарали элементлари сифатида 20 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали–gov.uz бўлиб, ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида электрон-ахборот ҳамкорлик инфратузилмасининг тизим ҳосил қилувчи элементи ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро ёки корхона, ташкилот, муассаса вакили Ўзбекистондаги давлат ҳокимиятининг барча элементлари юзасидан тўлиқ ахборотни олиши мумкин, шунингдек, ҳокимиятнинг у ёки бу органига gov.uz портали орқали электрон шаклда расмий сўров юбориши мумкин. Мазкур порталда Асосий интерактив давлат хизматларининг тўлиқ рўйхати чоп этилган.

«E-Kommunal.uz» портали уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги умумий ахборот инфратузилмаси бўлиб, аҳоли, назорат қилувчи органлар ва уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, шунингдек, коммунал хизматлар ўртасида ахборот алмашишни осонлаштиради. Мазкур порталда Ўзбекистондаги уй-жой ва коммунал хўжалигининг барча масалаларига доир ахборот, шунингдек тарифлар тўғрисида маълумот берилган ҳатто, барча коммунал хизматларнинг интерактив калькулятори қулай шаклда жойлаштирилган. Хоҳловчилар порталда коммунал хўжалиги муаммоларига оид хабар, фотосуратларни жойлаштиришлари мумкин, давлат ҳокимияти тегишли органлари томонидан кўриб чиқилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари қўлланилади.

• stat.uz, soliq.uz тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклдаги статистик, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларини тўплаш ва ишлов беришни автоматлаштириш тизими. Давлат солиқ қўмитаси сайтида ҳар бир солиқ тўловчи ҳам юридик, ҳам жисмоний шахс

сифатида электрон шаклда хизматларнинг тўлиқ рўйхатини олиши, солиқ ҳисоботи ёки даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ёхуд ўзининг солиқ тўловчи идентификация рақамини (ИНН) олиши мумкин.

Статистика давлат қўмитасининг сайти орқали ҳар қандай тадбиркорлик субъекти электрон шаклда статистик ҳисоботни топшириши мумкин, янги фирма ташкил этаётганда ҳар бир фуқаро фирма номини резерв қилишнинг электрон тизимидан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозир давлат статистик ҳисоботининг 101 та шакли (141 та амалдаги шаклдан) Интернет тармоғи орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, 103 мингдан ортиқ фирма номлари электрон шаклда резерв қилинган.

Ўзбекистон қонунчилик миллий базаси (lex.uz) 25 мингдан ортиқ норматив ҳужжатни барча учун очиқ тарзда ўз ичига олган. Lex.Uz миллий тизимининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахслар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кенг киришни таъминлаш йўли билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мустақилликка эришилгандан сўнг ҳозиргача қабул қилинган қонунлар, кодекслари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, Lex.Uz миллий базаси Интернет тармоғи орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бепул киришни таъминловчи Ўзбекистондаги ягона ахборот-ҳуқуқий тизим ҳисобланади.

• uzbekenergo.uz - ҳар бир электр энергияси истеъмолчилари ўзларининг шахсий маълумотларига киришларини таъминловчи алоҳида хона. Ҳар қандай корхона, ташкилот ёки оила электр энергияси истеъмолчиси ҳисобланади. Мазкур лойиҳа мамлакатдаги барча истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланиш ҳисобини қулай интерактив шаклда назорат қилиш имконини беради.

• evisa.mfa.uz - чет эл фуқаролари учун Ўзбекистонга виза олишни расмийлаштириш онлайн-анкета. Тизим Ўзбекистон Республикаси


Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтининг бир қисми бўлиб, ҳозирда алоҳида веб-саҳифа сифатида ўзбек, инглиз ва рус тилларида ишламоқда, келажакда бошқа тилларда ҳам ишлаши мумкин. Ўзбекистон - eVisa тизимини жорий этган дунёдаги тўққизинчи мамлакат. Бу мамлакатимизнинг туристик ва бизнес салоҳиятини оширади.

license.uz - амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати ва лицензия ҳамда рухсатнома олишнинг тартиб-таомиллари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва бошқа масалалар тўғрисида ахборот олиш имконини берадиган лицензиатнинг ягона портали. Ўзбекистонда лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари доимо қисқаради ва уларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади. Мазкур лойиҳа ахборот ва зарур лицензияларни олишда ортиқча расмиятчиликни камайтиришга ёрдам беради.

Асосий интерактив давлат хизматлари «электрон ҳукумат» тизимининг бир бўлагидир. «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишга доир таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун мақсадли кўрсаткичлар ва давлат органлари интерактив хизматларининг турли соҳа ва йўналишлари бўйича индикаторлар ишлаб чиқилган.

«Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши натижасида турли инстанцияларга бориш зарурияти ҳамда давлат хизматлари олиш учун давлат хизматчиларига аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан бевосита мурожаат қилишни истисно этадиган транзакциявий хизматларга тўлиқ ўтилиши кутилмоқда, бу ўз навбатида, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратилишига ва бизнес юритиш учун шароитнинг яхшиланишига кўмак беради.


Ўзбекистоннинг ҳар бир туманида Интерактив давлат хизматлари



4.1-

расм.

Фуқаронинг шахсий кабинети




4.2-расм. Интерактив давлат хизматларининг Ягона портали.

Интерактив давлат хизматларининг ягона порталига барча вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри уланган (4.2-расм).

Туманлар раҳбарларини жалб қилиш маҳаллий масалаларни

тезкорлик билан жойида ҳал этишга ёрдам беради, чунки улар ўз ҳудудларига тегишли муаммоларни яхши биладилар, зеро, туман миқёсидаги мурожаатлар маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин (4.2-расм.)



4.3-расм. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали хизматлари рўйхати.

Бугунги кунда келиб тушган 931 та талабномадан 658 таси (75 фоизи) яқунланган, 272 таси кўриб чиқилмоқда. Давлат органлари мулоқотга тайёр.

Давлат солиқ қўмитасининг интерактив хизматлари (soliq.uz):

- 1) Давлат солиқ қўмитасининг тузилиши, функциялари, вазифалари ва ваколатлари.
- 2) Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборот.
- 3) Хўжалик юритувчи субъектлар текширувлари жадвали режасидан кўчирма бериш.

4) Рўйхатдан ўтиш, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва солиқ тўловчининг рўйхатга олиш маълумотларини ўзгартириш учун аризаларини қабул қилиш.

5) Солиқ солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

6) Электрон шаклдаги солиқ ҳисоботлари вамолиявий ҳисоб-китобларни қабул қилиш.

7) Электрон шаклдаги солиқ декларацияларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш.

8) Солиқ тўловчилар – жисмоний шахсларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотини тақдим этиш.

9) Жисмоний шахсларсолиқларини тўлаш учун квитанциялар.

10) Якка тартибдаги тадбиркорлар текшируви натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

11) Якка тартибдаги тадбиркорларнинг электрон шаклдаги солиқ ҳисоботларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш.

12) Тўлов топшириқномаларини шакллантириш.

13) Қўшимча қиймат солиғи тўловчилар.

14) Солиқ тўловчи идентификация рақамингизни (ИНН) билиб олинг.

15) СМС-тўлов.

16) Фуқаролар мурожаати.

17) Электронкалькулятор.

18) Тез-тез бериладиган саволлар.

19) Солиқ низоларини кўриб чиқиш.

20) Солиқ органларининг расмий тушунтиришлари.

21) Анкеталаштириш.

22) Контрагент тўғрисида маълумотлар.

23) Жисмоний шахсларнинг солиқлари бўйича маслаҳатчи.

24) Текширувлар жадвали режасидан кўчирма бериш.

5- мавзу: Онлайн хизматлар “Электрон ҳукумат ривожланиш индекси”нинг элементи

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизимида фуқаролар фаолияти ва тадбиркорлик ўрни. G2C, G2B моделларининг мазмун моҳияти.

2. Мазкур моделлар асосида кўрсатиладиган хизматлар ва қўлланадиган технологиялар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали – gov.uz бўлиб, ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида электрон-ахборот ҳамкорлик инфратузилмасининг тизим ҳосил қилувчи элементи ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро ёки корхона, ташкилот, муассаса вакили Ўзбекистондаги давлат ҳокимиятининг барча элементлари юзасидан тўлиқ ахборотни олиши мумкин, шунингдек, ҳокимиятнинг у ёки бу органига gov.uz портали орқали электрон шаклда расмий сўров юбориши мумкин. Мазкур порталда Асосий интерактив давлат хизматларининг тўлиқ рўйхати чоп этилган.

«E-Kommunal.uz» портали уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасидаги умумий ахборот инфратузилмаси бўлиб, аҳоли, назорат қилувчи органлар ва уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, шунингдек, коммунал хизматлар ўртасида ахборот алмашишни осонлаштиради. Мазкур порталда Ўзбекистондаги уй-жой ва коммунал хўжалигининг барча масалаларига доир ахборот, шунингдек тарифлар тўғрисида маълумот берилган ҳатто, барча коммунал хизматларнинг интерактив калькулятори қулай шаклда жойлаштирилган. Хоҳловчилар порталда коммунал хўжалиги муаммоларига оид хабар, фотосуратларни жойлаштиришлари мумкин, давлат ҳокимияти тегишли органлари томонидан кўриб чиқилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари қўлланилади.

- stat.uz, soliq.uz тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклдаги статистик, солиқ ва бошқа молиявий ҳисоботларини тўплаш ва ишлов беришни автоматлаштириш тизими. Давлат солиқ қўмитаси сайтида ҳар бир солиқ тўловчи ҳам юридик, ҳам жисмоний шахс сифатида электрон шаклда хизматларнинг тўлиқ рўйхатини олиши, солиқ ҳисоботи ёки даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ёхуд ўзининг солиқ тўловчи идентификация рақамини (ИНН) олиши мумкин.

Статистика давлат қўмитасининг сайти орқали ҳар қандай тадбиркорлик субъекти электрон шаклда статистик ҳисоботни топшириши мумкин, янги фирма ташкил этаётганда ҳар бир фуқаро фирма номини резерв қилишнинг электрон тизимидан фойдаланиш имкониятига эга. Ҳозир давлат статистик ҳисоботининг 101 та шакли (141 та амалдаги шаклдан) Интернет тармоғи орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, 103 мингдан ортиқ фирма номлари электрон шаклда резерв қилинган.

Ўзбекистон қонунчилик миллий базаси (lex.uz) 25 мингдан ортиқ

норматив ҳужжатни барча учун очик тарзда ўз ичига олган. Lex.Uz миллий тизимининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахслар учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кенг киришни таъминлаш йўли билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мустақилликка эришилгандан сўнг ҳозиргача қабул қилинган қонунлар, кодекслари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган. Шунини таъкидлаш лозимки, Lex.Uz миллий базаси Интернет тармоғи орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бепул киришни таъминловчи Ўзбекистондаги ягона ахборот-ҳуқуқий тизим ҳисобланади.

• uzbekenergo.uz - ҳар бир электр энергияси истеъмолчилари ўзларининг шахсий маълумотларига киришларини таъминловчи алоҳида хона. Ҳар қандай корхона, ташкилот ёки оила электр энергияси истеъмолчиси ҳисобланади. Мазкур лойиҳа мамлакатдаги барча истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланиш ҳисобини қулай интерактив шаклда назорат қилиш имконини беради.

• evisa.mfa.uz - чет эл фуқаролари учун Ўзбекистонга виза олишни расмийлаштириш онлайн-анкета. Тизим Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтнинг бир қисми бўлиб, ҳозирда алоҳида веб-саҳифа сифатида ўзбек, инглиз ва рус тилларида ишламоқда, келажакда бошқа тилларда ҳам ишлаши мумкин. Ўзбекистон - eVisa тизимини жорий этган дунёдаги тўққизинчи мамлакат. Бу мамлакатимизнинг туристик ва бизнес салоҳиятини оширади.


license.uz - амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати ва лицензия ҳамда рухсатнома олишнинг тартиб-таомиллари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва бошқа масалалар тўғрисида ахборот олиш имконини берадиган лицензиатнинг ягона портали. Ўзбекистонда лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари доимо қисқаради ва уларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади. Мазкур лойиҳа ахборот ва

зарур лицензияларни олишда ортиқча расмиятчиликни камайтиришга ёрдам беради.

Асосий интерактив давлат хизматлари «электрон ҳукумат» тизимининг бир бўлагидир. «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишга доир таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун мақсадли кўрсаткичлар ва давлат органлари интерактив хизматларининг турли соҳа ва йўналишлари бўйича индикаторлар ишлаб чиқилган.

«Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши натижасида турли инстанцияларга бориш зарурияти ҳамда давлат хизматлари олиш учун давлат хизматчиларига аҳоли ва бизнес вакиллари томонидан бевосита мурожаат қилишни истисно этадиган транзакциявий хизматларга тўлиқ ўтилиши кутилмоқда, бу ўз навбатида, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратилишига ва бизнес юритиш учун шароитнинг яхшиланишига кўмак беради.

Е-рау тўлов тизими “Online-Servis-Biznes” (OSB) масъулияти чекланган жамият томонидан ишлаб чиқилган ва OSB компаниясининг хизматида (5.1-расм). Тўлов тизими билан боғлиқ барча шартномалар, ҳуқуқий ва молиявий масалалар OSB томонидан ҳал қилинади. Компания ўз фаолиятини 2006 йилдан бошлаган. Шу вақт ичида OSB мутахассислари Е-рау тизимини ишлаб чиқиб, 2007 йил июн ойидан бошлаб ишга туширдилар. Бу тизим қулайлиги ва хавфсизлиги бўйича барча жаҳон стандартларига жавоб беради. Компания фалсафаси мижозларга, компания хизматчиларига ҳурмат билан муомала қилиш ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Қуйида тизим иштирокчиларининг ҳамкорлигини кўрсатувчи тасвирни кўришингиз мумкин.



5.1-расм. “E-ray” тизими иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари схемаси.

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси озиқ овқат маҳсулотларидан маиший ва компьютер технологияларигача бўлган товарларни харид қилиш, мобил алоқа, Интернет, телефония ва коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек, кино, театрларга чипталарни уй ёки офислардан чиқмаган ҳолда харид қилиш имкониятига эга бўлади. Эндиликда қимматли вақт ва асабларни сарфлаб дўкондан дуконга бориб, у ёки бу товарни қидириш ҳожати қолмайди. Ушбу масалаларни яқин келажакда ишга тушувчи ва бир кунда 24 соат, ҳафтасига 7 кун узлуксиз хизмат қилувчи “SMS” электрон тўловлар тизими ҳал этади.

Ахборот-коммуникация, мобил ва интернет-технологиялари соҳасида дастурий ечимлар ишлаб чиқарувчи «Multisoft Solutions» маҳаллий компанияси 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ “SMS” электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқди. Айни вақтда мазкур тизим интернет ёрдамида электрон тўловларни ўтказиш бўйича «бошланғич лойиҳа» сифатида тақдим этилмоқда.

« SMS » тизими Интернет тармоғи орқали аҳолига товарларни харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар, халқаро ва шаҳар телефонлари, ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Ушбу тизим миллий валюта - сўмга боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Учинчи шахсларнинг тизимга ижозатсиз киришидан ишончлиги ва ҳимоясининг гарови, Электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ) қўлланилиши саналади. ЭРИ 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ҳужжатдаги ЭРИ айни бир вақтнинг ўзида коғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир ҳил аҳамиятга эга. ЭРИдан “SMS” тизимига киришда, ҳамда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишда фойдаланилади. Бунинг учун тизим фойдаланувчиларига «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Руйхатга олувчи маркази (РОМ) томонидан ЭРИ калитининг сертификати берилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, яқинда компания РОМи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат рўйхатидан ўтди. ЭРИни қўлланилиши, анъанавий «парол ва логин»лардан фойдаланиш методларига нисбатан, назария ва амалиётда устун деб исботланган. «SMS» тизимида қўлланилувчи ЭРИнинг сирли калитининг узунлиги 2048 битни ташкил қилади; демак, бугунги кунда ЭРИ калитларининг хар қандай компрометацияси олди олинади.

Бунда пул маблағлари тизим фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларида автоматик тарзда акс эттирилади. Айнан ушбу маблағлардан, фойдаланувчилар уй ёки офислардан ташқарига чиқмай бутун республика бўйича товар ва хизматлар (кино, театр, ҳаво ва темир йўл транспорти учун чипталар, кийим кечак, озиқ-овқат, кредит ва х.к) учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўладилар.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг уланиши, уларнинг интернет-сайтлари, интернет-дўконлари ёки савдо майдонларининг интернет-тўловлари тизимига уланиши орқали амалга оширилади. «SMS» тизимида товар ва хизматлар «онлайн» режимида сотилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон ҳужжат шаклида тузилган келишув назарда тутилган. «SMS» тизимининг қўшимча функциялари қаторида, битта фойдаланувчининг электрон ҳисобидан иккинчи фойдаланувчининг электрон ҳисобига маблағларни ўтказиш, тизим аъзоларини баҳолаш (аттестация) ҳамда фойдаланувчиларнинг пул маблағларини банк ҳисоб рақамларига чиқариш каби имкониятлар ҳам мавжуд.

Қийматини белгиловчи пулнинг яратилиши билан турли тўлов тизими юзага келди. Вақт ўтиши билан қимматини белгиловчи усуллар ҳам кўпайиб борди. Бартер усулидан бошлаб, банкоматга, чек, кейинчалик кредит карта ва нихоят электрон тўлов тизимига келинди.

Кредит карта билан тўловни амалга ошириш электрон тижоратда қуйидаги ноқулайликлар кузатилади.

Биринчидан, кредит карта ёрдамида ҳисоб кимтоб қилиш суммани энг кам миқдори белгилаб қўйилади, яъни майда товарларни деярли харид қилиш муаммо бўлади.

Иккинчидан, кредит картадан хар бир харид этилган товарга пул ўтказишда банк хизмати учун маълум миқдордаги (масалан: тўлов миқдоридан 3%) сумма чегириб қолинади.

Учинчидан, кредит карталар тез ишдан чиқадиган ва ҳимояланганлиги паст даражада эди. Ҳозирги кунда ҳам тижорат сайтларининг бузилганлиги ва кредит карта рақамининг

ўғирланганлиги ҳақида эшитиб турамин.

Бундай тизим ҳисоб китобни дебет схемасида амалга оширилиши ва юқори даражадаги кристал микропроцессор билан ҳимояланганлиги тўлиқ хавфсизликни таъминлайди. Бундан ташқари микропроцессорли карта оддий картага нисбатан қиммат бўлсада тўлов тизими арзонга тушади, чунки оф лайн режимида телекоммуникация тармоғига оғирлик тушмайди.

Электрон тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан қуйидаги камчиликлар мавжуд:

-банклараро, миждоз-банк орасидаги ахборот алмашинуви ва тўловни узатиш;

- Ташкилот ичидаги ахборот узатувчи ва қабул қилувчи маълумотларини қайта ишлаш;

- Миждознинг ҳисоб рақамидаги йиғилган суммага мувожаатининг мавжудлиги.

Электрон тўлов тизимида асосий хавф туғилиши мумкин бўлган ҳолат тўловни банклараро, банк ва банкомат, банк ва миждоз орасида узатилишида юз беради.

Тўловларни узатиш ва бошқа маълумотларни узатишда қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

-Ташкилот ички тизимда узатувчи ва қабул қилувчи электрон ҳужжатларни узатиш ва қабул қилишда, ташкилот ичида маълумотларни қайта ишлашда ҳимояни таъминлаш зарур.

-Электрон ҳужжат юборувчи ва қабул қилувчи – алоқа канали билан ўзаро боғланади.

-Бу хусусиятлар ўз навбатида қуйидаги муаммоларни юзага келтиради:

-Ўзаро муносабатдаги абонентларни кимлигини билиш ўзаро боғланишда кимлигини аниқлаш;

-Алоқа канали билан узатилаётган электрон ҳужжат материални хавфсизлигини таъминлаш;

-Электрон ҳужжат алмашинуви жараёнини ҳимоя қилиш; ҳужжатни тўлиқлигини таъминлаш;

-Ҳужжатларни расмийлаштириш ва келишувни таъминлаш; ҳужжат юборилганлиги ва етказиб берилганлигини исботлаш; ўзаро боғлиқ бўлмаган ва тури ташкилотга тегишли бўлгани учун юборувчи ва қабул қилувчи ўртасида ишончсизликни бартараф этиш.

-Дебет картасига эга бўлганлар ўзининг ҳисоб рақамига банк-эмитентда маълум миқдордаги суммани қўйишлари керак. Ушбу

сумма миқдори олиниси мумкин бўлган воситани белгилайди. Ҳисоб китобни ушбу картадан фойдаланиб амалга оширилиши жамғарма камайишига олиб келади. Банкдаги жамғарма дебет картасидан фойдаланишда автор кимлигини англашда албатта текширилади. Карта эгаси ўзининг жамғармасини ошириши учун ўз ҳисоб рақамига яна маблағ киритиши мумкин. Тўлов жараёни кечаётган вақт оралиғида банк томонидан керакли маълумот олингунга қадар мижоз ҳисоб рақамида маълум миқдорида қолдиқ сумма бўлиши лозим.

Кредит ва дебет карталар якка шахсга тегишли бўлибгина қолмай балки корпоратив(яъни кўпчиликни) бўлиши мумкин. Корпоратив карталар компания томонидан ходимларига сафар ва хизмат харажатларини сарф ҳисоб рақами билан боғлиқ ҳолда ишлаши мумкин. Бу карталар алоҳида ёки умумий жамғармага эга бўлишлари мумкин.

Сўнги йилларда электрон тўлов тизимида микропроцессор карталаридан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда, бунда мижознинг ҳисоб рақамидаги ҳолат доимий равишда кузатилиб борилади. Ҳисоб рақами орқали ҳисоб китоблар оф лайн жараёнида карта терминал ёки мижоз картаси сотувчи картаси.

Тўловнинг вазифаси пул суммасини тўловчидан қабул қилувчига узатишдан иборат. Электрон тизимда пулнингш бундай узатилиши электрон тўлов протоколи билан амалга оширилади. Бу жараён молиявий ҳаракатни амалга оширишни талаб этади, яъни томонлар тўлов протоколлари билан алмашинади, пул воситаси ҳақиқатдан ҳаракатда бўлади. Молиявий ҳаракатни таъминловчи сифатида банк, ёки алоҳида ташкилот бўлиши мумкин.

Тўлов тизими буюртмаларни, магазин электрон витриналарни ўрганиб чиқишни таъминлайди. Сотувчининг товар ёки хизматини сотувчи сайтидан танлаши ва компьютер ёнидан кетмаган ҳолда тўловни амалга ошириши мумкин.

Электрон тижорат тизимида тўлов қуйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

- махфийликка риоя этиш. Харидор Интернет орқали тўловни амалга оширишида (кредит картаси рақамини) унинг маълумотларини фақат қонуний ҳуқуқи бўлган корхонагина билишини истади. Тўлов тизими харидорнинг маълумотларини кенг доирада ошкор бўлишига йўл қўймаслиги керак. Шундай қилиб, махфийликни таъминлаш талаби қуйидагиларни ўз ичига олади:

А) томонларнинг кузатувчилари томонидан фойдаланувчилар

харакати хақидаги маълумотларни олиш имконини бекор қилиш;

Б) тўлов қабул қилувчи учун харидорнинг кимлигини сир сақлаш даражасини таъминлаш;

В) Эмитентдан нима учун тўлов амалга оширилганлиги хақидаги маълумотни сир тутиш;

Г) Эмитентдан харидорнинг (тўловчининг) қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги хақидаги сирдан беҳабар қолдиришни таъминлаш.

- хавфсизликни таъминлаш. Интернет кенг имкониятли ва самарали мухит ва восита бўлишига қарамай фойдаланувчида ишончсизликни уйғотади. Шунинг учун ундан фойдаланганда ҳимояланмаган жойи қолмаслиги керак.

Маълумот тўлиқлигини сақлаш. Харид қилинганлик хақидаги маълумот ҳеч ким томонидан ўзгартира олинмайди.

Аутентификация. Сотувчи ва харидор келишуда томонлардан иштирок этувчилар кимлигига ишонч ҳосил қилиш.

Тўлов воситаси. Харидорга маъқул бўлган тўлов воситасидан фойдаланиш имконияти авторлаштириш. Тўлов тизими томонидан пулни узатиш жараёни қўллаб қувватланади ёки бекор қилинади.

Сотувчининг тавакалчилик кафолати. Интернетда савдо қилиб, сотувчи кўп таввакалчиликка йўл қўяди, харидорнинг маъсулиятсизлиги ва товардан воз кечиши. Таввакалчилик даражаси тўлов тизими провайдери билан келишилган бўлади, савдонинг боғловчи бошқа келишувларга боғлиқ.

Махсулот етказиб беришга кам ҳақ тўлаш. Буюрмани етказиб бериш ва товарга пул тўлаш, товар тан нархига киради. Товари тез ва кам нархда етказиб бериш рақобатни оширади. Йўл хақи, товари етказиб бериш учун сарф харажат харидорнинг товардан воз кечганида ҳам тўланади.

Интернет тўлов тизимининг функционал кўрсаткичларига қараб танловни амалга ошириш қуйидагиларга қаратилган:

Универсаллик – бир неча ускуна ва воситалар билан ишлаш;

Активлик – тўлов тизимининг ишлаши хақидаги турли манбалардан олинган маълумотларни баҳолаш. Активликнинг бир неча даражасини кўрсатиш мумкин: тизим умуман ишламайди, тизим бир қанча Интернет-магазинлар билан фаолият юритади, тизим доимий равишда тўловни амалга оширади ва бир неча электрон савдо манбалари билан ишлайди.

Тезлик-харидор томонидан товар учун ҳисоб-китобда ва магазин

томонидан пулни қабул қилишда кечикишнинг бор ёки йўқлиги.

Микротўлов – бир доллардан кам суммадаги тўловлар учун кичик тўловлар самара бермайди.

Махсус дастурий таъминот-айтим холларда тўловни амалга оширишда махсус дастур таъминотини ўргатиш талаб этилади (масалан: web Money Keeper) ёки стандартларни такомиллаштириш (M: Pay Cash).

Он-лайнда рўйхатга олиш – Интернет орқали тўлов тизимида рўйхатга олиш имкониияти.

Пулни қайтариш – харидорнинг келишувдан воз кечиши юз берганда пулни қайтаришда тўлов тизимининг имкониятлари. Бу ҳолат умуман кўзда тутилмаган бўлиши мумкин ёки уни амалга ошириш қийинчиликларни юзага келтиради.

Харажат – тизимда иштирок этиш билан боғлиқ сарф харажат миқдори. (Алоҳида Интернет – магазин ва харидор учун). Рўйхатга олиш нархи, абонент тўлови ва келишувни амалга ошириш учун тўлов.

Сертификат ва лицензияга эга бўлиш – маъсулиятни ташкилот томонидан сертификат (лицензия) берилиши, тўлов тизимини экспертизадан ўтказиш, банк ёки процессинг компанияси ҳар қандай тўлов тизимига бирон бир банк ёки ихтисослашган молиявий ташкилот томонидан хизмат кўрсатади.

Фаолият кўрсатаётган ҳар қандай банк дебет ва кредит карталардан фойдаланиш орқали катта миқдорда иқтисод ва самара кўришини яхши билади. Шунинг учун эмитент томонидан мижозлар учун яратилган пластик карталарни кенг оммага тарқатиш борасидан тинмай фаолият юритиб келмоқдалар. Муаммо шундаки ҳудудлар бўйича банкларнинг нотекис жойлашиши ва тушумларнинг тарқоқлигидадир. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳар бир банк ўзининг эквайерини яқин ва ишончли ҳолда танлашга ҳаракатини қаратади.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг асосий функциялари. Тўлов тизимида кириш босқичида хизмат кўрсатувчи банк процессинг компанияси билан ўзи томонидан тузилаётган терминаллар тизими орқали карточка эгаларига хизмат кўрсатишга лицензия олиш учун шартнома тузади. Тизимнинг ҳисоб-китоб банкида вакиллик ҳисобрақамини очади. Процессинг маркази билан фаолият юритиш усулини танлайди.

Банк филиалларида орқали карточка эгаларига хизмат кўрсатиш ўринларини ташкил этади, процессинг компанияси тасдиғи билан садо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномалар тузади, уларни лозим ускуна ва бутловчи материаллар билан таъминлайди.

Карточка эгаларига хизмат кўрсатиш босқичида қуйидаги функцияларни бажаради:

- терминал тизимини (усуналар тизими, мисол учун: банк автоматлари ва электрон терминаллар) ишчи ҳолатини таъминлаш;

- усуналардан транзакцияларни олиш ва уларни процессинг марказига етказиш;

- стоп-листлар тайёрлаш ва тарқатиш;

- хизмат кўрсатиш жойларининг савдо чекларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ҳисоб рақамларига пулларини кўчириш (slip processing);

- тўлов тизими қатнашчи банклари билан ҳисоб-китоб қилиш.

Хизмат кўрсатувчи банк терминал тизимини бошқариш ҳуқуқини бошқа ташкилотга (мисол учун, процессинг марказига) бериши мумкин.

Процессинг марказининг асосий функциялари.

Процессинг маркази – бу тўлов тизими қатнашчи банклари билан шартномавий муносабатга эга бўлган ва хизмат кўрсатувчи банкдан банк-эмитентга аторизациялаш учун транзакцияларни маршрутизациялашни ҳамда бошқа тўлов тизимларининг транзакцияларини қабул қилиш ва юборишни таъминлайдиган ташкилотдир.

Процессинг маркази хизмат кўрсатувчи банк томонидан унинг терминал тизимини бошқаришга авторизация қилиниши мумкин.

Процессинг маркази эмитент-банк томонидан ушбу банк карточка эгаларини авторизация ўтказишга авторизация қилиниши мумкин. Бу ҳолда процессинг марказида авторизация қилиш ва карточкалар, ҳисоб рақамлар ҳамда улардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар базасини юритиш хизматини ташкил қилинади.

Процессинг маркази эмитент-банклар карточкаларини шахсийлаштириш (персонализация) хизматини таклиф этиши мумкин.

Процессинг маркази эмитент-банклар ишида ёки маълумотлар юбориш тармоқларида узилишлар бўлган холларда (режим stand-in) эмитент банклар транзакцияларини авторизациялаш хизматини таклиф этиши мумкин.

Эмитент – банкнинг асосий функциялари.

Тўлов тизимига кириш босқичида карточларни эмиссия қилиш ҳуқуқи учун шартнома тузади. Карточка дизайнини тўлов тизими унга қўйилган талаблар асосида ишлаб чиқади. Балким чекланган карточкалар эмиссиясига лицензия олади. Тариф сиёсатини танлайди.

Тизимнинг ҳисоб китоб банкида вакиллик ҳисоб рақамини очади. Процессинг маркази билан ҳамкорлик турини танлайди.

Эмиссия босқичида:

– ўз мижозлари учун зарур миқдорда карточкаларга буюртма беради;

- кредит сиёсатини танлайди;

- мижозларнинг карочка билан боғлиқ (ассоцияланган) ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатади;

- карточка эгаларига ҳисоб рақами беради;

- ўз мижозларини авторизациялашни мустақил амалга оширади ёки бошқа ташкилотга беради;

- процессинг марказидан мижозларнинг транзакциялари бўйича ҳисоботни олади ва қайта ишлайди;

- карточкалар, карточка билан боғлиқ ҳисоб рақамлари, ҳисоб рақам қолдиқлари ва бошқа маълумотлар базасини мустақил бошқаради ёки бошқа ташкилотга (мисол учун, процессинг марказига) бошқариш учун топшириқ беради;

- Маълумотлар базасини бошқариш, сақлаш ва карточкаларни ҳамда шахсий идентификация рақамларини бериш жараёнлари хавфсизлигини таъминлайди.

Тизим ҳисоб– китоб банкининг асосий функциялари.

Тизим ҳисоб– китоб банкида барча эмитент-банклар ва хизмат кўрсатувчи банклар вакиллик ҳисоб рақами очадилар. Ушбу ҳисоб рақамлари бўйича тўлов тизимининг иштирокчилари ўртасида ҳисоб китоб амалга оширилади. Ҳисоб китоб банки вакиллик ҳисобрақамларига хизмат кўрсатишни ва банклар билан тузилган шартномада кўрсатилган муддат ҳамда шартлар асосан маблағларни кўчиришни таъминлайди.

Савдо ташкилотларининг асосий функциялари.

Савдо ташкилотлари (POS) – Ушбу тизимнинг пластик карточкаларига хизмат кўрсатувчи жойи (точкиси): магазинлар, ресторанлар, клублар, мехмонхоналар, бензоколонкалар ва бошқалар. Улар хизмат кўрсатувчи банк ёки хизмат кўрсатувчи банк ушбу ҳуқуқни берган бошқа ташкилот билан карточка эгаларига (держателлари) хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузади. Корхонанинг ҳисоб рақами хизмат кўрсатувчи банкда бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш даврида мажбурлар:

- маҳсулот ёки хизмат учун тўловни пластик карточкадан нақд пул билан бир қаторда қабул қилиши;

- тўлов тизими ўрнатган тартибда карточкаларни авторизациялаш;
- савдо чекларини инкассациясига буюртма беришва уларни унинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган муддатда ўтказувчи хизмат кўрсатувчи банк (ёки бошқа ташкилот)га тақдим этиш.

Ўзаро фаолият режимлари.

Эмитент банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти пакетли режими

Эмитент банк учун процессинг марказига уланишнинг пакетли режими энг оддий ва арзондир.

Банк процессинг марказига шу банкнинг мижозлари карточкалари бўйича транзакцияларни авторизациялашга рухсат беради. Банк процессинг марказига мижозлари карточкалари, ҳисоб рақамлари ва қолдиқлари (лимитлари) бўйича маълумотлар базасини юритишни топширади.

Банкўзи мустақил яратган, буюртма асосида яратилган ёки тайёр ҳолда сотиб олинган, процессинг маркази серверига жойлаштирилган банкнинг маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тўлов тизимида қабул қилинган форматдаги топшириқномалар шакиллантиш имконини берадиган дастурий таъминотдан фойдаланади.

Келишувга кўра ўрнатилган алоқа сеансларда банк процессинг марказига процессинг маркази серверида жойлаштирилган банкнинг маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тўлов тизимида қабул қилинган форматдаги топшириқномани файл кўринишида (электрон почта ёки курьердан дискетада) ёки қоғозда юборади.

Процессинг маркази билан келишувга кўра ўрнатилган муддатларда банк тўлов тизими тасдиқлаган кўринишда банк мижозларининг карточкалар бўйича операциялари ҳақидаги ҳисоботни олади.

Банк мижозларининг лимитлари бўйича авторизациялаш жавобгарлиги процессинг марказидадир.

Бу режимнинг содда ва арзонлигига қарамай банк мижозлар ҳисоб рақамларни тезкор (оператив) бошқариш ричагини ва уларга банкда мувофиқ хизмат кўрсатиш имкониятини йўқотади:

- мижоз ҳисоб рақамига фақат карточка ёрдамида кириш мумкин, акс ҳолда суистеъмолликдан қочиб бўлмайди;

- мижоз ҳисоб рақамига пул қўйилган вақтдан уларни процессинг маркази маълумотлар базасига тушган вақтгача ўтган вақт - бир неча соат.

- банк мижозларининг кун мобайнидаги барча тўловлар ҳақида

фақат у яқунланганидан сўнг билади ва миждоз ҳисоб рақамини у томони кун давомида амалга оширилган барча яқунланган транзакциялардан сўнг дебетлайди..

Эмитент банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти реал вақт режими

Банк махсус жиждоз ва дастурий таъминот билан таъминланган, маълумотлар узатиш тизимига мисол учун Спринт тизими, Инфотел (X.25)га уланган ёки процессинг маркази билан ажратилган (выделенный) канал билан боғланган. Бунда банк карточкалар, ҳисоб рақамлар ва қолдиқлар маълумотлар базасини мустақил тарзда юритади ҳамда процессинг маркази (ёки бошқа ташкилот)дан келаётган транзакцияларни авторизациялайди. Бундай ҳолда банк миждозлари ҳисоб рақамларини тўлиқ бошқариш имкониятига эга бўлади, уларга ҳисоб рақамларига доступ учун турли молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятини бердади ва уни реал вақт режимида дебетлаши мумкин. Бундан ташқари банк тезкор (оператив) карточка ва ҳисоб рақамларини блокировка қилиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти реал вақт режими.

Банк махсус жиждоз ва FRONT-OFFICE функцияси (яъни реал вақтда ускуналарни мустақил бошқариш) имкониятига эга дастурий таъминот билан таъминланган, маълумотлар узатиш тизимига мисол учун Спринт тизими, Инфотел (X.25)га уланган ёки процессинг маркази билан ажратилган канал билан боғланган.

Бу ҳолда банк автоматларининг ва электрон терминалларнинг ишлашини таъминлаш учун ўз корпоратив маълумотлар юбориш тизимини ривожлантириш ёки мавжуд тизимларга уланиш лозим.


Тўловнинг тули усулларини, ананавийдан бошлаб кўриб чиқайлик. Бунда пул харидордан тўғридан тўғри сотувчига тушади, махсулот эса сотувчидан харидорга ўтади.

Бу схемада пул бўлиб, олди-соттида миқдор ўлчови бўлган металл ва қоғоз знаклар хизмат қилади. Бундай схемага биз кўникганмиз ва ундан хар ерда фойдаланамиз ва у бизда хеч қандай шубха туғдирмайди. Мисол учун, биз нега сотувчи “қандайдир қоғозга” махсулот алмашиши хақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, нега пуллар (металл ва қоғоз) ўз функциясини бажараяпти?


Чунки, пулларнинг иккинчи хусусияти, яъни ишлаб чиқариш мумкин эмас (қалбаки). Хақиқатдан ҳам ушбу таъкид нисбий

тушунчадир, металл ва қоғоз пуллар етарли даражада ҳимояланган ва уни қалбакилаштириш қонун томонидан тақиқланган.

Энди кредит карт асосидаги тўловларнинг биринчи қалдирғоч схемасини кўриб чиқамиз. Бу схема уч қатнашчини ўз ичига олади ва тўловнинг янги усули чеклардан фойдаланади.



4.16-расм. Ананавий тўлов схемаси.



5.2-расм. Чек ёрдамидаги тўловлар

Бундай схемада тўлов тизимининг барча қатнашчилари ўртасида, чеклар оддий пул билан бир қаторда тўлов воситаси эканлиги хақида “шартнома” (келишув) мавжуд (5.1-5.2 расмлар).

Шу билан бир қаторда чекнинг хақиқийлигин тасдиқлаш учун махсус ҳимоя воситалари: махсус муҳр, сувли белги, рақам, серия ва бошқалар, ҳамда энг асосийси юридик кучга эга бўлган ва чек эгасининг тшловдан бош тортмаслигини кафолатловчи шахсий имзоси мавжуд.

Чеклар бирон бир банк томонида муомалага чиқарилади ва шу сабабли тақдим этувчига маблағни тўланиши кафолатланади.

Ушбу схеманинг ананавийсидан афзаллиги, у нақд пул айланишини камайтиради ва бу билан уларнинг айланишининг умумий харажатларини камайтиради.

Қуйида тўловларнинг smart-карт ёрдамидаги соддалаштирилган схемасини кўриб чиқамиз (5.3-расм).



5.3-расм. Smart – карт асоси тўловнинг соддалаштирилган схемаси.

Бу схемада яна бир тўлов воситаси smart – карта иштирок этади. Smart – карта банк томонидан муомалага чиқарилади (эммиссия қилинади) ва унга харидор ўз банкка жойлаштирган пул маблағи қиймати ёзилади. Бундан ташқари карта эмитент ва харидорнинг идентификаторлари, харидорнинг ҳисоб рақами ва бошқа хизмат маълумотларни ўз ичига олади.

Бу схемада савдо-сотикда пул ўрнига эквивалент сифатида ҳимояланган ва рақамли имзо билан имзоланган электрон маълумотнома (транзакция)дан фойдаланилади. Транзакция сотувчи терминалидан процессинг маркази орқали банкка юборилади ва унинг асосида харидорнинг карт ҳисоб рақамидан маблаҳ сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Транзакция тўлов миқдори, тўловни амалга оширганларнинг идентификатори, эмитентбанк идентификатори ва сотувчи идентификаторини ўз ичига олади.


Банк бу транзакциядан бўй товламайди, чунки у банкнинг ўзи муомалага чиқарган (эммиссия қилган) smart – карта ёрдамида имзоланган.

Шундай қилиб харидорнинг пуллари банкда, карта ҳисоб рақамида сақланади ва унинг эгаси томонидан сарфланганда банк томонидан камайтириб борилади. Савдо-сотик вақтида smart – картда ҳам мос камайтириш амалга оширилади.

Карта эмитент банкда тўлдирилиши (кредитланиши) мумкин, бунда карта эгасининг карт ҳисоб рақамига унинг банкдаги бошқа ҳисоб рақамидан ечилган ёки нақд кўринишда топширган пул маблағи кирим қилинади.

Яна бир бор эслатиб ўтиш лозимки биз тўловларнинг smart-карт ёрдамидаги соддалаштирилган схемасиники ўриб чиқдик. Бу соддалаштириш атайдан амалга оширилди, чунки бизнинг асосий мақсадимиз – smart – технологияларнинг ўзини эмас балки қандай қилиб smart – технология Интернет орқали тўловни амалга оширувчи тизимни яратишда ёрдам беришидир.

Интернетдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобни амалга ошириш схемаси қуйидаги тартибда амалга оширилади. Интернет сотувчи ва харидор ер шарининг ихтиёрий нуктасида бўлишига қарамай on – line режимда алоқа боғлаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда харидор ўз компьютеридан (ўз уйдан чиқмай) маҳсулот ёки унинг рекламасини, нархини кўриди ва Интернет навигация имкониятларидан фойдаланиб ўзи учун энг мақбул вариантни танлаш мумкин. Сўнгра у яна навигация имкониятларидан фойдаланиб маҳсулотга буюртма бериши ҳамда ўз smart – карти ёрдамида транзакцияни имзолаб сотувчига юбориши мумкин. Сотувчи ўз серверидаги тўловларни қайта ишлаш дастури ёрдамида харидорнинг имзосини текширади, агар у тўғри бўлса маҳсулот харидорга юборилади. Бунда агар маҳсулот бирор маълумот бўлса у ҳолда сотувчи харидорга интернет орқали бу маълумот билан ишлаш имконини (доступ) очиб беради. Маҳсулот бирор бир моддий нарса бўлса, у ҳолда у харидорга бирор бир бошқа йўл билан, мисол учун почта орқали юборилади. Smart – технология асосида интернет орқали тўловларнинг соддалаштирилган кўриниши (5.4-расм).



5.4-расм. Интернет орқали тўловларнинг соддалаштирилган кўриниши

Интернет орқали тўловларни амалга оширишни таъминлаш учун сотувчининг Web – сервери ва харидорнинг Web – навигаторига HTTPS (HyperText Transport Protocol Secure) ва SSL (Secure Sockets Layer) протоколларини таъминловчи махсус дастурий таъминот ўрнатилади.

Интернет орқали таклиф этилаётган махсулот ва хизматлар тўлови схемасини тўлиқроқ кўриб чиқамиз. Харидор ўз Web – навигатори ёрдамида сотувчининг Web – серверига химояланган HTTPS протокол билан уланади ва аутентификация учун микропроцессор карточкасида ўз маълумотларини жўнатади. Прикладная программа сотувчининг Web – серверидаги дастурий таъминот уларни текширади ва агар карточка мос тўлов тизимига тегишли бўлса, ҳамда стоп - листга киритилмаган бўлса, у ҳолда сотувчининг Web – серверимижоз картасидан керакли маблағни ечишга сўровнома юборади. Карточкадаги маблағ етарли бўлса сўралган миқдор ечилиб бу ҳақда сотувчи серверига ахборот келади ва операция тугатилади. Тўловларни қайта ишлаш дастурий таъминоти тўплаган маълумотлар бирор бир усул билан (мисол учун, ёпиқ каналлар орқали ёки шифрланган ҳолда Интернет орқали) тўлов тизимининг транзакцияларнинг қайта ишлаш марказига келиб тушади, сўнгра керак маблағ сотувчининг ҳисоб рақамига тушади.

Smart – карт асосида ҳисоб-китоб қилиш схемаси Интернет орқали ҳисоб-китоб қилиш технологиясини нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга максимал яқинлаштиради, тизимнинг юқори хавфсизлигини таъминлайди ва фирибгарлик имкониятларини жуда қисқартиради.

6- мавзу: Давлат бошқарувининг маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплекслари

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизимининг ички тузилмаси.
2. Давлат хизматлари портали.
3. Электрон хизматлар реестри.
4. Идоралараро муносабатлар электрон тизими.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизими, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланишини таъминлайди. Электрон ҳужжат айланиш тизими қуйидаги технологик жараёнлар ва объектлараро автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизимидан иборат (2.1-расм):

- Ўзбекистон Республикаси давлат ва нодавлат органлари электрон ҳужжатларини жўнатиш ва ижро этиш назорати механизмларини таъминлаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида иш юритиш тизимида яратиладиган ҳамда амалда фойдаланиладиган электрон ҳужжатларни қайта ишлаш;

- турли платформали электрон ҳужжат айланиш тизимида яратилган турли форматдаги ҳужжатларни объектлараро алоқа тизимида ягона стандартдаги ҳужжатларга ўзгартириш;

- фойдаланиладиган электрон ҳужжатлар ҳолати, мазмуни ва шаклининг ўзгариши тўғрисида аввалдан хабар бериш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиш учун электрон ҳужжатлар базалари кўринишидаги ягона ахборот ресурсларини ташкил этиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатларидан фойдалана олишни муаллифлаштириш;

- “электрон ҳукумат” объектларида эълон қилинган электрон ҳужжатлардан тартибга солинган ҳолда фойдалана олиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат алмашинувида фойдаланиладиган марказлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий маълумот ахборотини юритиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши тизимида ахборот хавфсизлигини ва ҳужжатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини таъминлаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида ҳужжатлари электрон архиви тизимида ҳужжатларни архивлаштириш ва тезкор қидириш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиши архитектураси қуйидаги қуйи тизимларни ўз ичига олади:

- “электрон ҳукумат” объектларида администратор сервери;


- назорат қилувчи органлар, ҳақиқий вақт режимида маълумотлар базасидан ҳужжатларнинг ижро этилиши тўғрисидаги жамланма таҳлилий ахборот олиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиши маркази - серверларига сервис функцияларини тақдим этиш, ягона меъёрий-маълумот ахборотини юритиш, администраторлаш;

- автоматлаштирилган иш жойидан объект учун мўлжалланган ҳужжатлардан фойдалана олишини амалга ошириш;

- “электрон ҳукумат” объектларида администратор сервери маълумотлар базаси - электрон ҳужжатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдалана олиш;

- “электрон ҳукумат” объектларида маълумотлар базасининг резерв нусхаси – ўзида объектлараро администратор маълумотлар базасининг нусхасини сақловчи ҳудудий масофавий майдонча;
- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланишининг асосий иштирокчилари ўртасида интеграцияни таъминловчи модулларга эга бўлиш;
- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро тармоқ – маълумотлар узатишнинг шахсий манзил тизимига, процедуралари ва қоидаларига эга, ҳимояланган виртуал тармоғидан фойдаланиш;
- электрон ҳужжатларнинг электрон архив тизими, архивлаштириш ва сақлаш.
- электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари - электрон ҳужжатларни имзолаш ва имзони текшириш, электрон рақамли имзо очик калитлари сертификатлари реестрини юритиш, фойдаланувчилар томонидан фойдаланиладиган калитларни генерациялаш ва электрон рақамли имзо очик калитларини сертификатлаш.



6.1-расм. Электрон ҳукумат объектларида электрон ҳужжат айланиш архитектураси

Метамаълумотларни бошқариш (ҳужжатлар турлари ва маршрутлар шаблонларини бошқариш) объектлараро электрон ҳужжат айланиши марказининг бошқариш иловасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ҳужжатларни администраторлаштириш

объектлараро электрон ҳужжат айланиш марказида олдиндан белгиланган жўнатиш маршрути бўйича амалга оширилади. Ушбу маршрут ҳужжатларни жўнатиш учун барча зарур функциялар ва улар ўтишини назорат қилишни таъминлайди. Ҳужжат йўналиш бўйича ҳаракатланаётганда электрон ҳужжат устида юз берадиган барча амаллар маршрут протоколига ёзилади ва кейинчалик таҳлил қилишда фойдаланилади.

Меъёрий-маълумот ахбороти сервиси объектлараро электрон ҳужжат айланиши маълумотлари ва таснифлагичлари, шунингдек, объектлараро электрон ҳужжат айланишида фойдаланиладиган «стандарт» реквизитлар ва электрон ҳужжатлар рўйхати реестрининг марказлашган, ишончли юритилиши функцияларини таъминлайди. Объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизими иштирокчилари меъёрий-маълумот ахборотига киришнинг ягона механизмидан фойдаланади.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг асосий вазифаси – катта масшабли объектларни бошқаришнинг ҳужжатлар билан таъминланишини автоматлаштириш. Бунинг учун қуйидагиларни таъминлаш зарур:

- кирувчи, чиқувчи ва электрон ҳужжатларни рўйхатга олиш;
- объектлараро ҳужжат айланишини ташкил этиш учун ҳужжатларни маршрутлаш;
- “электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатлар ижроси устидан тўлиқ назоратни амалга ошириш;
- электрон ҳужжатларнинг электрон ҳукумат объектларида каталоги ва ахборот-маълумот фондини қўллаб-қувватлаш;
- ҳамкор хорижийташкилотлар билан электрон ҳужжатлар алмашинуви ва сақланиши марказлашган ҳолда амалга ошириладиган меъёрий-маълумот ахборотини фаоллаштириш;
- “электрон ҳукумат” объектларининг электрон ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ўзаро келишиш ва электрон рақамли имзолаш.

Объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизимида ишлаш учун ўзаро боғланиб ишлашнинг дастурий интерфейсини интеграция модуллари керак бўлади.

Интеграция модуллари қуйидагиларни таъминлайди:


- электрон ҳужжатларни объектлараро айланишида электрон ҳужжатнинг ягона форматига автоматик ўзгартириш;
- электрон ҳужжатларни электрон рақамли имзолаш ва криптографик шифрлаш;

- “электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиши маркази билан ўзаро боғланиб ишлаш.

“Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжатларнинг ижро интизомини объект қошидаги назорат қилувчи сервер администратори томонидан назорат қилишни ҳақиқий вақт режимида, турли: электрон ҳужжатни маълумотлар базасига ёзиш вақти ва санаси, маълумотлар базасида рўйхатга олиш тўғрисидаги квитанциянинг мавжудлиги каби мезонлар бўйича амалга ошириш мумкин.

“Электрон ҳукумат” объектларида объектлараро тармоқ электрон ҳужжат айланиш тизимлари ўртасида маълумотларнинг ишончли ҳимояланган узатилишини ва TCP/IP протоколидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва ахборот ресурсларидан узоқлаштирилган телекоммуникацион фойдалана олишни таъминлайди.

“Электрон ҳукумат” объектларида объектлараро электрон ҳужжат айланиш тизими базасида электрон ҳужжатларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдалана олишни таъминлашдан ташқари қуйидаги хизматлар ривожлантирилиши керак (2.2-расм):



6.2-расм. “Электрон ҳукумат” объектларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг ишлаш жараёни.

- электрон ҳукумат объектларида эълон қилинган материаллар ва расмий электрон ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг веб-портал орқали фойдалана олишларини таъминлаш;

- «ягона ойна» - веб-портал орқали турли рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан бевосита боғлиқ интерактив хизматларни тақдим этиш;

- фуқаро ва юридик шахсларнинг электрон шаклдаги муурожаатлашни қабул қилиш, қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- электрон ҳукумат объектларида объектлар томонидан статистик, динамик ва бошқа турдаги ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш.

7- мавзу: Давлат бошқарувини ташкил тадбиқ этиш ва баҳолаш

Режа:

1. Жамият билан давлат хизмати ўртасидаги мулоқот.
2. Шаффофлик ва очиқлилик тушунчалари. Бир томонлама, икки томонлама асимметрик, икки томонлама симметрик моделлар.
3. Ўзбекистон Республикаси давлат хизматлари тизимини ислоҳ этиш чора-тадбирлари ва унинг асосида дастур моҳияти ва мақсадлари.
4. Электрон ҳукумат тизими иштирокчилари учун қулайлик ва афзалликлар.

Ижтимоий давлатнинг шаклланиши ва ривожланишидаги дунёвий тажриба шундан далолат берадики, унинг асосий кўрсаткичлари шахс ва ҳукуматнинг бегоналигини бартараф этиш, ҳукуматнинг демократлиги ва очиқлиги тамойиллари асосида давлатни жамиятнинг ижтимоий жавобгар воситасига айлантириш, барча аҳоли қатламлари эҳтиёжларини қондирувчи изчил сиёсат олиб борувчи, ижтимоий одилоналик, келишув ва ўзаро фойдали ҳамкорликда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган хусусиятларни амалда шакллантириш мақсадида давлат ва жамият ўртасида доимий муносабатни таъминлаш лозим, чунки демократик бошқарув тизими ўз фаолиятида шаффофлик тамойилларини четлаб ўтган ҳолда очиқлик жараёнисиз фаолият юрита олмайди.

Давлат хизматчилари бундай ўзаро муносабатларни маъмурий амалларни бажаришнинг энг содда тизими бўлганда амалга ошириши

мумкин, чунки давлат хизмати аҳолига мумкин қадар яқин бўлиши керак. Эҳтиёжни таъминлаш учун катта тезлик, мувофиқлик, самарадорлик ва ҳаракатчанлик, унинг жамият билан ўзаро муносабатлар технологияси яратилган бўлиши зарур.

Жамият билан давлат хизмати ўртасидаги мулоқот – демократик давлат қуришнинг асоси. Бутунжаҳон замонавий давлат бошқарув органлари шуни кенгроқ англамоқдаки, улар тузилмаси фаолиятининг самарадорлиги тўғридан-тўғри кутилаётган эҳтиёж ва аҳолининг фикрига боғлиқ. Эҳтиёж, кутилаётган натижа ва аҳоли фикрига нисбатан эътибор доимий равишда кечади, лекин турли даража ва турли усулда амалга оширилади, уч модель асосида жамият билан иш олиб борувчи танланган ташкилотнинг олиб борган ишига қараб турли натижаларга эришилади.

Биринчи модель ташкилот фаолияти ҳақидаги бир томонлама маълумотни жамиятга етказди. Биз бугунги кунда шунинг гувоҳи бўлмоқдамизки, давлат бошқаруви ва органлари қандай тартибда ахборот хизматларини, жамият билан алоқа бўлимларини очмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали ташкилот фаолияти ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни тарқатиб бормоқда. Маълумотнинг бир томонлама тарқатилиши эвазига (ташкилотдан – жамиятга) бумодел, «асимметрик» деб номланади, асосан, ташвиқотчилик усуллари ёрдамида ва ўзининг ижобий фазилатлари ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни тарқатади.

Иккинчи модель ўзи ҳақидаги ижобий маълумотларни тарқатади ва ташкилотнинг фойдали қарорлар қабул қилишида жамоатчилик фикрига стратегик жиҳатдан ёндашади. Бу модель, «икки томонлама асимметрик» деб номланади, чунки ҳар икки томондан таъсир ўтказилади, натижада у ёки бу таъсир қабул қилинади. Бунда жамият билан ўзаро муносабатда бўлаётган корхонага самара келиш келмаслиги асосий эътиборда бўлади. Бумодельдавлат бошқаруви ва органлари фаолиятида мамлакатимизда, айниқса, сайлов компаниялари жараёнида ва оммавий бўлмаган қарорлар қабул қилишда кенг фойдаланилади.

Учинчи модель, «икки томонлама симметрик» ташкилот ва жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш учун ташкилот томонидан ўзининг фаолияти ҳақидаги маълумотни аҳолига мунтазам равишда етказишга асосланган фаолият.

Лекин учинчи модел бошқарув органлари фаолиятини жамоа фикри, қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мунтазам равишда бошқарувни мослаб боради.

Бумодель демократик давлат талабларига юқори даражада жавоб беради, унда жамоа қисман бошқарув жараёнида иштирок этади.

Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг жамият билан муносабатларида «икки томонлама симметрик» хизмат моделидан фойдаланишдан мақсад маъқул қарорлар қабул қилиш ва ўз вақтида мослаш орқали ривожланишга дахлдор барча жамоанинг ўзаро муносабатларини таъминлашдан иборат.

Давлат хизматининг жамият билан ўзаро мулоқоти бир қатор қоидаларга асосланади. Муҳимлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: жамиятни мунтазам равишда олиб борилаётган сиёсат ҳақида хабардор қилиб бориш лозим, чунки бу маълумот ҳар бир фуқарога етиб борсин; жамият билан алоқада бўлаётган тадбирлар тузилмаси ягона тадбирлардан иборат бўлмаслиги керак, аксинча бир неча ўзаро келишилган тадбирлардан иборат бўлиши керак; маълумотларни тўғри ва тўлиқ бўлиши талаб этилиши лозим; жамият учун жўнатилаётган маълумот содда ва тушунарли шаклда бўлиши керак; жамият билан бўлаётган алоқа юқори этика даражасида бўлиши ва салбий бўлмаслиги керак.

Аҳоли эҳтиёж ва талаблари асосида қабул қилинган бошқарув қарорлари юқори натижа беради, шунинг учун ҳам мунтазам равишда «эътирозлар куни», «ғоялар куни», «таклифлар куни» ўтказилишини тақозо этади.

Давлат хизматчилари тузилмасига ишончни шакллантириш мақсадида муаммонинг очиқ муҳокамасида изчил иштирок этиш лозим.

Давлат ҳукумат органлари маданияти фақат ички «рахбар – хизматчи», «хизматчи – хизматчи» муносабатлар билангина чекланмай, балки «мижоз»га, яъни фуқарога ҳам дахлдор.

Шуни эътиборда тутиш керакки, инсон ақл ва мантиққонуниятини билан яшамайди. Ҳар бир инсонда қатор хусусиятлар мавжудки, улар инсоннинг маълумотларни қабул қилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Яъни, инсон нимани эшитгиси, кўргиси келса ва нимани хис этишни хоҳласа шуни қилади. Шунинг учун жамият билан алоқани инсон хусусиятларини ўзгартира оладиган етук мутахассислар амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Лекин улар бу ишни масъулият билан юқори даражада амалга оширишлари лозим. Давлат ҳукумати ва

жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришда риоя этилиши лозим бўлган юқорида келтирилган қоидаларнинг амалга оширилиши фуқароларда маҳаллий ўзўзини бошқариш муаммоларига қизиқиш уйғотади.

Жамоатчиликнинг маҳаллий бошқарув ишларига қизиқишининг ошиб бориши ҳукуматни бир гуруҳ кишилар қўлида бўлиб қолиш имкониятини йўққа чиқаради ва маъмурият ходимларини вазифаларни масъулият билан бажаришларига ёрдам беради.

Фуқаролар ўз фикрларини маълум чегара доирасида бошқа фуқароларга зарар етказмаган ҳолда, миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибига хавф туғдирмаган ҳолда оммавий тарзда ифода қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Маълумки, Демократик жамият қуришда ижтимоий бошқариш жараёнларида ахборотнинг ахамияти ошиб бормоқда, давлат органларидан кенг доирада очиклик, фуқаролар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида жамоатчилик билан узвий мулоқотда бўлиш ва ахборот бошқарув сиёсатида объект ва субъектлар барча муносабатларида мувозанатни таъминлашни талаб этади.

Демократия – давлатни халқ иши билан қонуний бошқариш шакли деб юритилаётган формула тарзида қаралса, давлат халққа тегишли ва у томонидан амалга оширилади, гўёки давлатда ҳеч қандай қизиқиш йўқ, қизиқиш фақат халқда бўлиб, ҳукумат фақат уни амалга оширувчи механизм ҳисобланади.

Масаланинг бу тарзда қўйилиши ахборот жамиятини қуриш жараёнида долзарб ҳисобланиб, «электрон ҳукумат»нинг шаклланиши муҳимлиги ва муқаррарлигидан далолат беради.

“Электрон ҳукумат” деганда, давлат ҳукумати органлари олдида турган вазифаларни ечиш усулларини ўзгартириш учун яратилаётган ахборот тузилмаси тушунилади.

Агар авваллари давлат секторлари ахборот технологияларини алоҳида департамент ва ташкилотларда ички фойдаланиш учун қўлласа, эндиликда ахборот технологиялари электрон асрда қимматга эга бўлиб, «тезкор, яхши, арзон, мурожаат мумкин бўлган» тамойилга асосланган ҳолда фаолият юритади, кенг омма эҳтиёжи ёки қизиқишига қараб, хизмат кўрсатувчи давлат хизмати шаклида ишлайди.

Шундай қилиб, «электрон ҳукумат» ўз фаолияти мақсади сифатида ҳукуматга қаратилган асосий эътиборни эндиликда

фуқароларнинг талаб ва муаммоларини ечишга қаратишда деб ҳисоблайди.

Амалда бу қуйидагича ифодаланади: фуқаро маълумотнома ва бошқа ҳужжатларни бир ташкилотдан бошқасига олиб бориб ўтирмайди, бу шахсий ҳуқуқларини расмийлаштириш ёки бирон-бир рўйхатдан ўтиш бўлсин, у давлат органларига мурожаат қилади, келгусидаги барча ҳужжат ва маълумотлар алмашинуви унинг иштирокисиз белгиланган муддатда амалга оширилади.

Бундай давлат хизматини ўтовчи сифатида «электрон ҳукумат» қаралади.

«Электрон ҳукумат» лойиҳасининг қимматлилиги сарф-харажатларнинг камайиши, фуқароларнинг қимматли вақтини, тадбиркорларнинг вақти ва воситаларини, жамият тизимига келтираётган қўшимча нархни тежашида намоён бўлади.

Бир қатор дунё мамлакатларида ахборот жамиятининг шаклланиши, бу йўналишда давлат хизмати фаолиятида янги технологияларнинг ривожланиши ва амалда тадбиқ этилишида ўз аксини топмоқда.

Бу муаммо мамлакатимиз учун жуда ҳам долзарб.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар ва экспертлар баҳолашига кўра, фуқароларнинг давлат хизматларига бўлган йиллик мурожаатлари ярим млрд. инсон-соатни ташкил этади. Фуқароларнинг мурожаатларини қайта ишлаш учун 100 минга яқин давлат хизматчилари шуғулланади, ўз-ўзидан уларнинг вақт харажатлари умумий фойдали меҳнат вақтидан олиб ташланади. Бундан ташқари, одатий ҳолда (фуқаро ва давлат хизматчиси бевосита боғланишида) барча маълумотлар алмашинувида у ёки бу хатоларга йўл қўйилади. Муҳим жиҳати шундаки, меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан уни республика миқёсида амалда жорий этилишига қадар ўрта ҳисобда икки йил ўтади.

Шунинг учун бугунги кунда ижтимоий жараёнларни ташкил этувчи асосий фактор сифатида давлатнинг ахамияти биринчи даражали деб қаралади. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчиларига халққа хизмат кўрсатишида катта масъулият юкланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «электрон ҳукумат» ўз зиммасига қуйидаги вазифаларни олади:

- фуқаролик жамияти учун давлат ахборотининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали жамият ва давлат ҳамкорлигини

мустаҳкамлаш, ижтимоий бошқарувда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтириш ва бошқарув органларига электрон мурожаатни яхшилаш;

- фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтириш;

- давлат органлари фаолиятини оптималлаштириш (корхона ва ташкилотларга ягона тизимни ташкил этувчилари сифатида фаолият юритишларига имконият яратиш, масалан, давлат хизмати учун Интернеттармоғи яратиш ва барча давлат хизматчиларини хавфсиз электрон почта билан таъминлаш; давлат органлари маълумотларини фуқаро ва ташкилотларга етказиб беришда маъмурий юкламаларни камайтириш учун давлат органлари орасида ўзаро ахборот алмашинувини яхшилаш);

- бошқарувга ажратилаётган бюджет сарф-харажатларини оптималлаштириш.

Давлат хизмати имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳолатларни алоҳида келтириш лозим: фуқароларнинг давлат хизматлари билан ўзаро муносабатларида масъулиятлари ошади ва ўз эҳтиёжлари ва кутаётган натижаларини тез-тез баён қиладилар.

«Электрон ҳукумат» тизимига ўтиш туфайли фуқаролар маҳаллий жамоат ҳаётида ва демократик жараёнларда фаол иштирок этадилар. Улар муаммосиз, қисқа вақтда кам харажат қилиб давлат хизматига боғланиши ҳамда керакли маълумот ва махсус ҳужжатга мурожаат учун рухсат олиши мумкин. Агар бирон-бир йиғилиш ёки мажлисларда бевосита иштирок этиш имкони бўлмаса, электрон хат юбориш ёки Интернетга ахборотни мунозара шаклида жойлаши мумкин. Бундан ташқари, давлат хизматини автоматлаштириш охири-оқибат «тўғридан-тўғри демократияга» олиб келиши мумкин, бунда номзодлар мулоқоти ва овоз бериш Интернет орқали амалга оширилади.

Фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва турларини кенгайтириш масаласига келганимизда, давлат ташкилотлари фуқароларнинг шахсини ва қайси шахсга хизмат кўрсатаётганлигини рўйхатга олишда янги технологиялардан фойдаланиши мумкин. Бундай турдаги хизматларга маълумот бериш, фуқароларнинг муаммоларини муҳокама қилиш, ҳужжат тақдим этиш, лицензия бериш, солиқ тўлаш, моддий ёрдам, ижтимоий дастурни амалга ошириш, жумладан: таълим олиш, тиббий ёрдам таъминоти, суғурта тўловлари, нафақа ва бошқалар киради. Шу каби хизматлар

тижоратга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек, давлат ташкилотларига кўрсатилиши мумкин.

Бунда давлат хизмати олдида ўз фаолиятини оптималлаштириш мақсадида қуйидаги вазифалар туради: тайёрланаётган ҳужжатлар сифатини ошириш; ижро этиш тартибини мустаҳкамлаш; иш юритиш жараёнини тартибга солиш; ташкилотлараро ахборот алмашинувини тезлаштириш; қарорлар қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш; хатолар сонини камайтириш; фуқаро ва ташкилотлар билан ишлаганда кўпол муносабатда бўлмаслик; жамият олдида давлат институтлари ишончи ва ҳурматини ошириш; халқаро майдонда давлат мавқеини мустаҳкамлаш.

Агар бошқарувга ажратилаётган бюджет сарф-харажатларини оптималлаштиришга келсак, бунда ахборот технологиялари ёрдамида эришилаётган иқтисодий самара қуйидагиларда намоён бўлади: жараёнларга ажратилган сарф-харажат камаяди, жумладан, бир хил турдаги операцияларни бажаришга сарфланаётган вақт, яъни хизматчи учун фуқарони қабул қилиш учун кетган вақт, одатда, асосий иш вақтининг 75% га тенг бўлиши мумкин (маълумотлар излаш, маълумотнома тайёрлаш, ҳисобот, таҳлил, хулоса тайёрлаш, телефон орқали мулоқот, мижозларни қабул қилиш, хатоларни тўғрилаш ва ўзаро мунозараларни таҳлил қилиш), бино харажатларини, материаллар сарф-харажатини, телефон сўзлашувлар ва почта жўнатмалари тўловларини камайтириш; бир қатор тадбирларни ўтказиш сарф-харажатларини камайтириш, масалан: махсус хабар бериш, фуқаролар томонидан давлат органлари қарорлари ва ҳолатларини қўлловчи меъёрий ва тушунтириш ҳужжатларни мажбурий тарқатиш; қайта ташкил этилишга боғлиқ бир маротабали тадбирлар, кўчиш, ташкилот мавқеи ҳажмининг ўзгариши; давлат эҳтиёжи учун фойдали харид қилингандан олинган иқтисодий самара ва танлов ўтказиш орқали ресурсларни тақсимлаш, харид маҳсулотлари таннархининг пасайиши баъзан сарф-харажатни 1,5-4 марта камайтиради; ташкилот иш самарадорлигини ошириш, яъни қайта кўриб чиқилган аризалар сони, солиқ йиғимларининг ошиши, аниқ бир хўжалик можароларида давлат фойдаси ва тарафини ҳимоялаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқарув органларига мурожаатлари учун сарфланаётган қимматли вақтнинг тежалиши туфайли тўғридан-тўғри эришилган самара.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамият ривожланишида муаммоларни ечиш, демократик муносабатларнинг такомиллашуви

фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасидаги мулоқот шаклида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам жамият билан алоқа тузилмаси фаолияти такомиллашади, биринчи навбатда ижро этиш давлат органларида, ахборотнинг ишончилиги, мутахассисликка юқори савияда мослиги, ўзаро ишонч ва кенг доирада давлатнинг очиқлиги тамойилларига асосланган жамият билан ўзаро муносабатларнинг янги технологиялари ишлаб чиқилади. Бу тамойиллар давлат хизматлари ва жамият ўзаро муносабатларининг юқори даражадаги самарадорлигини таъминлайди, қачонки, “электрон ҳукумат” яратилган бўлса.

Ижтимоий муносабатлар тизимида давлат хизмати жамият аъзоларининг фаровон ҳаёт кечиришлари ва бошқа ижтимоий фаолиятларни таъминлаш воситасининг зарурий шarti сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида замонавий давлат хизмати ҳуқуқий материя ҳисобланиб, доимий ҳаракатда: у ўзгаради, тўлдирилади, мавжуд муаммоларни ечишда янги воситаларни излайди, давлат хизмат муносабатларини мувофиқлаштирувчи янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Бу ерда асосий фактор сифатида фаолият юритиш жараёнида объектга нисбатан содир этилаётган таъсир ҳисобланади. Хизмат бошқа инсонлар учун иш фаолияти ҳисобланади. Хизмат жараёнида таъсир этувчи объект сифатида инсон, шахс бевосита иштирок этади, инсон аниқ индивид.

Хизмат жамият билан бирга яратилди, жамиятда жамият учун ривожланиб борди. Давлат хизматини, бир томондан, назарий тадқиқот объекти сифатида қараш мумкин, иккинчи томондан эса меъёрий-ҳуқуқий тушунча сифатида қараш мумкин. Назарий жиҳатдан давлат хизмати қуйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин: ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, маънавий, иқтисодий. Ҳуқуқий маънода давлат хизмати муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилади, жорий этилиш натижасида давлат хизматлари вазифаларини амалий бажарилишига эришилади.

Давлат хизмати – мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институт. Бу институт давлат хизмати муносабатларини мувофиқлаштирувчи меъёрий-ҳуқуқий тизим ҳисобланади, яъни, ҳуқуқ, мажбурият, чегаралар, ман этилганлик, рағбатлантириш, хизматчиларнинг маъсулияти, давлат хизматини ўташи, ташкил этилиш тартиби ва хизмат муносабатларини яқунлаш. Амалдаги назария нуқтаи назаридан қараганда, давлат деганда давлат ташкилотлари,

корхоналари, бирлашмалари ва уюшмаларидаги хизматлар тушунилади.

Давлат хизмати жараёнида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади, давлат бошқарув аппаратига ишга келган ходим фақат хизмат ўтаётган орган ходими эмас, балки бутун давлат ходими ҳисобланади; давлат хизматининг асосий моҳияти давлат ва жамият орасидаги ўзаро муносабатларнинг давлат бошқарувини шакллантиришдан иборат.

Давлат хизмати ўз номи билан “давлат” тушунчасидан келиб чиққан ва халқ танишиши мумкин бўлган давлат ғоялари, маълум маънода, давлатчилиги билан характерланади. Одатда, у Ўзбекистон Республикаси ички қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга амал қилиб, оммавий (давлат) иш юритувчи институт ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси меъёрларига ва халқаро фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга асосланиб, давлат хизмати давлат ишларини юритишда фуқароларнинг тўғридан-тўғри ва тенг ҳуқуқли иштирокини таъминловчи институт каби ифодаланади. Давлат хизмати Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига асосан яратилган бўлиб, халқнинг тўғридан-тўғри иштироки, давлат ҳукумат органлари ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари орқали амалга оширилади.

Давлат хизмати умум оммавий, ижтимоий-ҳуқуқий, ташкилий институт ва юқори даражадаги фаолият ҳисобланади. Давлат хизматининг умум оммавийлиги ва ижтимоий институт сифатида давлат бошқаруви, шахснинг, жамият ва давлатнинг фойдасига хизмат қилади.

Ҳуқуқий институт сифатида давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати ҳақидаги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида яратилади.

Давлат хизматининг ташкилий тузилиши давлат хизматларини вазифалар, кўринишлар, турлар, шакллар, даражалар, шунингдек, турли давлат ҳукумат органларининг давлат хизмати кўрсатишининг тарқалиши билан характерланади.

Талабчан ва юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролар орасида жамиятга хизмат қилишга қизиқувчилар давлат бошқаруви вазифаларини юқори савияда бажарилишини таъминлайди ва давлат бошқарувини гўёки ўзининг иш фаолияти деб билади.

Давлат хизмати давлат органларида ҳамда алоҳида давлат ташкилотлари ва корхоналарида амалга оширилиши мумкин. Шундай

қилиб, амалдаги қонунчиликка биноан давлат хизматининг амалдаги фаолияти жамиятнинг турли соҳаларида давлат вазифа ва масалаларини бажариш мақсадида давлат хизматларини қонунда белгиланган давлат органи ходимининг ва суд ҳукумати ижрочилик фаолияти тушунилади.

Бугунги кунда Республикада ҳолат давлат хизматида ислоҳот ўтказиш иқтисодни модернизациялашда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ислоҳотнинг асосий йўналиши - ҳудудий меҳнат бозорида давлат хизматчиларининг ихтисослиги бўйича рақобатбардошлигини, шунингдек, давлат томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш, иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиш, бозор муносабатларини шакллантириш, ҳукуматнинг мустаҳкамланиши ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида давлат хизмати сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳот қилиш тарихий, маданий, миллий ва бошқа хусусиятлар ҳамда дунёвий ривожланиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизмати тизимининг яхлитлигини таъминлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат хизмати тизимини ислоҳ этиш чора-тадбирлари ва унинг асосида дастур ишлаб чиқилган.

Дастурдан кўзланган мақсад давлат хизмати самарадорлиги, тури ва даражасини ошириш, давлат хизматчилари сарф-харажатларини оптималлаштириш, давлат хизмати таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

Мақсадга эришиш қуйидаги масалаларни ечишни тақозо этади:

давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий таъминотини оптималлаштириш учун шароит яратиш;

лавозим ва мансаб белгилари асосида давлат хизматчиларининг масъулияти, вазифа ва мажбуриятларини аниқлаш;

давлат хизмати тизими таъминотидан самарали фойдаланиш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш, молиялаштириш, режалаштиришнинг янги усулларини жорий этиш;

ҳукуматни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида давлат хизмати шаффофлигини таъминлаш;

давлат хизмати учун малакали кадрлар танлашнинг самарали усулларини қўллаш, давлат хизматчиларининг хизмат фаолияти натижаларини баҳолаш, уларнинг хизмат лавозимлари бўйича ўсишларига шароит яратиш;

давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг ихтисосликлари бўйича малакавий ўсишлари учун кадрлар тайёрлаш дастурини жорий этиш;

давлат хизматчиларининг маънавий савиясини қонунчилик асосида мувофиқлаштириш, эътирозни аниқлаш ва можароларни давлат хизмати фойдасига ҳал этиш механизмларини жорий этиш;

давлат хизматчиларининг ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва давлат хизматлари самарали кечишини таъминлаш учун оптимал моддий-техник шароит яратиш;

давлат хизмати бошқарув тизимининг ривожланишини таъминлаш.

Давлат хизматини ислоҳ этиш қатор омилларга боғлиқ, муҳимлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида янги давлатчиликни ташкил этиш ва давлат бошқарув тизимида ислоҳот ўтказишнинг зарурлиги;

давлат ҳукуматининг фаолият юритиш тамойилларига асосан қонунчилик, суд-ҳуқуқи ва ижро этувчига бўлинишини таъминлаш;

ҳуқуқий ислоҳотни амалга ошириш;

хўжалик ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш;

давлат ҳукумат органларини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳукумати органлари субъектлари ва маҳаллий бошқарув органларини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистон Республикаси субъектларида давлат аппаратларини яратиш;

янги давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш ва концепция ишлаб чиқишнинг зарурлиги;

маҳаллий ва ҳудудий давлат бошқарув органларида ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказиш;

давлат хизмати ҳақида янги қонун ишлаб чиқиш ва амалдаги қонунини тубдан ўзгартириш.

8- мавзу: Давлат бошқарувини яратишнинг дастурий воситалари

Режа:

1. Эталон моделнинг афзалликлари.
2. Моделнинг ишлаш принципи. Корпоратив архитектура, унинг афзалликлари.
3. Манфаатдор шахслар матрицаси.

Давлат бошқаруви Интернет тармоғи абонентларига амалий протоколлар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар қуйидагилар: веб-ҳужжатларни ўқиш, электрон почта, файлларни узатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш. Фойдаланувчилар учун қуйидаги хизматлар мавжуд: тармоқдан фойдаланиш, Интернет ресурсларини яратиш, ташкилий ва ахборот таъминоти, тармоқда рекламани жойлаштириш.

Катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва уларни масофадаги компьютерларга узатиш учун хизмат қилувчи Интернетнинг FTP (файлларни узатиш протоколи) хизматидан фойдаланиш мумкин. Бунда FTP серверда янги папка яратиш, унга маълумотларни жойлаштириш ва уларни қайта кўчириб олиш мумкин. WWW хизматида масофадан суҳбатлашиш имкониятини яратувчи чат дастурлари узок масофадаги дўстлар билан суҳбатлашишда телефон алоқаси ўрнини босмоқда. Бунинг учун Интернетга уланган компьютерда товуш карнайлари ҳамда микрофонлар бўлиши кифоя.

“Броузер” тушунчаси ва унинг вазифаси. Интернет тармоғида фойдаланувчиларга тармоқ ресурсларидан эркин фойдаланиш имконини бериш учун WEB серверлар қурилади. Бундай серверларда Интернетда тақдим этилган ахборотнинг катта қисми жамланади. Фойдаланувчининг ихтиёрий ахборотни олиш тезлиги бундай серверларни қандай қуритишга боғлиқ.

WEB технологиясининг ҳозирги кунда броузерлар деб аталадиган ахборотни кўриш учун мўлжалланган ўндан ортиқ турли воситалари мавжуд. Броузер веб-саҳифаларни кўриш дастури ҳисобланади. Бунда броузерга юкланган веб-саҳифадаги гипер боғланишга сичқонча кўрсаткичи билан босилса, автоматик равишга ушбу боғланишда кўрсатилагн саҳифа броузерга юкланади. Бундай ҳолларда ҳеч қандай саҳифанинг манзилни киритиш шарт эмас, чунки гипер боғланиш барча керакли маълумотга эга ҳисобланади. Броузер веб-саҳифада HTML тегларини топиб, улар талаби бўйича маълумотни экранга чиқаради. Тегларнинг ўзи эса экранда акс этмайди.

Бугунги кунда броузерларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд. Энг машҳурлари (8.1-расм): Internet Explorer (Windows операцион тизим таркибидаги бастур), Opera, FireFox.



**Internet
Explorer**



Opera



Firefox

8.1-расм. Интернет браузерлар

Интернет радио ва телевидение. WWW тармоғидаги маълумотлардан фойдаланиш учун фақатгина браузерларнинг хизмати камлик қилади. Яъни, аудио ҳамда видео ҳужжатларни акс эттирувчи тезкор дастурлар ҳам мавжуд. Бу дастурлар серверларда жойлашган ёки тўғридан-тўғри узатилаётган аудио ҳамда видео ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратади. Real player, Quick player, Cosmo player, Media player дастурлари шу каби вазифаларни бажаради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам Интернет технологияларининг ривожланиши натижасида кўпгина радиоэшиттиришларини Интернет орқали тинглаш мумкин. Аввал браузер ёрдамида керакли радиоканалнинг веб-саҳифаси топилади, шундан сўнг эшиттириш тўғридан-тўғри Интернет тармоғига узатилаётган каналга боғланади. Шунда операцион тизимда мавжуд бўлган намоиш дастурларидан бири ишга тушиши натижасида фойдаланувчи ушбу радиоканални тинглаш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, Интернет тармоғи орқали телевизион кўрсатувларни ҳам томоша қилиш мумкин. Ушбу ҳолатда ҳам радиоэшиттиришлар каби маълум веб сайтларга боғланиш ва улар орқали кўрсатувларни томоша қилиш имкони мавжуд. Бундай веб сайтларга mtrk.uz, oriat.uz сайтларини мисол келтириш мумкин.

Хостинг хизмати ва ахборотларни жойлаштириш. Фойдаланувчи веб-саҳифаларини Интернет провайдери (хостинг провайдери) серверида жойлаштириш ва жорий қилиш амали хостинг деб аталади. Хостинг сўзи тўлақонли икки томонлама алоқа билан таъминланган тармоқдаги компьютерни билдирувчи “хост” сўзидан олинган. Хостинг хизмати пулли ва бепул, оддий ва мукамал бўлиши мумкин. Хостинг хизмати қуйидаги имкониятларни тақдим этиши зарур:

1. Ахборот макони;
2. Интернет каналининг ўтказиш қобилияти (кенглиги);
3. Файлларни бошқариш усуллари;

4. Стандарт скриптлар тўплами;
5. Сервер томонида дастурлаш мумкинлиги;
6. Серверда маълумотлар базаларидан фойдаланиш;
7. Бир ёки бир неча почта қутилари ташкил этиш;
8. Узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш.

Прокси хизмати, аноним проксилар ва уларнинг вазифалари, ижобий ва салбий томонлари. Прокси компьютер тармоғи хизматидир. Бунда прокси хизмати орқали компьютер тармоқлари миждозларига бошқа тармоқ хизматларидан бевосита фойдаланиш имкони берилади. Миждоз аввал прокси серверга уланади, у орқали бошқа серверда жойлашган бирон-бир ресурсга муружаат қилади. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, кўпгина ҳолларда компьютер тармоқларидаги бир гуруҳ фойдаланувчилар ягона Интернетга уланган компьютер орқали компьютер хизматларидан фойдаланишади.

Баъзи ҳолларда миждоз сўрови ёки сервер жавоби прокси сервер томонидан муайян мақсадда ўзгартирилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Прокси сервер, шунингдек, миждоз компьютерини баъзи тармоқ ҳужумларидан ҳимоялашга имкон беради.

Аноним прокси серверлар (Anonymous Proxy Servers). Аноним прокси серверлар баъзи манзилларни беркитиш ёки бирор ҳужжатларни олишда ўзини ошкор қилмаслик имконини беради.

“Юклаш” ва “кўчириб олиш” (upload, download) тушунчалари. Интернет тармоғида маълумотлар билан ишлаш вақтида “Upload” ва “Download” тушунчаларига жуда кўп дуч келинади. Ушбу терминларга қуйидаги тушунчаларни келтириш мумкин:

Upload юклаб қўйиш. Маълумотларни (файлларни) компьютердан тармоқ ёки Интернетдаги бошқа компьютерга ёки серверга юклаб қўйиш.

Download юклаб олиш. Маълумотларни (файлларни) тармоқ ёки Интернетдаги бошқа компьютер ва серверлардан ўз компьютерига юклаб олиш.

Интернет конференциялар. Интернет конференциялар - муайян муаммони ҳал қилаётган гуруҳ иштирокчиларининг Интернет тармоғи орқали конференц алоқаси ёрдамида ўзаро ахборот алмашилиш жараёни. Табиийки, бу технологиядан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси чекланган бўлади. Компьютер конференцияси иштирокчилари сони аудио ва видеоконференциялар иштирокчилари

сонидан кўп бўлиши мумкин. Адабиётларда телеконференция атамасини кўп учратиш мумкин. Телеконференция ўз ичига конференцияларнинг уч турини: аудио, видео ва компьютер конференцияларини олади.

Аудиоконференциялар. Улар ташкилот ёки фирманинг худудий жиҳатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникацияларни сақлаб туриш учун аудиоалоқадан фойдаланади. Аудиоконференцияларни ўтказишнинг энг оддий техника воситаси сўзлашувда иккитадан кўп иштирокчи қатнашувини таъминлайдиган кўшимча қурилмалар билан жиҳозланган телефон алоқаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутди. Аудиоконференциялардан фойдаланиш қарорлар қабул қилиш жараёнини енгиллаштиради, у ҳам арзон, ҳам қулай.

Видеоконференциялар. Булар ҳам аудиоконференциялар каби муайян мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Уларни ўтказиш ҳам компьютер бўлишини талаб этади. Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган иштирокчилар телевизор экранида ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари харажатларини қисқартириш имконини берса ҳам, аксарият ташкилот ёки фирмалар уларни фақат шу сабабларга кўра қўлламайдилар. Фирмалар бундай конференцияларда муаммони ҳал қилишга худудий жиҳатдан офисдан анча узоқда жойлашган кўп сонли менежерлар ва бошқа ходимларни ҳам жалб этиш имкониятини кўрадилар.

“Веб-саҳифа” тушунчаси ва шакли. Интернет манзили (URL) билан бир хил маънода белгиланувчи мантиқий бирлик. У веб-сайтнинг таркибий қисмидир. Веб-саҳифа - бирор воқелик, ходиса ёки объект тўғрисида маълумотларни ўзида жамлаган маълумотлар файли. Веб-серверлар базаси веб-сайтлардан иборат, веб-сайтлар эса саҳифалардан иборат бўлади. Физик нуқтаи назардан у HTML туридаги файлдир. Веб-саҳифалар матн, тасвирлар, анимация, дастур кодлари ва бошқа элементлардан иборат бўлиши мумкин. Саҳифа статик ва динамик шакллантирилган бўлиши мумкин. Фреймлардан (қисмлар) иборат саҳифаларда ҳар бир фреймга алоҳида саҳифа мос келади.

“Веб-сайт” тушунчаси ва шакли. Инглизча “site” (жой, жойлашиш) сўзининг ўзбекча талаффузи. Умумжаҳон ўргимчак тўри маълум ахборотни топиш мумкин бўлган ва ноёб URL манзиллар билан белгиланган виртуал жой. Мазкур манзил веб-сайтнинг бош саҳифаси манзилини кўрсатади. Ўз навбатида, бош саҳифада веб-сайтнинг бошқа саҳифалари ёки бошқа сайтларга мурожаатлари мавжуд бўлади. Веб-сайт саҳифалари HTML, ASP, PHP, JSP технологиялари ёрдамида яратилиб, матн, график, дастур коди ва бошқа маълумотлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Веб-сайтни очиш учун браузер дастуридан фойдаланиб, унинг манзил майдонига керакли веб-сайтнинг манзили киритилади. Веб-сайт шахсий, тижорат, ахборот ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

“Веб портал” тушунчаси. Веб портал(инглизча “portal” – дарвоза) - Интернет фойдаланувчисига турли интерактив хизматларни (почта, янгиликлар, форумлар ва х.к) кўрсатувчи йирик веб-сайт. Порталлар горизонтал (кўп мавзуларни қамровчи) ва вертикал (маълум мавзуга бағишланган, масалан автомобиль портали, янгиликлар портали), халқаро ва минтақавий (масалан узнет ёки рунетга тегишли бўлган), шунингдек, оммавий ва корпоратив бўлиши мумкин.

Веб-сайтларнинг тоифалари ва вазифалари. Веб-сайтларнинг асосий вазифаси шундан иборатки, улар бирор фаолият, воқеа ва ҳодиса ёки бирор шахснинг Интернетдаги имиджини яратади. Интернет тармоғида мавжуд бўлган сайтларни бир неча тоифаларга ажратиш мумкин:

– Таълим сайтлари. Бу турдаги сайтларга таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва масофавий таълим сайтлари киради, масалан: edu.uz, eduportal.uz

– Реклама сайтлари. Бу турдаги сайтларга реклама агентликлари ва рекламаларни жорий қилиш сайтлари киради.

– Тижорат сайтлари. Бу турдаги сайтларга Интернет дўконлар, Интернет тўлов тизимлари ва Интернет конвертация тизимлари сайтлари киради, масалан: websum.uz, webmoney.ru, egold.com

– Кўнгилочар сайтлар. Бу турдаги сайтларга компьютер ўйинларига, фотогалереяларга, саёхат ва туризмга, мусиқа ва кино намоишларга бағишланган сайтларни киритиш мумкин, масалан: mp3.uz, melody.uz, cinema.uz

– Ижтимоий тармоқ сайтлари. Бу турдаги сайтларга танишиш, дўстлар қидириш, сўроқномалар жойлаштириш ва ўзаро мулоқот ўрнатишга бағишланган сайтларни киритиш мумкин, масалан:

sinfdosh.uz, id.uz, odnoklassniki.ru

– Корхона ва ташкилотлар сайтлари. Бу турдаги сайтларга давлат корхоналари, хўжалик ва бошқарув органлари сайтлари киритилади.

Интернетга ресурсларни жойлаштириш ва кўчириб олиш. Ахборотни серверга жойлаштириш бир неча усулларда амалга оширилади. Масалан, Plesk тизими, FTP мижоз дастурлари ёки веб-интерфейс орқали ресурсларни Интернетга жойлаштириш мумкин. Бунда барча юкланаётган маълумотлар сервер компьютер хотирасидаги ажратилган жойга жойлаштирилади. Бирор маълумотни Интернетдаги бирор компьютерга жойлаштириш учун фойдаланувчи шу тизимда қайд қилинган бўлиши шарт, акс ҳолда юклай олмайди.

Маълумотларни юклаб олиш веб-интерфейс орқали ёки махсус дастурлар орқали амалга оширилади. Бунда кўрилган веб сайтдаги маълумотларни Интернет броузернинг сақлаш амали ёрдамида юклаб олиш мумкин. Агар файл кўринишидаги маълумотларни юклаб олиш керак бўлса, у ҳолда файлларни юклаб олишга мўлжалланган махсус дастурлардан фойдаланилади.

Интернетда “манзил” тушунчаси ва Интернет ресурслари манзили. Саҳифа, файл ёки бошқа ресурснинг Интернетда жойлашишини аниқловчи ноёб манзил – URL деб аталади. Интернетдаги манзил қуйидаги элементлардан таркиб топади: ресурсдан фойдаланиш протоколи (масалан, http://, ftp://) ва домен номи (масалан, domain.uz). Интернетдаги манзил, шунингдек, URL-манзил деб ҳам аталади.

Компьютер домен манзилининг намунавий кўриниши қуйидагича: <http://www.tuit.uz>, <http://www.aci.uz>. Одатда, ҳужжатларда манзилни англатувчи маълумотларнинг тагига чизилади.

Кўриниб турибдики, компьютер манзили бир неча қисмлардан иборат. Ўнг томондан манзилнинг биринчи қисми (намунада uz) доменнинг биринчи сатҳи деб қабул қилинади, кейингиси (намунада tuit) – доменнинг иккинчи сатҳи ва ҳоказо. Интернетда манзиллар кўп қаватли домен тизимида қурилган. Биринчи сатҳ доменлар умумжаҳон мавзулар ёки географик жойлар бўйича номланади.

Сайтлар номлари қуйидагича умумий кўринишда ифодаланади:
<http://www.сайт.номи.сайт.соҳаси.давлат.коди>.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 17 декабрдаги 259-сонли қарорига асосан, Ҳукумат портали Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади (3.7-расм). Бу билан Ҳукумат порталида чоп этилган ахборот, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ахборот билан тенг кучга эга эканлиги белгилаб берилган.

Асосий мақсадлари:


– республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти тўғрисида, республиканинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлардан хабардорлигини таъминлаш;

– ташкилотларнинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

– ахборотларни айирбошлаш ва тарқатиш тезлиги даражаси, ташкилотларнинг хабардорлиги даражаси ўсиши ҳисобига ташкилотлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

– ахборотларни идоралараро электрон айирбошлашни бир хиллаштириш.

Ўтган вақт мобайнида Портал янги маълумотлар билан тўлдирилиб кенгайтириб борилди. Порталнинг функционал имкониятларни мукамаллаштириш, фойдаланувчилар қулайлиги учун дўстона интерфейс яратиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида долзарб ва тезкор маълумотларни жойлаштириш бўйича ишлар фаол олиб борилди.



8.2-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

Ziynet таълим тармоғи ва ундан фойдаланиш.

ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги 2005 йил 28 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил топган.

ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади таълим тизимида республика ёшлари ҳамда таълим олувчиларни билим олиш жараёнида ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатишдан иборат.

ZiyoNET портали. ZiyoNET ахборот таълим тармоғи ёшларни, мураббийларни, шунингдек, аҳолининг турли қатламини керакли ахборот билан таъминлаш, АТ соҳасида керакли маълумотларни бериш, мулоқот қилиш ва тажриба алмашинишлари учун зарур имкониятларни яратиб беришни ўз зиммасига олади.

Фойдаланувчилар. ID.UZ тизимидан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга ZiyoNet портали ўз имкониятларини намоён қилишлари учун барча шароитларни яратиб беради. Жумладан,

- ZiyoNet порталининг кутубхонасига ахборот таълимий маълумотларни жойлаштириш;
- учинчи даражали «zn.uz» доменида сайт-сателитларни яратиш;
- ZiyoNET порталининг ёпиқ бўлимларига кириш ва у ердан маълумот олиш;
- ZiyoNET ахборот-ресурс тармоғининг турли танловларида қатнашиш.

ZiyoNet тармоғига уланиш. Ҳукумат қарорига мувофиқ барча таълим муассасалари (уланиш объектлари) ZiyoNET ахборот таълимий тармоғи негизида бирлашишлари керак.

Ушбу таълим вазирликлари сайтлари ўзларида олий таълим ва унинг фаолияти, олий таълим муассасалари, ўртамахсус касб-хунар таълими ва унинг фаолияти, ўртамахсус касб-хунар таълим муассасалари, халқ таълими ва унинг фаолияти, республика мактаблари, таълимнинг меъёрий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни мужассамлаган. Таълим муассасалари вазирликлари сайтлари манзиллари қуйидагилар:

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги веб-сайти: www.edu.uz
- Ўртамахсус касб-хунар таълим маркази: www.markaz.uz
- Халқ таълими вазирлиги веб-сайти: www.eduportal.uz
- Давлат тест маркази веб-сайти: www.dtm.uz

9- мавзу: G2C модели асосида Давлат бошқаруви

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизимининг G2C модели.
2. Давлат ва давлат муносабатлари.
3. Давлатлараро ҳамкорлик, келажак режалар.

Бугунги кунда давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизими кўплаб мамлакатлар аҳолиси кундалик ҳаётига тобора кенгрок жорий этилмоқда. Давлат томонидан хизмат кўрсатишда бу хизмат қайси муассаса томонидан ва қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, энг асосийси фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишларига барҳам беришади. Бу хизматлар қуйидагилардан иборат:

солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.ларни амалга ошириш;

ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;

шахсий ҳужжатлар – паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;

фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома бериш;

шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юридик маслаҳат бериш хизматлари;

иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;

соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва бошқалар);

олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва бошқалар;

даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш; кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни online тизимида расмийлаштириш;

турли бадаллар, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва бошқа хизматлар. Шунингдек, тармоқ ресурслари орқали кўрсатилаётган кўплаб давлат хизматларининг ўзига хос молиявий асосини ташкил этувчи электрон пуллар аҳолига кўрсатилаётган замонавий online хизматларидан биридир.

Хуллас, ахборот коммуникацияси тизимларининг давлат

бошқарувига кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассасаларига келишлари заруриятини анча қисқартиради, истиқболда эса бундан бутунлай халос қилади. Кўплаб мамлакатлар тажрибасини жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган мақсад – сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини енгиллаштиришга эришилади.

10- мавзу: G2B модели асосида Давлат бошқаруви

Режа:

1. Электрон тижоратдан электрон ҳукумат сари.
2. Интернет орқали хизмат кўрсатиш. G2B ва B2G моделларининг ривож.
3. Иқтисодий самарадорликнинг ошиши.

G2B модули, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг амалдаги тизимини давлат ва бизнес тузилмаларининг умумий иши йўлида – бизнес субъектларидан ҳар бирининг, бинобарин, мамлакатнинг равнақ топиши учун уларнинг тадрижий ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмига айлантиришдан иборат.

Муносабатларнинг ушбу модулида қуйидагилар асосий субъект ҳисобланади: бюджет ва солиқларни тартибга солиш, давлат органлари ва тижорат тузилмаларининг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги, кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий ресурсларни бошқариш, тижорат фаолиятини лицензиялаш ва бошқалар.

G2B модули қуйидагиларни таъминлаши лозим:

бизнес тузилмалари олдида турган қоғозбозлик ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш;

давлат бошқарувининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, тартибга солиш ва ҳужжатлар айланишининг рақамли технологияларини кенг жорий этиш йўли билан бизнес жараёнлари ва транзакцияларни тезлаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш;

қонунлар ва бозор талабларидан келиб чиқиб, ресурсларни мақсадга йўналтириб, эркин бошқариш.

Ушбу модул вазибаларини ҳал этиш учун бизнес субъектларига қуйидаги хизматлар кўрсатилиш назарда тутилади:

компанияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан

ўтказиш;

ваколатли ташкилотлардан лойиҳа ҳужжатларига рухсатномалар олиш ва улар билан келишиш (экология, қурилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш);

лицензиялар олиш ва улар муддатини узайтириш;

юримдик маслаҳатлар, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ахборот олиш;

бюджетга (даромад, фойда, қўшилган қиймат, йўл, ер солиқлари ва бошқалар) ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий корпоратив тўловларни амалга ошириш;

бухгалтерия, молия, солиқ ва статистика ҳисоботларини расмийлаштириш ва бошқалар.

G2B хизматлари турли ижтимоий гуруҳ вакилларига йўналтирилган бўлиб, бу хизматларнинг асосий мақсади давлат билан боғлиқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жараёнларни оптимал бошқариш.

Давлат фуқаролар учун - G2C модули

Бугунги кунда давлат бошқарувининг ахборот-коммуникация тизими кўплаб мамлакатлар аҳолиси кундалик ҳаётига тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Давлат томонидан хизмат кўрсатишда бу хизмат қайси муассаса томонидан ва қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, энг асосийси фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишларига барҳам беришади. Бу хизматлар қуйидагилардан иборат:

солиқ декларацияларини тақдим этиш ва шахсий тўловлар: даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.ларни амалга ошириш;

ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, грантлар ва қарзлар олиш;

шахсий ҳужжатлар – паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;

фуқароларни доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш, манзил ўзгарганлиги тўғрисида билдиришнома бериш;

шикоят ва аризаларни қабул қилиш, юримдик маслаҳат бериш хизматлари;

иш излаш ва мутахассисларнинг касб даражасини электрон тест синовидан ўтказиш бўйича меҳнат биржалари хизматлари;

соғлиқни сақлаш тизими хизматлари (интерактив маслаҳатлар, қабулга ёзиш ва бошқалар);

олий ўқув юртларига кириш тест синовлари, масофадан туриб ўқитиш усули билан давлат таълим муассасаларида малака ошириш ва

бошқалар;

даромадлар, дивидендлар тўғрисида ахборот ва маслаҳатлар олиш; кредитлар, имтиёзлар ва лицензияларни online тизимида расмийлаштириш;

турли бадаллар, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва бошқа хизматлар. Шунингдек, тармоқ ресурслари орқали кўрсатилаётган кўплаб давлат хизматларининг ўзига хос молиявий асосини ташкил этувчи электрон пуллар аҳолига кўрсатилаётган замонавий online хизматларидан биридир.

Хуллас, ахборот коммуникацияси тизимларининг давлат бошқарувига кенг жорий этилиши у ёки бу формуляр, гувоҳнома, маълумотнома ва ҳоказолар учун кишиларнинг шахсан давлат муассасаларига келишлари заруриятини анча қисқартиради, истикболда эса бундан бутунлай халос қилади. Кўплаб мамлакатлар тажрибасини жорий этишнинг дастлабки босқичидаёқ кутилган мақсад – сўровларга хизмат кўрсатиш тезлигини ошириш ва кутиш вақтини камайтириш ҳисобига фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини енгиллаштиришга эришилади.

11- мавзу: G2G модели асосида Давлат бошқаруви

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизимининг G2G модели.
2. Давлат ва давлат муносабатлари.
3. Давлатлараро ҳамкорлик, келажак режалар.

“Электрон ҳукумат” тизими, хусусан, унинг G2G модули деганда, барча даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш, мазкур органларни аҳоли ва бизнес субъектлари билан ўзаро муносабат функцияларини қўллаб-қувватловчи компьютер тизимларини яратиш тушунилади. Агар идораларда ушбу жараёнлар автоматлаштирилмаган бўлса ёки электрон ҳужжат айланиши мавжуд бўлмаса, давлатнинг ички трансакциялари амалга оширилган ва қоғозсиз иш юритиш режими жорий этилган деб бўлмайди. Бу борада фақат алоҳида жорий қилинган амалиётлар, масалан, электрон почта орқали маълумот жўнатиб, қоғозга чоп этиб, мансабдор шахсга қўл қўйдириш жараёни электрон ҳукумат тизимидан йироқдир.

Ахборот технологияларини жорий этиш ва ахборот ресурсларини

шакллантиришдан ташқари “Электрон ҳукумат” миёрий-ҳуқуқий база қабул қилишни ҳам талаб этади. Яъни, ҳужжат электрон кўринишининг қоғоздаги кўриниши билан ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга эканлиги ва у билан асосий бош ҳужжат кўринишида иш юритиш мумкинлигига асос бўла оладиган миёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар зарур бўлади. Буларга “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги ва “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунларни мисол қилиш мумкин.

G2G модули бутун “электрон ҳукумат” тизимининг асосини ташкил этиб, бу модулсиз ахборот коммуникация технологияларини давлат бошқарувида жорий этиб бўлмайди. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи бу модулнинг моддий-техник ва ахборот-коммуникацион асоси сифатида хизмат қилади. Давлат бошқаруви органларининг корпоратив тармоғи ўз ичида давлат муассасалари ўртасида ахборот алмашилиш, давлатнинг фуқаролар, бизнес субъектлар, шунингдек, Интернет глобал ресурслари орқали бошқа ташқи фойдаланувчилар билан алоқаларини таъминлайди.

Муносабат ва алоқаларнинг ушбу модул ёрдамида ҳал этиладиган асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат бошқарув органлари ва давлат муассасаларининг ахборот массивлари, банклари ва маълумот базаларини ягона тизимга интеграциялаш;
- барча давлат тузилмаларини электрон ҳужжат айланишига ўтказиш ва уни оптималлаштириш;
- давлат қарорлари ишлаб чиқишни, узатиш ва ижросини назорат қилишни оптималлаштириш;
- ҳукумат ресурсларидан фойдаланиш тезлигини ошириш мақсадида ягона давлат портални яратиш;
- давлат хизматчилари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш ва уларнинг малакасини ошириш.

Бундан ташқари, давлат бошқарув органларининг корпоратив тармоғидаги Интранет тизими ўз хусусиятлари билан Интернет тизимидан фарқ қилмаган ҳолда, жамиятни ахборотлаштиришдаги асосий дастурий воситалардан ҳисобланади. Бу тизимдан фойдаланишни ўрганиш учун давлат хизматчиси кўшимча билим олиши, малакасини ошириши зарур.

12- мавзу: G2E модели асосида Давлат бошқаруви

Режа:

1. Электрон ҳукумат тизими давлат, фуқаро ва тадбиркор ўртасидаги муносабатларни осонлаштирувчи, иқтисодий ўсишинингянги омили.

2. Электрон тижорат ривож.

Электрон ҳукумат маъмурият бошқаруви самарадорлиги ва унга боғлиқ сарф харажатларни камайтирибгина қолмай, балки жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартиради. Бу ўз навбатида демократик жамиятни такомиллашувига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ва давлатнинг халқ олдидаги маъсулиятини янада ошишига олиб келади.

Шу боис “Электрон ҳукумат” монографиясини яратишдан кўзланган мақсад:

- мамлакат аҳолисига, ички ва ташқи тижорат соҳасига ҳукумат томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматларни оптималлаштиришнинг янги замонавий техника ва технологияларга асосланган усул ва услубиятларини ўрганиш;

- сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчиларнинг давлатни бошқариш ва раҳбарлик фаолияти жараёнларидаги иштироки даражасини оширишда ўзаро электрон муносабатларни ташкил этиш технологияси ва механизмини ўрганиш;

Электрон ҳукуматнинг асосий ички моделлари:

— G2C – давлатвафуқароларўртасидаги (Governmento – Citizen);

— G2B – давлатватижоратўртасидаги (Government to – Business);

— G2G – давлатҳукуматинингтурлитармоқлариўртасидаги (Government to – Government);

— G2E – давлатвадавлатхизматчилариўртасидаги (Government to – Employess);

- электрон ҳукумат виртуал тизими сервис ва сервис хизматини кўрсатиш инфраструктурани яратиш усуллари;

- электрон ҳукумат томонидан ташкилот ва аҳолига курсатилаётган интерактив хизматлар классификацияси, тамойиллари ва талабларини илмий асосда ўрганиш;

- электрон ҳукумат динамик веб сайти ва веб-порталларини яратишнинг дастурий ва техник воситаларини ўрганиш, ишлаб чиқиш

ва такомиллаштириш;

- электрон ҳукумат виртуал тизимида электрон рақамли имзо орқали ҳуқуқий кучга эга бўлган хужжатларни алмашинувини ташкил этиш механизмини ўрганиш;

- электрон ҳукумат тизими ахборот хавфсизлигини таъминлаш усуллари, воситаларини ўрганиш;

- фуқароларнинг савияси ва технологик таъминланганлик даражасини ошириш усул ва услубиятларини ўрганиш;

- ўзаро ахборот алмашинув жараёнларида географик жиҳатдан жойлашиш факторларига боғлиқ таъсирлар даражасини камайтириш технологиясини ўрганиш;

- давлат бошқарув тизимида интерактив хизмат кўрсатувчи ва таълим тизимида “Электрон ҳукумат” фани бўйича педагогик фаолият олиб борувчи юқори савиядаги малакали кадрларни тайёрлаш;

- электрон ҳукуматнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, инфокоммуникацион тизимларда электрон ҳукумат стратегияси ва транзакцион қайта ишлаш ва объектлараро алоқа технологияларини ўрганиш.

Мазкур монографиянинг илмий жиҳатлари замонавий алоқа ва ахборот технологияларини, дастурий воситаларини яратиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда интерактив хизмат турларини жорий этиш усуллари, моделлари ва механизмини яратишдан иборат.

Монография материалларининг амалий жиҳатлари “Электрон ҳукумат” ни амалда жорий этиш натижасида қимматли вақтни, ахборот оқими транзакцияси сарф харажатларини тежаш, тезкорлик, ишончлик, шаффофлик ва хавфсизликнинг таъминланиши, интерактив хизмат турларини ошишида намоён бўлади.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги 2015 йил 9 декабрдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сон, 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1942-сон ва 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарорларини, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг № 360-сон, 2013 йил 30

сентябрдаги “�збекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2013 йил 23 сентябрда тасдиқланган 08/-417-сонли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида яратилди. Шунингдек, монография Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ахборот коммуникация технологияларини жамиятнинг барча соҳаларидаги кенг ва изчил тадбиғини таъминлаш борасида олиб бораётган оқилона даъватлари ва башоратли сиёсатини амалдаги ижросини таъминлаш замин яратади.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан корхонанинг барча ходимлари, шу жумладан, унинг бошқарув бўғинининг ҳам тезкор қарор қабул қилишини ва амалий фаолият услубини тубдан ўзгартириш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши турли тадбиркорлик шакллариининг вужудга келишига шароит яратиб бермоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши ахборот коммуникациялар бизнесини шакллантириш ва тараққий эттиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Замонавий корхонанинг фаолият юзаси ва мулк шаклидан қатъий назар, унинг персонали олдида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар туради:

1) маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, нима эвазига?

2) ноишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар савдосини оптималлаштириш.

Бу юқорида кўрсатилган муаммоларни ечишнинг аниқ йўли электрон тижоратни замонавий усулларини ва воситаларини ишлатишдир. Эътибор берган бўлсангиз, “Электрон тижорат”, “Электрон бизнес”, “Электрон савдо” атамаларини охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳозирги даврда “рақамли иқтисодиёт” усулларини ишлатишнинг потенциал истиқболи шубҳага ўрин қолдирмайди ва уларнинг асосини билиш иш жараёнини самарали ташкиллаштиришнинг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат ёки ҳусусий ташкилот ёки фирмаларда, албатта компьютер техникаси, шу қаторда ички компьютер тармоғи, шунингдек оддий алоқа воситалари (оддий ва уяли телефон, факс) ишлатилади, Интернет имкониятларидан фойдаланилади. Кейинги пайтларда “Электрон дўкон”, виртуал “савдо майдонлари”, “Интернет консалтинг” кабилар ҳам кўп ишлатилмоқда. Бу фанни ўрганишдан

асосий мақсад бозор шароитида электрон тижоратни самарали ишлатиш муаммоларини мажмуавий кўриб чиқишга ҳаракат қилишдир. Асосий урғулар замонавий корхонада эксплуатация воситаларини ва электрон тижорат тизимларини кўзатиш бўйича саволларга қўйилган. Ушбу муаммоларнинг ечими ўрта ва кичик корхоналарга қаратилган. Бундай корхоналарга юқорида берилган соҳавий хизматни ташкил қилишга имкон йўқ, шу сабабли электрон тижорат тизимини киритиш давомидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи кўпинча ахборот технологиялари соҳасида тажрибаси йўқ ходимларга қўйилади. Ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз:

- “Электрон тижорат” термини остида нима тушуниш лозим, электрон тижорат тизимларининг қандай кўринишлари мавжуд ва қандай иш фаолияти соҳаларида улар қўлланилади;

- электрон тижорат ҳолати ва ривожланиш истиқболлари мамлакат ичида ва чет элларда қандай баҳоланади;

- корхонадаёқиташкилотдаэлектронтижорат имкониятлари амалиётда қандай ишлатилиши мумкин;

- электрон тижоратда интернет маркетинг, электрон тўлов тизимлари, интернет реклама ва менежмент, веб иловаларни яратиш усуллари, дастурий таъминоти, маълумотлар базалари ва электрон тижорат юритишнинг меърий-ҳуқуқий асослари қандай яратилади;

- электрон тижорат тизимларини ташкил этиш ва ишлатиш фаолияти мамлакат ичида ва ташқарисида қандай регламентлаштирилади. Электрон тижорат соҳаси фаолиятида мамлакат ичида ва ташқарисида воситаларни сертификатлаштириш ва лицензиялаштириш бўйича ишлар қандай ташкил этилган?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “электрон тижорат” тушунчасига қатъий таъриф бериш бугунги кунда оддий иш эмас. Гап шундаки, бир томондан, оммавий ахборот воситаларида ва таниқли нашриётларда электрон тижорат маҳсулотларни Интернет орқали сотиб олиш, дея таърифланади. Иккинчи тарафдан, ихтисослаштирилган нашриётларда электрон тижоратнинг жуда кўп таърифлари келтириладики, уларда ушбу глобал ходисанинг у ёки бу хусусияти, қирралари қайд этилади. Умумий ҳолда бу ерда “электрон” ва “тижорат” сўзларини ташкил этувчилари бутунги кун ҳисоби билан қандай маъно англатишини билиб олиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, электрон тижорат тушунчаларини амалий нуқтаи назардан

аниқлаштириш билан чегараланамиз.

Электрон тижорат тушунчаси остида товар буюртмасини қабул қилиш, тўловни амалга ошириш, товар (хизмат бажарилиши) етказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олувчи операцияларнинг (амаллар) ёпиқ цикли технологияси тушунилади. Ушбу амаллар (операциялар) ахборот технологиялари ва электрон воситалар ёрдамида ўтказилиб, эгалик қилиш ёки ишлатиш ҳуқуқини бир юридик (жисмоний) шахсдан иккинчисига ўтиши таъминланади.

Келтирилган таъриф электрон тижоратнинг “идеал” тушунчасини ёки бошқа сўзлар билан электрон тижорат тизимларини ташкил этишда интилиши лозим бўлган мақсадни ўзида акс эттиради. Ҳақиқатда бугунги кунда фақат такомиллашган электрон тижорат тизимларигина барча тижорат келишувлар тўлиқ жараёнларини (операциялар) электрон йўл билан амалга оширилишини таъминлайди.

Интернет тармоғи пайдо бўлгунча бир неча йиллар давомида электрон тижорат турли хил маълумотларни узатиш электрон тизимларига асосланган. EDI (Electronic Data Interchange – маълумотлар электрон алмашинуви), EFT (Electronic Funds Transfer – фондларнинг электрон алмашинуви), E –Mail (Electronic Mail – электрон почта) электрон тижорат тизимларининг бутун бир қаторида юқоридаги маълумотларни алмашиш ташкилий усулларида ҳозирда ҳам фойдаланилади. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунё бўйича тарқалиши учун энг истиқболли восита бўлишига қарамасдан, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллай олмайди. Бироқ айнан глобал тармоқ электрон тижоратнинг ривожланишига қаттиқ туртки берди ва у катта корпорацияларгагина эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ҳамда алоҳида шахсларга ҳам фойдаланиш имкониятини берди. Бу билан маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирасини электрон тижоратга жалб этиш мумкин бўлди. Электрон тижорат кундан – кунга товар ва хизматлар ассортименти ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва ниҳоят давлатларни бир ҳамжамиятга бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникацион технологиялар ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз келишувларга эришишига имкон берди.

Электрон тижорат ўз – ўзидан маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш ва етказиб бериш шартномаларини тузишда иикита: моддий ва номоддий оқимлар, оқим хизмати билан боғлиқ: Номоддий оқимлар

номоддий товарлар (дастурий таъминот, бино лойиҳалари ва б.) ни тўғридан – тўғри тармоқли узатиш, моддий хизматлар (транспорт чипталари, меҳмонхоналарда хоналар ва х.з. буюртмаси)нинг тўғридан – тўғри тармоқли бажарилиши, ҳамкорлар (мижозлар, буюртмачилар, етказиб берувчилар, субпудратчилар, банклар ва б.) билан молиявий тармоқли ҳисоботлар, моддий хизматларни етказиб беришни ахборот ва телекоммуникацион қўллаб – қувватлаш натижасида юзага келади. Бундай оқимлар у ёки бу виртуал тижорат фаолияти натижасида умумий оқимларнинг сезиларли, баъзида эса жуда катта қисмини ташкил этади. Табиийки, номоддий оқимларга хизмат кўрсатишда электр воситаларнинг ишлатилиши иш жараёнларини тезлаштиришга, оқибатда, электрон тижоратнинг ривожланишига олиб келади.

Электрон тижорат юритишнинг андозалари.

Ҳозирги электрон тижорат юритишнинг турли хил андозалари қарийб барча мамлакатларда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида, турли ҳажмдаги корхоналарда, шунингдек давлат муассасалари ва турли даражадаги ваколатли қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларида тарқалмоқда. Бу андозаларнинг умумий –қабул қилинган таснифи асосига шартли равишда маҳсулот етказиб берувчи ва харидор деб номлаш мумкин бўлган электрон тижоратнинг ўзаро алоқадор томонлари турлари кўйилган. Бу тавсифнинг мазмуни шундан иборатки, электрон тижоратни юритиш андозалари маҳсулот етказиб берувчи ва харидорларнинг аниқ турларига қараб фарқланади.

Маҳсулот (товар) етказиб берувчи ва харидорлар туркумига қуйидагилар киради:

Давлат (Government).

Корхона (Business).

Мижоз, истеъмолчи (Consumer).

Ҳамкор (Partner).

Корхона ходими (Executive, Employee).

Андоза белгиланиши маҳсулот етказиб берувчи ва харидор номланишидан тузилади. Мисол: Инглиз тилида (Business to business) ёки ўзбек тилида (корхона-корхона) Business to consumer-корхона-истеъмолчи. Андозанинг қисқартирилган белгиланиши сотувчи ва харидорнинг инглиз тилидаги номлари бош харфидан тузилади ва улар ўртасида “2” рақам кўйилади. Ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланган мамлакатда турли хил даражада қуйидаги андозалардан фойдаланилади: B2B, B2C, B2P, B2E, C2B.C2C, B2G, G2P, G2B: (давлат – корхона) ва P2G (ҳамкор –давлат).

Электрон тижорат андозалар таснифи.

Иқтисоднинг давлат сектори. Иқтисоднинг корпоратив (хусусий) сектори:

Йирик бизнес; B2B; B2P; B2E; B2C.

Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Россия мамлакатларида ҳозирги пайтда энг кенг тарқалган электрон тижорат юритиш андозалари қуйидагилар:

B2B – корхона – корхона

B2C – корхона – истеъмолчи

C2C – истеъмолчи – истеъмолчи

C2B – истеъмолчи – корхона

“Корхона – корхона” андозаси хусусиятлари.

Электрон тижорат жамиятида иштирок этувчиларнинг ўзаро муносабат модели.

Бизнес тижорат – тижоратга (B2B): савдо-харид майдончаси: - харид бошқарув тизими; маҳсулот етказиб (кузатиб) беришнинг тўлиқ цикли тизими; тақсимлаш бошқарув тизими; миждозни кузатиб юриш тўлиқ тизими; соҳавий электрон савдо майдони; электрон бозор; аутсорсинг электрон тўлов тизими; виртуал ташкилотлар; электрон биржалар; электрон аукционлар; интернет трейдинглар; интернет инкубаторлар; интернет реклама; ҳаракатдаги тижорат тизими; суғурта ва қайта суғурта қилиш тизими; эълонлар тахтаси; ахборот тижорат тизими.

Тижорат – харидорга (B2B): савдо шаҳобчалари; электрон витрина ва каталоглар; электрон магазинлар; электрон аукционлар; интернет трейдинглар; электрон тўлов тизими; интернет-реклама; хомийлик дастурлари; саёҳат ва бошқа хизматлар.

Тижорат – давлатга (B2G): давлат эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни электрон савдода сотиб олишда иштирок этиш; давлат буюртмаларини бажариш; солиқ, статик, божхона ва бошқа турдаги ҳисоботларни тақдим этиш.

Харидорлар – тижоратга (C2B): хусусий хизмат; сўров ва бошқа акция рекламаларида иштирок этиш; ҳамкорлар дастури ва хомийлар дастурида иштирок этиш.

Харидорлар – харидорларга (C2C): эълонлар тахтаси; электрон аукцион; P2P тизими; вирус маркетинги тизими; кўп даражадаги маркетинг тизими.

Харидорлар – давлатга (C2G): сайловлар; жамоат таркиби фикрини билишда иштирок этиш; солиқ тўлаш, солиқ йиғиш ва

жарима тўлаш; буюртма, шикоят, фуқаро мурожаатларини тақдим этиш.

Давлат – тижоратга (G2B): электрон давлат: давлат буюртмаларини тақсимлаш тизими; электрон тендерлар; солиқ, божхона ташкилотлари, сертификат ва лицензия бериш давлат органлари ва маъмурияти ва ҳақозо; юридик ва ахборот-маълумот хизмати; ҳудудий ахборот тизими.

Давлат – харидорга (G2C): электрон давлат: ижтимоий хизмат тизими (нафақа, моддий ёрдам, имтиёзлар ва х.з.); коммунал хизмат тизими; юридик ва ахборот-маълумот хизмати; ҳудудий ахборот тизими.

Давлат – давлатга (G2G): электрон давлат: сайловлар; божхона, солиқ. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси ва бошқаришни автоматлаштириш; ҳамкорлик тизими; ҳудудий ахборот тизими.

“Идеал” ҳолатда В2В андоза бўйича электрон тижорат юритиш тадбиркорларнинг автоматик ўзаро алоқадорлигини кўзда тутди. Хорижда В2В андозаси 40 йил аввал пайдо бўлган ва кенг тарқалган. В2В андозасидан фойдаланишнинг икки кўриниши бор:

Биринчидан: икки ёки ундан ортиқ корхоналар ўзаро турли хил шартномалар тузади.

Мисол: корхоналар Интернет орқали шартнома тузишда ўз таклифларини юборишлари, ҳисоб варақаларини қабул қилишлари ва тўловларни амалга оширишлари мумкин.

Иккинчидан: В2В секторида электрон тижорат юритишнинг ривожланган тизимларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, корпоратив ахборот тизимлари билан интеграция ҳисобланади. Шундай қилиб, истикболда, нафақат харид ва сотув жараёнининг автоматлашуви, балки корхона бошқарувининг комплекс автоматлашуви масалалари ечими ҳам таъминланади.

Ички бозор доирасида электрон тижоратнинг бу йўналиши ички ишлаб чиқарувчилар орасида янги тижорат алоқаларини вужудга келтиришга ёрдам берди, шунингдек, материаллар ва ускуналарни харид қилиш жараёни сезиларли даражада енгиллашди. Халқаро даражада В2В андоза бизнинг ишлаб чиқарувчиларга дунё бозорида иштирок этишига кенг имкон яратди.

В2В андозасини куриш ва муваффақиятли фаолият юритиш мақсадида мўлжалланган бозор сегменти шу каби ечимларни қабул қилиш ва жорий этишга тайёр бўлиши лозим. Бозорнинг бу сегменти бир неча таснифга эга бўлиши керак. Уларнинг энг аҳамиятлиси

қуйидагилардир: ҳажмлилик ва сифимлилик. Табиийки, Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва бизнинг бозорлар учун ҳажм бўйича кўрсаткичлар кескин фарқланади. Агар В2В андоза бўйича электрон тижорат юритувчи Америка компаниялари айланмаси млрд. \$ ташкил этадиган сегментга мўлжалланган бўлса, бизнинг корхоналар бундай кўрсаткичларга хали тенглаша олмайдилар.

Турли хил корхоналар ва иштирокчилар бозорнинг бу сегментида ҳар бири ўз мақсадини кўзлайди, лекин В2В андозасини тадбиқ этиб, ундан фойдаланишда ҳамма ютиши мумкин. Технологик ечимларни етказиб берувчилар В2В андозасини амалга оширишда ўз маҳсулотлари технология ва илмларини сотувдан ва кейинчалик бу бўйича электрон тижорат жараёнини олиб бориш функцияларни амалга оширишдан ютишади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, кўп ҳолларда корхоналар ахборот ресурсининг эгаси ёки тўла ҳуқуқли ҳамкори бўлиб қолади ва унинг фаолиятидан фойда олишда қатнашади. Сотувчи – корхоналар сотув бозорини кенгайтирадилар, маҳсулот етказиб бериш занжирини ва сотув билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартирадилар, ҳар бир буюртма билан алоҳида ишлаш имкониятига эга бўладилар. Харидор – корхоналар бир жойнинг ўзида товар етказиб берувчиларни ҳам, маҳсулот турини ҳам танлаш имкониятига, маҳсулотларга нархларни умумий тушишига, юқори тезлик ва хизмат кўрсатиш сифатига эга бўладилар. Ҳамма иштирокчилар учун умуман олганда ютуқ иш фаолияти ривожланишида янги истикболлар вужудга келишидадир. Корхона – истеъмолчи андозасининг хусусиятлари.

В2С андозадан корхона ўз маҳсулот ва хизматларини бевосита яқуний истеъмолчига сотаётганида фойдаланилади. Концептуал нуқтаи назардан бу андоза олдингига нисбатан аниқроқ ва кенг омма учун тушунарлироқ, шунинг учун ҳам ҳозирда у оммавий ахборот воситаларида энг кўп тарқалган. Бу андоза доирасида ишлайдиган йирик корхоналарга мисол бўлиб, Amazon.com ҳисобланиши мумкин, у дунё бўйича 30 млн.дан ортиқ мижозга эга бўлган, китобларни улгуржи сотуви билан шуғулланувчи америка фирмаси. Ўз фаолиятини кенгайтириш жараёнида Amazon.com дунёнинг исталган мамлакатадаги истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни таъминлайдиган сотув тармоғининг янги андозасини яратди. В2С мос ҳудудда тўловларни амалга ошириш имконияти ва Интернетга уланиш масалаларини ечиш шарти билан йирик шаҳарлар ва узоқроқ ҳудудларда яшовчи истеъмолчилар орасида маҳсулот ва хизматларга етишишдаги фарқни тенглаштиришга имкон беради.

13- мавзу: Давлат бошқарувининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Режа:

1. Ўз-ўзини бошқариш органлари.
2. Ўз-ўзини бошқариш органлари мақсад ва вазифалари.
3. Уларнинг жамият ривожигаги ўрни.
4. Электрон ҳукумат тизимида ўз-ўзини бошқариш органлари.

Давлат бошқарув органлари ахборот ресурсларидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг идентификациялаш зарурлиги туфайли, фуқаронинг ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланишини технологик тартиблаш зарур. Одатда фуқаронинг ҳукумат интерактив хизмати ахборот ресурсидан фойдаланиши икки кўринишда амалга ошади. Ҳукумат ахборот ресурсларидан фойдаланувчи шахсларни идентификациялаш қонунчилик билан тартибланади, ҳамда фуқарога маълумот олиш ҳуқуқини беради ёки чеклайди.

Биринчи кўринишдаги ахборот ресурсларига рухсат, маълумот олишга рухсат берилган шахсни аввалдан идентификациялаш билан ҳарактерланади. Бу турдаги ихтиёрий маълумотга рухсатлар чекланган доирадаги рухсат ҳисобланади, масалан, давлат сирларига боғлиқ ёки шахсий маълумотлар. Идентификация маълум бир шахснинг қуйидаги маълумотларни олишлари учун зарур:

- бевосита ушбу шахсга алоқадор бўлган маълумотлар, яъни ташкилот ёки ходимларнинг ўзларининг маълумотларини олишга рухсати бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатувчи маъмурий маълумотларга рухсати бўлганда;

- маълум бир шахснинг ўз лавозимида боғлиқ мажбуриятларини бажариш учун зарур маълумотлар, бу ўз ичига шахснинг давлат сирларига боғлиқ маълумотлар билан ишлашини, ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ёки тиббийёт ходимларининг шахсий сирларидан хабар топишни олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай шахс фақат идентификация қилинганидан сўнг маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, шундай модел ёрдамида фуқаро ва ташкилот манзиллари ҳақидаги маълумотларни олишга рухсатни ташкил этиш мумкин. Маълумот ҳар қандай шахсга фақат идентификация қилингандан сўнггина тақдим этилиши мумкин.

Ушбу модел асосида давлат органлари маълумотларини тақдим этиш, буюртма берилиши орқали ташкил этилади. Маълумотга

бундай турда рухсат берилиши танқидга ҳаққоний сазовор, чунки маълумот олган, идентификацияланган шахсга маълумотни тарқатмаслиги ҳақида масъулият юклаб бўлмайди, шунингдек бундай маълумотни назорат қилиш самара бермайди. Ўзини идентификация қилиш маъмуриятчи учун қулай тўсиқ бўлиб, маълум даражада коррупцион салоҳиятга эга бўлишига имкон яратади.

Маълумотга аввалдан идентификациядан ўтиш орқали рухсатга эга бўлган шахс маълумотга бўлган рухсатномасини, шахс ҳақидаги маълумотларини, олган маълумотларини, олинган маълумот таркиби ва маълумот тақдим этилган вақт ҳақидаги маълумотларни сақлаши талаб этилади.

Маълумотга рухсат берилишнинг иккинчи кўриниши рухсатга эга бўлган шахсдан идентификациялаш талаб этилмаган ҳол. Бу турдаги маълумотларга рухсат берилиши, ҳар қандай шахснинг идентификациясиз маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлиши билан характерланади. Бундай ҳолларда давлат ахборотларини тақдим этиш давлат мажбурияти ҳисобланади.

Электрон ҳукумат интерактив хизматидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибланишнинг ташкилий чора тадбирлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- интерактив хизмат электрон ҳужжат маълумотларини муҳофаза қилишни таъминлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

- электрон ҳужжат маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган, объектлараро электрон ҳужжат айланиши фойдаланувчилари ва администраторининг мансабдор шахсларини белгилаш;

- электрон ҳукумат интерактив хизматларида объектлараро ҳужжат айланиши бош администратори серверидаги маълумотлар базасининг резерв нусхасини кўчириш, тиклаш ва архивга киритиш тартибини, шунингдек вирусга қарши базаларни янгилаш тартибини белгилаш;

- электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиш тизимининг дастурий-техник воситаларини таъмирлаш–тиклаш ишларини ўтказиш учун кириш тартибини белгилаш ва бошқалар.

Электрон ҳукуматда ахборот айланишининг кенг тарқалган уч модели мавжуд.

Ҳукумат – фуқаролар (government – citizen, G2C). Асосий мақсад

– фуқароларга давлат тузилмалари хизматлари ва ахборот ресурсларига тез, осон ва қулай рухсат берилишини таъминлаш. Web – порталлар асосий коммуникация воситалари ҳисобланади.

Ҳукумат – тижорат (government – business, G2B). Асосий вазифа – ахборот ресурсларига ташкилотларнинг тез, қулай муурожаатларини тақдим этиш, давлат ташкилотлари ва корхоналар ўртасидаги ишончли ахборот коммуникация механизмини таъминлашдан иборат. Асосий коммуникация воситаси сифатида Web – сервисдан фойдаланиш тавсия этилади. G2B моделининг асосий хусусияти маълумотлар оқимини икки томонлама ҳаракатга эгаллиги.

Ҳукумат – ҳукумат (government – government, G2G). Бу модел юқоридаги икки моделларнинг самарали ечимини таъминлаш мақсадида маҳаллий ва ҳудудий давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиришдан иборат. Натижада маъмурий сарф харажатлар қисқариб, қарорлар қабул қилиниши тезлашади.

Интерактив хизмат тизимини жорий этиш жараёнида ҳукумат тузилмасининг ахборот марказига ягона ойна орқали киришнинг соддалашган интерфейси, электрон рақамли имзо ёрдамида умумий авторлаштириш тизими, алоҳида ташкилотнинг интеграллашган ахборот тизими яратилган.

Узатилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва конфиденциалигини таъминлаш мақсадида 128 –разрядли маълумотларни шифрлар тизими жорий этилган; Электрон ҳужжатларни ҳуқуқий кучга эгаллигини тасдиқловчи электрон рақамли имзо тизими қўлланилган; электрон сертификациялаш тизими киритилган.

Фуқороларни авторлаштириш ва ҳужжатларни аутентиклигини назорат қилиш Net ва Microsoft SQL Server технологиясига асосланади. Одатда электрон ҳукумат интерактив хизматлари портали .Net Framework, ASP.NET ва Visual C# технологиясини қўллайди.

Фойдаланувчилар талабларига кўра тизим қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим /2/: фойдаланувчи билан юқори даражада дўстона муносабатда бўлиши, очиқ архитектурага эга бўлиши, асосийси электрон хавфсизлик таъминоти соҳасида энг янги ютуқларга таяниши. Электрон ҳукумат тизимини жорий этишда турли тармоқли инфратузилмани интеграциялаш, турли ташкилотлар томонидан яратилган сайтлар ва ахборот тизимлари каби муаммоларга дуч келинади.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

а) электрон ҳукумат интерактив хизматидан фойдаланишнинг технологик имкониятини тизим фойдаланувчиларининг динамик ўзгарувчан сони билан таъминлаш;

б) электрон ҳукумат интерактив хизмат тизими фойдаланувчилари томонидан ахборотга оид ўзаро ҳамкорликнинг мослашувчи технологиялари, форматлари, протоколларини ягона бир хил имкониятли дастурий-техник воситалардан фойдаланишга мослаш;

с) электрон ҳукумат интерактив хизматлари тизими фойдаланувчилари томонидан дастурий таъминот ва сертификатланган дастурий-техник воситалардан меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга риоя этиш;

д) электрон ҳукумат интерактив хизматларида узатилаётган, қабул қилинган ва қайта ишланган электрон хужжат маълумотларининг тўлиқлиги ва яхлитлигини таъминлаш;

е) электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши тизимида моддий-молиявий ва вақт харажатларини камайтириш;

ф) электрон ҳукумат интрактив хизматлари электрон хужжат айланишида маълумотлар хавфсизлигини ва конфиденциаллигини таъминлаш.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши тизимининг техник-технологик инфратузилмаси куйидагилардан иборат: электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон хужжат айланиши бош сервери, унинг администратори бўлиб, объектлараро электрон хужжат айланиши тизими мененжери ҳисобланади; объектлараро электрон хужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг бошқарув серверлари; ҳимояланган алоқа каналлари.

Ўз навбатида, бош сервернинг техник воситалари ўз ичига электрон почта сервери, тасдиқловчи марказнинг дастурий-аппарат воситалари, ахборотни муҳофаза қилиш воситалари ва электрон ўзаро ишлаш дастурий-техник таъминотининг бошқа воситаларини олади. Бош администраторнинг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади: қайта ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган электрон хужжатни рухсатсиз фойдалана олишдан ва маълумот администратор серверида бўлганида ҳамда ҳимояланган алоқа

каналлари бўйича объектлараро электрон ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчиларининг серверларигача узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш; ҳужжат айланиши тизими фойдаланувчилари ўртасида электрон хабарлар алмашинуви.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланиши тизими администратори серверининг техник воситаларига сервер ва коммуникация ускунаси, маълумотни ҳимоя қилиш воситалари ва бир хил имкониятли компьютерлар билан таъминланган автоматлаштирилган иш жойлари киради. Администраторлар серверларининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат: қайта ишланадиган, сақланадиган ва узатиладиган маълумотни ҳимояланган алоқа каналига узатилгунга қадар ва ундан рухсатсиз фойдаланиш ҳамда бузиб кўрсатишдан ҳимоялашни таъминлаш; администратор серверидан олинган электрон ҳужжатларни фойдаланувчиларнинг электрон ҳужжат айланиши ахборот тизимлари манзилига етказиш; электрон ҳужжатларни объектлараро электрон ҳужжат айланиши фойдаланувчиларининг ахборот тизимларидан бош администратор серверига жўнатиш; электрон ҳужжатларни бош администратор серверига узатишдан аввал маълумотлар базасида сақлаб туриш.

Электрон ҳукумат интерактив хизматларида электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда ахборот хавфсизлиги техник ва дастурий воситалар, ҳамда бир қатор ташкилий тадбирлар комплекси билан таъминланади. Хусусан, техник тадбирларга қуйидагилар киради: функционал имкониятларининг тўлиқ ҳажмида ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш; қайта ишланадиган электрон ҳужжат маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш; электрон ҳужжат маълумотини вирусга қарши ҳимоялашни таъминлаш.

Электрон ҳукумат интерактив хизматида объектлараро электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалани ҳал қилиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:

- телекоммуникациялар инфратузилмасини таъминлашга ва объектлараро электрон ҳужжат айланиши учун тармоқни қуришга қўйиладиган талабларни белгилаш;

- электрон ҳукумат объектлараро ахборот алмашинув тизимининг дастурий-аппарат воситаларини ва ахборот ресурсларини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоялаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

- объектлараро ахборот алмашинувида электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳаларини белгилаш (химояланган муаллифлаштириш, ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва ҳоказо);

- электрон ҳужжатларни алоқа каналлари бўйича узатишда ва объектлараро ахборот тизимининг маълумотлар базасида ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларини қўллаган ҳолда сақлашда электрон ҳужжатларни бутунлигини химоялаш ва таъминлаш бўйича талаблар ишлаб чиқиш;

- электрон ҳукумат интерактив хизматида объектлараро электрон ҳужжатлар алмашинувида химояланган уланиши талабларини бажариш.

Дастурнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашда, жумладан, ахборотни рухсатсиз ўчириб ташлаш, ўзгартириш, бузиш, кўчириб олиш, тўсиб қўйиш ва ахборот ресурсларига ноқонуний аралашувга доир бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, қонунчиликка мувофиқ равишда ҳужжатлаштирилган ва электрон шаклдаги давлат сирини, ахборотнинг махфийлигини сақлаш, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ташкил қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи хизматларни шакллантириш, маълумот узатиш тармоқларига химоя воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига жавоб бериш нуктаи назаридан экспертизадан ўтказиш учун доимий ишлайдиган (идоралараро) эксперт гуруҳини тузиш ва ахборотни химоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, мамлакатда ахборотни криптографик химоялаш воситаларини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Америка Кенгаши IT – дерективаси US CIO Council (www.cio.gov) электрон ҳукумат тизимини жорий этиш тажрибаси асосида давлат ташкилот ва корхоналарини ахборотлаштириш ривожлантиришни тўртта босқичини аниқлади:

Бошланғич босқич – ташкилотнинг Интернетга чиқиши, ахборот Web ресурсини яратиши;

Бошланғич ўзаро боғланиш даври – ахборот хизматлари фойдаланувчиларини ўзаро боғланиши имкониятини яратиш (Web – шакл, электрон почта);

Транзакция даври – ахборот хизматини кўрсатувчи ва фойдаланувчи ўртасида мураккаб, кўп қадамли ахборот

алмашинувини шакллантириш;

Электрон ҳукумат тизимини яратиш – узоқ муддатли дастур асосида турли ахборот ресурсларини жамлаш ва интеграциялаш; ахборот ресурсларига мурожаат этишнинг ягона ойнасини яратиш; тақдим этилаётган хизматлар узлуксизлигини таъминлаш.

Ҳукумат портали ягона ахборот муҳитида турли давлат корхоналарини ишлаш имконини бериб, миждога ягона авторлаштириш тизими ва ахборот ресурсларига мурожаат этиш ягона ойнасига эга. G2C моделини такомиллаштирган ҳолда ҳукумат портали ахборот сервислари ва корпоратив ахборот тизими интеграциясини таъминлайди.

Web – сервер сифатида Microsoft Internet Server (IIS), Internet Security and Acceleration Server, фаолият юритувчи сервер сифатида эса – Microsoft SQL Server, BizTalk, Commerce Server ва Application Server ишлатилади.

Электрон ҳукумат яратиш лойиҳасида маълумотлар узатиш механизми Web – сервислар ва XML га асосланган, бу ўз навбатида тизимни кенгловчи ва очиқ қилади. Маълумотлар алмашинуви стандарти сифатида очиқ стандарт билан мувофиқ бўлган махсус яратилган XML – схемаси GovTolk ишлатилади.

Электрон ҳукумат тизимини яратиш дастурининг стратегик мақсади давлат бошқарув органларининг самарали ишлаши учун ахборот муҳитини яратиш, онлайн режимда ишловчи фуқаро ва тижорат тузилмалари учун самарали ва қулай ахборот сервисларидан фойдаланишдан иборат.

Фуқаро ва ташкилотларга қуйидаги ахборот ресурслари тақдим этила бошланди:

- яшаш манзили ўзгарганлиги ҳақида ҳукумат ташкилотларига хабар бериш мақсадида онлайн режимда фуқароларни рўйхатга олиш;

- фуқаро ва ташкилотлар томонидан ижтимоий тўланмалар ҳақидаги маълумотни олиш учун ижтимоий таъминот Институт ахборот марказига мурожаат;

- рўйхатга олинган ташкилот маълумотлар базасига мурожаат.

Электрон ҳукумат яратиш концепцияси юзага келгунга қадар ривожланган мамлакатлар тез ва аниқ ахборот алмашинуви талаб этиладиган алоҳида соҳа фаолиятларида ўхшаш тизим элементларидан фойдаланганлар. Хусусан, қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган божхона ахборот тизимини модернизациялаш

дастурини келтириш мумкин:

-ягона ҳудудий божхона тўловларини йиғиш майдони, жамлаш ва божхона маълумотларини таҳлили;

- давлат манфаатларини ишончли химоясини таъминлаш, маҳсулотлар чиқиши ва киришини самарали назорат қилиш;

-божхона жараёнларини юритиш сарф харажатларини камайтириш ва божхона органлари ходимлари иш самарадорлигин ошириш, барча бажариладиган ишлар жадаллигини ошириш;

- халқаро савдо соҳасида давлатнинг етакчилигига эришиш.

Электрон божхона тизимини жорий этишда SAP R/3 Enterprise ечимидан фойдаланилади. Бундай усулни танлашга асос сертификация ўтказиш имконини берувчи берилган дастур матнининг очиклиги. Шунингдек R/3 тизимининг бошқа дастурий маҳсулотлар билан осон интеграллашуви ва кенг доирали маълумотлар базасини бошқариш тизими.

Ягона божхона тизимини яратиш ҳудудий божхона соҳасида божхона хизмати бошқарувчи самарадорлигини оширади, барча божхона ҳужжатларини умумлаштиради ва автоматик равишда қайта ишлайди, божхона маҳсулотларини соддалашган усулда кодлайди, давлат ва хусусий сектор ахборот тизимини бирлаштиради.

14- мавзу: Давлат бошқаруви бюджети ва молиялаштириш

Режа:

1. Ахборот инфраструктураси.
2. Электрон платформа.
3. Электрон хизматларни тақдим этиш усуллари.
4. Электрон тўловлар, электрон пул.

“Электрон ҳукумат” – давлат бошқарувининг электрон ҳужжат айланиши тизими мамлакат миқёсидаги бошқарув жараёнларининг барчасини автоматлаштиришга асосланган, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ҳамда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникация харажатларини камайтириш мақсадига хизмат қилади.

“Электрон ҳукумат” ҳужжатларни бошқариш ва уларни қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ вазифаларни амалга оширувчи жамоат бошқарувининг умумдавлат тақсимоти тизимини барпо этишни талаб қилади.

“Электрон ҳукумат” анъанавий ҳукуматнинг қўшимчаси ёки ўхшаш жиҳати эмас, балки давлат хизматларини тақдим этишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларидан фаол равишда фойдаланиш асосида ҳамкорлик қилишнинг янги усулини белгилаб беради.

Келажакда «бир дарча остидаги» “электрон ҳукумат” бугунгидан кўра долзарблик касб этади. Бу йўналиш web 2.0 тарзидаги ижтимоий тармоқларни ривожлантириш натижаси ҳисобланади. Мазкур технологияларсиёсий коммуникация имкониятларини кенгайтиради, ҳукумат, бизнес ва фуқаролар ўртасидаги интеграциянинг янги шакллари вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда “электрон ҳукумат”нинг ягона концепцияси мавжуд эмас, фақат умумий талаблар тўплами мавжуд. Турли тоифадаги истеъмолчиларни ахборот олишнинг самарали воситаларини қўлга киритиш, транзакциялар қийматини камайтириш, давлат органлари билан оддий, тезкор ва қулай тарзда ҳамкорлик қилишга бўлган ягона интилиш бирлаштиради.

“Электрон ҳукумат”ни яратиш фақатгина сарф-харажатларни камайтиришни таъминлабгина қолмай, балки жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан ўзгартиришни таъминлаши ҳам лозим. Бу демократиянинг такомиллашуви ва ҳокимиятнинг халқ олдидаги масъулияти ошишига олиб келади.

Интернетда электрон бозорнинг мавжудлиги Интернетда маҳсулот ва хизматларга интерактив тўловни амалга оширадиган тўлов тизимларининг амалда қўллаш имкониятлари билан боғлиқ. Исталган тижорат шартномаларининг охирги босқичи давлатда юритилаётган тўлов тизимларидан бири асосида ҳисоб - китоб қилиш билан яқунланади. Бу тўлов тизимларини тўлов тизимлар технологиясининг таснифи дейиш тўғрироқ. Чунки, ҳақиқатда ишлаётган тизимлар кўпинча юқорида айтиб ўтилган механизмларни хар хил комбинацияда ишлатишади.

Кредитли схемалар ишлатиш билан амалга ошириладиган тўлов тизимлари.

Кредит карточкаларини тўлов воситасида ишлатадиган тизимлар ҳозирги вақтда дунё миқёсидаги тўлов тизимлари орасида энг юқори ўринда туради. Интернетда ҳисоб - китобга пластик карточкалар ишлатишнинг ютуғи уларнинг кўп жиҳатдан анъанавий тўлов тизимлари билан ўхшашлигидандир. Бундай ҳолатда Интернет маълумот узатишнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш

технологиялари билан амалга оширишда ишлатилади. Бу тизимларга Cyber Cash; Open Market; First Virtual ва бошқа бир қатор тўлов тизимлари киради. SSL протоколи билан бир қаторда шу каби тизимларда ахборот алмашинувида маълумот узатишнинг SET протоколи (Secure Electronic Transaction) ишлатилади ва у кредит карточкалари рақамларини ишончли ҳимоялашни таъминлайди.

Л SET спецификацияси (Master Card ва Visa, Netscape, IBM, Verisign ёрдами билан ишлаб чиқарилган) - кредитли карта ишлатишда товарларнинг нархини тўлашнинг энг хавфсиз йўлларида бири.

SET спецификацияси асосида оммавий калит ва рақамли сертификатлар билан ишлатиш криптографияси ётади.

SET протоколи истеъмолчининг ўғирланган ёки сохта карточкалар билан бўладиган безориликлардан ҳимоя қилади. SETнинг бугунги кунда камчилиги, бу унинг иштирокчилари ўзларида махсус дастурий таъминот ўрнатишлари керагидир, бу эса маълум инвестициялар талаб қилади. Бундан ташқари, охириги вақтларда ўтказилган тестларга мувофиқ транзакцияларнинг шифрлаш операцияси туфайли етарлича тез ишлатилаётгани ҳақида фикрлар етказилди. Шунга қарамасдан, SET протоколи Интернетнинг электрон тижорат келажаги сифатида қаралмоқда. SET протоколи ҳақида тўлиқ маълумотни қуйидаги адрес билан олиш мумкин: <http://www.emoney.ru/publish>.

Истеъмолчи нуқтаи назаридан қараганда кредит тизимининг асосий камчиликлари қуйидагилар:

— транзакция ўтказишга харажатларни кўпайтирувчи миқдорнинг тўловқобилиятини текшириш ва карточканинг авторизациясини текшириш зарурати. Чунки ҳар бир транзакцияга карточка эмитенти транзакциясуммасидан 1,5 - 3% олади, лекин у 20% дан ошмайди. Акс ҳолда эса, товарлар тўловини қуйи диапазонда ўтказиш ҳеч қандай самара бермайди;

— анонимнинг йўқлиги, савдо тизимлари томонидан мажбурий сервис;

— кредит, карточкада ишловчй элкетрон дўконлар сонининг чекланганлиги;

— кредит ҳисоби очишнинг кераклиги;

— "карточка маълумотларини тармоқда узатиш" комплекси.

Дебит тизими (Net Cash, Net Bill ва бошқалар) чек ёки нақд

пулларнинг рақамли эквивалентини ишлатишга асосланган. Дебитли схемалар ишлатиш билан амалга ошириладиган тўлов тизимлари. Бунда рақамли нақд пулга асосланган дебит тизими 3-шахс томонидан тасдиқлашни талаб қилмайди, уларни ишлатиш баҳоси (нархи) "0" га интилади, яъни буни микра тўловларда ишлатиш қулай.

Мисол сифатида Net Cash ни кўриб чиқамиз. Бу тизим 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва ишлатишга жуда қулай. Потенциал харидор аввал Net Bank да купон сотиб олиши керак. Бунинг учун у почта дастури ёрдамида ёки тўғридан - тўғри Net Cash Web – сайтида сўровнома орқали ўн бештали купон олади ва уни сотувчига товар ёки хизматга алмашиш учун жўнатади. Net Cash шифрлашни ишлатмайди ва Web - браузерларнинг қурилган имкониятлари ва хатларни шифрлашнинг бошқа тизимларига таянади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, купон бошқа одамларнинг имзосига тушиб қолиши ва ундан асл мижозгача фойдаланиши мумкин.

Мижоз сотувчига ҳамиша номаълум бўлиб қолаверади. Шунинг учун бундай тизимни аноним дейиш мумкин. Net Cash тизими тўлов ҳавфсизлиги етарлича даражада бўлмаса ҳам, оддий ва кенг тарқалган. Net Cash да бошланғич тўлов 19,95 \$ миқдорида белгиланиб, Net Bank да ҳисоб рақами очилиши керак.

Мижоз купон олаётганида 2% тўлайди (минимум 2 \$), сотувчи Net Bank га қайтариб бераётганда 2% (минимум 4 \$) миқдорида тўлайди. Бу ҳақда тўлиқ маълумотни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин: <http://www.netcash.ru/>, <http://netbill.ru/>.

Рақамли нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўлов тизими

Рақамли нақд пуллар Интернетда ҳисоб - китобнинг янги тури ҳисобланади.

"Рақамли нақд пул" термини электрон тўлов тизими категориясини аниқлайди. Улар нақд пулларни реал ҳаётдан Интернет ҳаётига ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Рақамли нақд пуллар –бу жуда катта сонлар ёки файллар бўлиб, улар белгилар функциясини бажаришади ва бошқа тўлов тизимларидан фарқли ўлароқ, бу файллар шу пулларнинг ўзи ҳисобланади.

Анъанавий жисмоний нақд пулларга қараганда рақамли нақд пуллар бир қанча афзалликларга эга. Масалан, уни ишлатиш

хўжайинига аноним даражасида бошқаришни таъминлаб беради, бу компьютер жиноятларига қарши курашда муҳим аҳамиятга эга.

Электрон нақд пуллар оқимини реал вақт режимида қидириб топиш мумкин, жисмоний нақд пулларда эса буни умуман амалга ошириб бўлмайди. Рақамли нақд пуллар тизимини ишончли тарзда ишлатишни замонавий криптография усуллари таъминлаб беради. Бундай тизимлар фаолият кўрсатиши учун бўлган харажатлар минималдир.

Ундан ташқари, схемаларда кредит карталари ҳисоб - китобининг йўқлиги уларни микро тўловларда ишлатишга имкон беради. Рақамли нақд пуллар маъносига кўра дебит тизимларига киради. Рақамли нақд пулларда ишлашни ривожлантирган компанияларга City Bank, Digi Cash, Россия Poу Cash, Web Money киради. Бугунги кунда рақамли пуллар ишлатишда 2 та асосий тўлов конструкциялари бор:

(Digi Cash) профессор Д.Чаум томонидан ишлаб чиқарилган тўловларга қатилган;

MonDEX корпорациясининг электрон пуллари, тўлов автономга эга ваавторизацияга муҳтож эмас.

Интернет- банкинг. Тўлов тизимлари орасида алоҳида гуруҳ Интернет - банкинг функциясини бажарувчи тизими, яъни Интернет орқали банк операцияни амалга ошиши ҳисобланади.

Уларни ўтказишга имкон берадиган операциялар ўзига банк ҳисобларини бошқариш бўйича ҳамма хизматларни қамраб олади. Россияда ҳозир Интернет банкига "Автобанк ", "Гута -банк" ва КБ "Градо Банк" банклар тизими ва бошқалар киради.

Умуман олганда, рақамли нақд пуллар билан ишлашга мўлжалланган тўлов тизимлари ҳозирги вақтда SET - қўшма тизимлар билан рақобатлашадилар ва электрон тижоратга ва тўлов тизимига жалб этилган кўпгина компаниялар иккиланиб қоладилар. SET схемаси бўйича тўловми ёки электрон нақд пуллар тўлови яхшими?

Бир мунча вақт олдин ҳамма электрон нақд пуллар афзаллигига ишонган бўлса, ҳозир аксинча, консерватив кредитлар уларни сиқиб чиқармоқда.

Россияда электрон тижорат тўлов тизимлари.

Россияда электрон тижоратнинг ривожланишини таъминлаётган электрон тўловларни амалга оширишда реал иштирок этаётган асосий тўлов тизимларини кўриб чиқамиз.

Cyber Plat. Бу тизим (<http://www.cyberplat.ru>) Россиядаги I тўлов тизим ларидан бири бўлиб, (CyberPlat концепцияси асосида дебитлаш схемаси ётади ва келажакда Интернет -банкинг имкониятлари пайдо бўлади). Интернет -тижоратнинг корпоратив секторида ҳисоб воситаси сифатида ривожланипти (B2B электрон тижорат модели). Лекин бу тизим жисмоний шахсларни жалб қилишга ҳам имконият яратяпти. Бу тизим Интернетда реал пуллар билан бир вақтда нақд пулсиз ҳисобни ҳам амалга оширади, Интернет - дўконларда олди -сотди ҳисоб - китоби мижозларнинг "Платина" банкидаги ҳисоб варақасида ҳам, ихтиёрий банкнинг кредит карточкаларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳамма маълумот алмашинувлар Интернет тармоғида амалга оширилади.

Assist. Ассист тизими (<http://www.assist.ru>) 1999 йил апрелда ишга тушган бўлиб, у Интернетга уланган ихтиёрий компьютерда Интернет провайдерлари мижозларнинг шахсий ҳисоб варақаларидан ёки кредит карточкаларидан "Oline" режимида авторизация ўтказиш ва тўловларни қайта ишлаш имконини яратади.

Assist тизими орқали Интернет дўконда олди - сотдини ҳисоб - китоб қилиш учун "Visa, Euro, Card, Master Card, Dinners Club, 7CB, American Express лардан кредит карточкага эга бўлиш ёки йирик Интернет провайдерлардан бирининг мижози бўлиш керак. Шундай қилиб, Assist асосан кредит карточкалари орқали ишловчи тизим бўлиб, ўзида дебит схемасининг баъзи элементларини ҳам мужассамлаштирган. Assist web - сайти маълумотларига қараганда 60 дан ортиқ корхоналар бу тизимдан фойдаланадилар.

Web Money (<http://www.webmoney.ru>). Web Money тизими ихтиёрий Интернетдан фойдаланувчига хавфсиз нақд пулли тўловларни амалга оширишга, "On -line" режимида Web -топиш дейилувчи электрон нақд пуллар билан ҳисоб -китоб қилишга имкон беради. Россияда тизимни ишлаб чиқиш ва техник қўллаш билан "Вм - центр" ташкилоти шуғулланади ва у Web Money дан фойдаланувчиларни бирлаштиради. Тизимнинг мижозлари Интернет - дўконлар ва уларнинг истеъмолчилари ҳисобланадилар. Бир томондан қараганда булар Интернет -дўконлар, бошқа томондан эса, ҳисоб -китоб қилишнинг анъанавий усулидан фойдаланилмайдиган ёки имконияти йўқ, ихтиёрий Интернетдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Уй банки. Автобанкнинг Интернет банкинг тизими "Уй банки"

дейилади ва у шахсий корхоналарнинг банкдаги реал ҳисоб рақамларини Интернет орқали бошқариш ҳисобланади. "Уй банки" ўз фойдаланувчиларига 24 соат давомида, реал вақт режимида ер юзининг ихтиёрий нуқтасидан тўлиқ банк хизматини яратиб беради.

"Уй банки" Интернет орқали реал вақт режимида қуйидаги операцияларни бажариш имконини беради:

- доллар \$ олиш ва сотиш;
- коммунал хизматларни тўлаш;
- ички ва банклараро пул ўтказишни амалга ошириш;
- Интернет - провайдерлар ҳисобларини тўлаш;
- депозитлар очиш;
- карточкали ҳисобларни тўлдириш.

Телебанк. (<http://www.telebank.ru>). Яна бир Интернет банкинг функцияларни амалга оширувчи - "Телебанк" тизими бўлиб, у КБ "Гута-банк" томонидан ишлаб чиқарилган. Тизим шахсий корхоналарига масофавий (дистанцион) банк хизмати кўрсатиш имконини беради. Бу операциялар дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан Интернет ёки телефон орқали бажарилади. Тизим ҳар хил тўлов ёки информацион хизматларни бошқариш имконини яратиб беради. "Телебанк-онлайн" орқали коммунал тўловлар ва телекоммуникацион хизматларни тўлаш мумкин (Масалан, "Билайн", "Мобил Телеком", МСС, МТС, "НТВ Плюс").

Градо (<http://www.grado.ru>) КБ "Градо банк" томонидан ишлаб чиқарилган ва нақд пулсиз электрон ҳисоб - китоб қилишга мўлжалланган. "Градо" Интернет банкнинг тизимида ишлайди ва фойдаланувчига "Градо банк" даги ҳисоб варақасидан Россиянинг ихтиёрий банкига пул ўтказиш имконини беради.


2008 йилга келиб Ўзбекистонда PayNet, FastPay, UniPay, E-pay, Ecarton каби тўлов тизимлари фаолият юритмоқдалар. Улар орасида фақат Ecarton орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконияти бор. Унда бошқа тизимлар ўз пунктларига эга бўлиб, улар орқали маълум бир ҳисоб рақамига пул ўтказишингиз мумкин. Масалан, PayNet тизими кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда унинг Ўзбекистон бўйича барча вилоят ва шаҳарларида 9000 га яқин тўлов пунктлари мавжуд. Бу пунктлар орқали мижоз мобил телефон ва хўжалик хизматлари учун (газ, электр, сув в.х.) тўловларни амалга ошириши мумкин.

Мижоз PayNet билан ишлаганда унинг ихтиёрий пунктига кириб, оператор ёки провайдер номини, провайдер томонидан

ўрнатилган хизмат номинали ёки телефон рақамини айтади ва нақд пул бериш билан амалга оширади. Мижоздан қабул қилинган тўлов ҳақидаги маълумот PayNet тизимига узатилади. Бу тизимда мос келувчи провайдерга маълумотлар маршрутизацияси юз беради. PayNet тизимининг транзакцияси якунида мижозга мўлжалланган ахборот чеки босмадан чиқарилади. Агент пул маблағларини PayNet ҳисобига мижоздан қабул қилган тўловлари асосида ўтказди. Қабул қилинган тўловлар оператор ёки провайдер биллингида ҳам ёзиб қўйилади. Агент қабул қилинган тўловлар асосида оператор ёки провайдер ҳисобига пул ўтказди. Шундан сўнг провайдер ёки телефон оператори мижоз учун хизматни амалга оширади. Агар мижоз мобил телефон учун пул тўлаган бўлса, оператор томонидан унга ҳисоб тўлдирилганлиги ҳақида SMS хабарини юборади.

Е-рау электрон тўлов тизими 2007 йил июнь ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўловлар ҳозирда Perfectum Mobile, Beeline ва COSCOM уяли алоқа хизматлари учун қабул қилинмоқда. Яқин вақт ичида бошқа уяли алоқа операторлари хизматлари учун ҳам тўловларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Тўловлар агентлар тармоғи орқали амалга оширилади. Тизимнинг афзаллиги уланиш осонлиги ва депозит 50 минг сўм эканлигидир. Бундан ташқари, тизим сайти TAS-IX тармоғида жойлашган. Бу эса агентларнинг Интернет трафигини тежашга ёрдам беради.

Е-рау тўлов тизими “Online-Servis-Biznes” (OSB) масъулияти чекланган жамият томонидан ишлаб чиқилган ва OSB компаниясининг хизматидир (6.1-расм). Тўлов тизими билан боғлиқ барча шартномалар, ҳуқуқий ва молиявий масалалар OSB томонидан ҳал қилинади. Компания ўз фаолиятини 2006 йилдан бошлаган. Шу вақт ичида OSB мутахассислари Е-рау тизимини ишлаб чиқиб, 2007 йил июн ойидан бошлаб ишга туширдилар. Бу тизим қулайлиги ва хавфсизлиги бўйича барча жаҳон стандартларига жавоб беради. Компания фалсафаси мижозларга, компания хизматчиларига ҳурмат билан муомала қилиш ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Қуйида тизим иштирокчиларининг ҳамкорлигини кўрсатувчи тасвирни кўришингиз мумкин.



14.1-расм. “E-pay” тизими иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари схемаси.

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси озиқ овқат маҳсулотларидан маиший ва компьютер технологияларигача бўлган маҳсулотларни харид қилиш, мобил алоқа, Интернет, телефония ва коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек, кино, театрларга чипталарни уй ёки офислардан чиқмаган ҳолда харид қилиш имкониятига эга бўлади. Эндиликда қимматли вақт ва асабларни сарфлаб дўкондан дуконга бориб, у ёки бу товарни қидириш ҳожати қолмайди. Ушбу масалаларни яқин келажакда ишга тушувчи ва бир кунда 24 соат, ҳафтасига 7 кун узлуксиз хизмат қилувчи “SMS” электрон тўловлар тизими ҳал этади.

Ахборот-коммуникация, мобил ва интернет-технологиялари соҳасида дастурий ечимлар ишлаб чиқарувчи «Multisoft Solutions» маҳаллий компанияси 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ “SMS” электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқди. Айни вақтда мазкур тизим интернет ёрдамида электрон

тўловларни ўтказиш бўйича «бошланғич лойиҳа» сифатида тақдим этилмоқда.

« SMS » тизими Интернет тармоғи орқали аҳолига товарларни харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар, халқаро ва шаҳар телефонлари, ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Ушбу тизим миллий валюта - сўмга боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Учинчи шахсларнинг тизимга ижозатсиз киришидан ишончлиги ва ҳимоясининг гарови, Электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ) қўлланилиши саналади. ЭРИ 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ҳужжатдаги ЭРИ айна бир вақтнинг ўзида коғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир ҳил аҳамиятга эга. ЭРИдан “SMS” тизимига киришда, ҳамда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишда фойдаланилади. Бунинг учун тизим фойдаланувчиларига «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Руйхатга олувчи маркази (РОМ) томонидан ЭРИ калитининг сертификати берилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, яқинда компания РОМи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат рўйхатидан ўтди. ЭРИни қўлланилиши, анъанавий «парол ва логин»лардан фойдаланиш методларига нисбатан, назария ва амалиётда устун деб исботланган. « SMS» тизимида қўлланилувчи ЭРИнинг сирли калитининг узунлиги 2048 битни ташкил қилади; демак, бугунги кунда ЭРИ калитларининг ҳар қандай компрометацияси олди олинади.

Бунда пул маблағлари тизим фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларида автоматик тарзда акс эттирилади. Айнан ушбу маблағлардан, фойдаланувчилар уй ёки офислардан ташқарига чиқмай бутун республика бўйича товар ва хизматлар (кино, театр, ҳаво ва темир йўл транспорти учун чипталар, кийим кечак, озиқ-овқат, кредит ва х.к) учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўладилар.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг уланиши, уларнинг интернет-сайтлари, интернет-дўконлари ёки савдо майдонларининг интернет-тўловлари тизимига уланиши орқали амалга оширилади. “SMS” тизимида товар ва хизматлар «онлайн» режимида сотилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон ҳужжат шаклида тузилган келишув назарда тутилган. « SMS » тизимининг қўшимча функциялари қаторида, битта

фойдаланувчининг электрон ҳисобидан иккинчи фойдаланувчининг электрон ҳисобига маблағларни ўтказиш, тизим аъзоларини баҳолаш (аттестация) ҳамда фойдаланувчиларнинг пул маблағларини банк ҳисоб рақамларига чиқариш каби имкониятлар ҳам мавжуд.

Қийматини белгиловчи пулнинг яратилиши билан турли тўлов тизими юзага келди. Вақт ўтиши билан қимматини белгиловчи усуллар ҳам кўпайиб борди. Бартер усулидан бошлаб, банкоматга, чек, кейинчалик кредит карта ва нихоят электрон тўлов тизимига келинди.

Кредит карта билан тўловни амалга ошириш электрон тижоратда қуйидаги ноқулайликлар кузатилади.

Биринчидан, кредит карта ёрдамида ҳисоб кимтоб қилиш суммани энг кам миқдори белгилаб қўйилади, яъни майда товарларни деярли харид қилиш муаммо бўлади.

Иккинчидан, кредит картадан хар бир харид этилган товарга пул ўтказишда банк хизмати учун маълум миқдордаги (масалан: тўлов миқдоридан 3%) сумма чегириб қолинади.

Учинчидан, кредит карталар тез ишдан чиқадиган ва ҳимояланганлиги паст даражада эди. Ҳозирги кунда ҳам тижорат сайтларининг бузилганлиги ва кредит карта рақамининг ўғирланганлиги ҳақида эшитиб турамыз.

Бундай тизим ҳисоб китобни дебет схемасида амалга оширилиши ва юқори даражадаги кристал микропроцессор билан ҳимояланганлиги тўлиқ хавфсизликни таъминлайди. Бундан ташқари микропроцессорли карта оддий картага нисбатан қиммат бўлсада тўлов тизими арзонга тушади, чунки оф лайн режимида телекоммуникация тармоғига оғирлик тушмайди.

Электрон тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- банклараро, миждоз-банк орасидаги ахборот алмашинуви ва тўловни узатиш;

- Ташкилот ичидаги ахборот узатувчи ва қабул қилувчи маълумотларини қайта ишлаш;

- Миждознинг ҳисоб рақамидаги йиғилган суммага мурожаатининг мавжудлиги.

Электрон тўлов тизимида асосий хавф туғилиши мумкин бўлган ҳолат тўловни банклараро, банк ва банкомат, банк ва миждоз орасида узатилишида юз беради.

Тўловларни узатиш ва бошқа маълумотларни узатишда қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш лозим:

-Ташкилот ички тизимда узатувчи ва қабул қилувчи электрон ҳужжатларни узатиш ва қабул қилишда, ташкилот ичида маълумотларни қайта ишлашда ҳимояни таъминлаш зарур.

-Электрон ҳужжат юборувчи ва қабул қилувчи – алоқа канали билан ўзаро боғланади.

-Бу хусусиятлар ўз навбатида қуйидаги муаммоларни юзага келтиради:

-Ўзаро муносабатдаги абонентларни кимлигини билиш ўзаро боғланишда кимлигини аниқлаш;

-Алоқа канали билан узатилаётган электрон ҳужжат материални хавфсизлигини таъминлаш;

-Электрон ҳужжат алмашинуви жараёнини ҳимоя қилиш; ҳужжатни тўлиқлигини таъминлаш;

-Ҳужжатларни расмийлаштириш ва келишувни таъминлаш; ҳужжат юборилганлиги ва етказиб берилганлигини исботлаш; ўзаро боғлиқ бўлмаган ва тури ташкилотга тегишли бўлгани учун юборувчи ва қабул қилувчи ўртасида ишончсизликни бартараф этиш.

-Дебет картасига эга бўлганлар ўзининг ҳисоб рақамига банк-эмитентда маълум миқдордаги суммани қўйишлари керак. Ушбу сумма миқдори олинishi мумкин бўлган воситани белгилайди. Ҳисоб китобни ушбу картадан фойдаланиб амалга оширилиши жамғарма камайишига олиб келади. Банкдаги жамғарма дебет картасидан фойдаланишда автор кимлигини англашда албатта текширилади. Карта эгаси ўзининг жамғармасини ошириши учун ўз ҳисоб рақамига яна маблағ киритиши мумкин. Тўлов жараёни кечаётган вақт оралиғида банк томонидан керакли маълумот олингунга қадар мижоз ҳисоб рақамида маълум миқдорида қолдиқ сумма бўлиши лозим.

Кредит ва дебет карталар якка шахсга тегишли бўлибгина қолмай балки корпоратив(яъни кўпчиликники) бўлиши мумкин. Корпоратив карталар компания томонидан ходимларига сафар ва хизмат харажатларини сарф ҳисоб рақами билан боғлиқ ҳолда ишлаши мумкин. Бу карталар алоҳида ёки умумий жамғармага эга бўлишлари мумкин.

Сўнги йилларда электрон тўлов тизимида микропроцессор карталаридан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда, бунда мижознинг ҳисоб рақамидаги ҳолат доимий равишда кузатилиб борилади. Ҳисоб рақами орқали ҳисоб китоблар оф лайн жараёнида карта терминал ёки мижоз картаси сотувчи картаси.

Тўловнинг вазифаси пул суммасини тўловчидан қабул қилувчига

узатишдан иборат. Электрон тизимда пулнингш бундай узатилиши электрон тўлов протоколи билан амалга оширилади. Бу жараён молиявий ҳаракатни амалга оширишни талаб этади, яъни томонлар тўлов протоколлари билан алмашинади, пул воситаси ҳақиқатдан ҳаракатда бўлади. Молиявий ҳаракатни таъминловчи сифатида банк, ёки алоҳида ташкилот бўлиши мумкин.

Тўлов тизими буюртмаларни, магазин электрон витриналарни ўрганиб чиқишни таъминлайди. Сотувчининг товар ёки хизматини сотувчи сайтидан танлаши ва компьютер ёнидан кетмаган ҳолда тўловни амалга ошириши мумкин.

Электрон тижорат тизимида тўлов қуйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

- махфийликка риоя этиш. Харидор Интернет орқали тўловни амалга оширишида (кредит картаси рақамини) унинг маълумотларини фақат қонуний ҳуқуқи бўлган корхонагина билишини истайди. Тўлов тизими харидорнинг маълумотларини кенг доирада ошкор бўлишига йўл қўймаслиги керак. Шундай қилиб, махфийликни таъминлаш талаби қуйидагиларни ўз ичига олади:

А) томонларнинг кузатувчилари томонидан фойдаланувчилар ҳаракати ҳақидаги маълумотларни олиш имконини бекор қилиш;

Б) тўлов қабул қилувчи учун харидорнинг кимлигини сир сақлаш даражасини таъминлаш;

В) Эмитентдан нима учун тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотни сир тутиш;

Г) Эмитентдан харидорнинг (тўловчининг) қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги сирдан беҳабар қолдиришни таъминлаш.

- хавфсизликни таъминлаш. Интернет кенг имкониятли ва самарали муҳит ва восита бўлишига қарамай фойдаланувчида ишончсизликни уйғотади. Шунинг учун ундан фойдаланганда ҳимояланмаган жойи қолмаслиги керак.

Маълумот тўлиқлигини сақлаш. Харид қилинганлик ҳақидаги маълумот ҳеч ким томонидан ўзгартира олинмайди.

Аутентификация. Сотувчи ва харидор келишуда томонлардан иштирок этувчилар кимлигига ишонч ҳосил қилиш.

Тўлов воситаси. Харидорга маъқул бўлган тўлов воситасидан фойдаланиш имконияти авторлаштириш. Тўлов тизими томонидан пулни узатиш жараёни қўллаб қувватланади ёки бекор қилинади.

Сотувчининг тавақалчилик кафолати. Интернетда савдо қилиб,

сотувчи кўп таввакалчиликка йўл қўяди, харидорнинг маъсулиятсизлиги ва товардан воз кечиши. Таввакалчилик даражаси тўлов тизими провайдери билан келишилган бўлади, савдонинг боғловчи бошқа келишувларга боғлиқ.

Махсулот етказиб беришга кам ҳақ тўлаш. Буюрмани етказиб бериш ва товарга пул тўлаш, товар тан нархига киради. Товари тез ва кам нархда етказиб бериш рақобатни оширади. Йўл хақи, товари етказиб бериш учун сарф харажат харидорнинг товардан воз кечганида ҳам тўланади.

Интернет тўлов тизимининг функционал кўрсаткичларига қараб танловни амалга ошириш қуйидагиларга қаратилган:

Универсаллик – бир неча ускуна ва воситалар билан ишлаш;

Активлик – тўлов тизимининг ишлаши ҳақидаги турли манбалардан олинган маълумотларни баҳолаш. Активликнинг бир неча даражасини кўрсатиш мумкин: тизим умуман ишламайди, тизим бир қанча Интернет-магазинлар билан фаолият юритади, тизим доимий равишда тўловни амалга оширади ва бир неча электрон савдо манбалари билан ишлайди.

Тезлик-харидор томонидан товар учун ҳисоб-китобда ва магазин томонидан пулни қабул қилишда кечикишнинг бор ёки йўқлиги.

Микротўлов – бир доллардан кам суммадаги тўловлар учун кичик тўловлар самара бермайди.

Махсус дастурий таъминот-айтим холларда тўловни амалга оширишда махсус дастур таъминотини ўргатиш талаб этилади (масалан: web Money Keeper) ёки стандартларни такомиллаштириш (M: Pay Cash).

Он-лайнда рўйхатга олиш – Интернет орқали тўлов тизимида рўйхатга олиш имкониёти.

Пулни қайтариш – харидорнинг келишувдан воз кечиши юз берганда пулни қайтаришда тўлов тизимининг имкониятлари. Бу ҳолат умуман кўзда тутилмаган бўлиши мумкин ёки уни амалга ошириш қийинчиликларни юзага келтиради.

Харажат – тизимда иштирок этиш билан боғлиқ сарф харажат миқдори. (Алоҳида Интернет – магазин ва харидор учун). Рўйхатга олиш нархи, абонент тўлови ва келишувни амалга ошириш учун тўлов.

Сертификат ва лицензияга эга бўлиш – маъсулиятни ташкилот томонидан сертификат (лицензия) берилиши, тўлов тизимини экспертизадан ўтказиш, банк ёки процессинг компанияси ҳар қандай тўлов тизимига бирон бир банк ёки ихтисослашган молиявий ташкилот

томонидан хизмат кўрсатади.

Фаолият кўрсатаётган хар қандай банк дебет ва кредит карталардан фойдаланиш орқали катта миқдорда иқтисод ва самара кўришини яхши билади. Шунинг учун эмитент томонидан мижозлар учун яратилган пластик карталарни кенг оммага тарқатиш борасидан тинмай фаолият юритиб келмоқдалар. Муаммо шундаки худудлар бўйича банкларнинг нотекис жойлашиши ва тушумларнинг тарқоқлигидадир. Ушбу ҳолатни инобатга олган хар бир банк ўзининг эквайерини яқин ва ишончли ҳолда танлашга ҳаракатини қаратади.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг асосий функциялари. Тўлов тизимига кириш босқичида хизмат кўрсатувчи банк процессинг компанияси билан ўзи томонидан тузилаётган терминаллар тизими орқали карточка эгаларига хизмат кўрсатишга лицензия олиш учун шартнома тузади. Тизимнинг ҳисоб-китоб банкида вакиллик ҳисобрақамини очади. Процессинг маркази билан фаолият юритиш усулини танлайди.

Банк филиалларида орқали карточка эгаларига хизмат кўрсатиш ўринларини ташкил этади, процессинг компанияси тасдиғи билан садо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари билан шартномалар тузади, уларни лозим ускуна ва бутловчи материаллар билан таъминлайди.

Карточка эгаларига хизмат кўрсатиш босқичида қуйидаги функцияларни бажаради:

- терминал тизимини (усуналар тизими, мисол учун: банк автоматлари ва электрон терминаллар) ишчи ҳолатини таъминлаш;

- усуналардан транзакцияларни олиш ва уларни процессинг марказига етказиш;

- стоп-листлар тайёрлаш ва тарқатиш;

- хизмат кўрсатиш жойларининг савдо чекларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ҳисоб рақамларига пулларини кўчириш (slip processing);

- тўлов тизими қатнашчи банклари билан ҳисоб-китоб қилиш.

Хизмат кўрсатувчи банк терминал тизимини бошқариш ҳуқуқини бошқа ташкилотга (мисол учун, процессинг марказига) бериши мумкин.

Процессинг марказининг асосий функциялари.

Процессинг маркази – бу тўлов тизими қатнашчи банклари билан шартномавий муносабатга эга бўлган ва хизмат кўрсатувчи банкдан банк-эмитентга аторизациялаш учун транзакцияларни маршрутизациялашни ҳамда бошқа тўлов тизимларининг транзакцияларини қабул қилиш ва юборишни таъминлайдиган

ташкilotдир.

Процессинг маркази хизмат кўрсатувчи банк томонидан унинг терминал тизимини бошқаришга авторизация қилиниши мумкин.

Процессинг маркази эмитент-банк томонидан ушбу банк карточка эгаларини авторизация ўтказишга авторизация қилиниши мумкин. Бу ҳолда процессинг марказида авторизация қилиш ва карточкалар, ҳисоб рақамлар ҳамда улардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар базасини юритиш хизматини ташкил қилинади.

Процессинг маркази эмитент-банклар карточкаларини шахсийлаштириш (персонализация) хизматини таклиф этиши мумкин.

Процессинг маркази эмитент-банклар ишида ёки маълумотлар юбориш тармоқларида узилишлар бўлган ҳолларда (режим stand-in) эмитент банклар транзакцияларини авторизациялаш. хизматини таклиф этиши мумкин.

Эмитент – банкнинг асосий функциялари.

Тўлов тизимига кириш босқичида карточкаларни эмиссия қилиш ҳуқуқи учун шартнома тузади. Карточка дизайнини тўлов тизими унга қўйилган талаблар асосида ишлаб чиқади. Балким чекланган карточкалар эмиссиясига лицензия олади. Тариф сиёсатини танлайди. Тизимнинг ҳисоб китоб банкида вакиллик ҳисоб рақамини очади. Процессинг маркази билан ҳамкорлик турини танлайди.

Эмиссия босқичида:

– ўз мижозлари учун зарур миқдорда карточкаларга буюртма беради;

- кредит сиёсатини танлайди;

- мижозларнинг карточка билан боғлиқ (ассоцияланган) ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатади;

- карточка эгаларига ҳисоб рақами беради;

- ўз мижозларини авторизациялашни мустақил амалга оширади ёки бошқа ташкilotга беради;

- процессинг марказидан мижозларнинг транзакциялари бўйича ҳисоботни олади ва қайта ишлайди;

- карточкалар, карточка билан боғлиқ ҳисоб рақамлари, ҳисоб рақам қолдиқлари ва бошқа маълумотлар базасини мустақил бошқаради ёки бошқа ташкilotга (мисол учун, процессинг марказига) бошқариш учун топшириқ беради;

- Маълумотлар базасини бошқариш, сақлаш ва карточкаларни ҳамда шахсий идентификация рақамларини бериш жараёнлари хавфсизлигини таъминлайди.

Тизим ҳисоб– китоб банкининг асосий функциялари.

Тизим ҳисоб– китоб банкида барча эмитент-банклар ва хизмат кўрсатувчи банклар вакиллик ҳисоб рақами очадилар. Ушбу ҳисоб рақамлари бўйича тўлов тизимининг иштирокчилари ўртасида ҳисоб китоб амалга оширилади. Ҳисоб китоб банки вакиллик ҳисобрақамларига хизмат кўрсатишни ва банклар билан тузилган шартномада кўрсатилган муддат ҳамда шартлар асосан маблағларни кўчиришни таъминлайди.

Савдо ташкилотларининг асосий функциялари.

Савдо ташкилотлари (POS) – Ушбу тизимнинг пластик карточкаларига хизмат кўрсатувчи жойи (точкиси): магазинлар, ресторанлар, клублар, меҳмонхоналар, бензоколонкалар ва бошқалар. Улар хизмат кўрсатувчи банк ёки хизмат кўрсатувчи банк ушбу ҳуқуқни берган бошқа ташкилот билан карточка эгаларига (держателлари) хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузади. Корхонанинг ҳисоб рақами хизмат кўрсатувчи банкда бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш даврида мажбурлар:

- маҳсулот ёки хизмат учун тўловни пластик карточкадан нақд пул билан бир қаторда қабул қилиши;
- тўлов тизими ўрнатган тартибда карточкаларни авторизациялаш;
- савдо чекларини инкассациясига буюртма бериш ва уларни унинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган муддатда ўтказувчи хизмат кўрсатувчи банк (ёки бошқа ташкилот)га тақдим этиш.

Ўзаро фаолият режимлари.

Эмитент банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти пакетли режими

Эмитент банк учун процессинг марказига уланишнинг пакетли режими энг оддий ва арзондир.

Банк процессинг марказига шу банкнинг мижозлари карточкалари бўйича транзакцияларни авторизациялашга руҳсат беради. Банк процессинг марказига мижозлари карточкалари, ҳисоб рақамлари ва қолдиқлари (лимитлари) бўйича маълумотлар базасини юритишни топширади.

Банкўзи мустақил яратган, буюртма асосида яратилган ёки тайёр ҳолда сотиб олинган, процессинг маркази серверига жойлаштирилган банкнинг маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тўлов тизимида қабул қилинган форматдаги топшириқномалар шакиллантиш имконини берадиган дастурий таъминотдан фойдаланади.

Келишувга кўра ўрнатилган алоқа сеансларда банк процессинг

марказига процессинг маркази серверида жойлаштирилган банкнинг маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тўлов тизимида қабул қилинган форматдаги топшириқномани файл кўринишида (электрон почта ёки курьердан дискетада) ёки қоғозда юборади.

Процессинг маркази билан келишувга кўра ўрнатилган муддатларда банк тўлов тизими тасдиқлаган кўринишда банк мижозларининг карточкалар бўйича операциялари ҳақидаги ҳисоботни олади.

Банк мижозларининг лимитлари бўйича авторизациялаш жавобгарлиги процессинг марказидадир.

Бу режимнинг содда ва арзонлигига қарамай банк мижозлар ҳисоб рақамларни тезкор (оператив) бошқариш ричагини ва уларга банкда мувофиқ хизмат кўрсатиш имкониятини йўқотади:

- мижоз ҳисоб рақамига фақат карточка ёрдамида кириш мумкин, акс ҳолда суистеъмолликдан қочиб бўлмайди;

- мижоз ҳисоб рақамига пул қўйилган вақтдан уларни процессинг маркази маълумотлар базасига тушган вақтгача ўтган вақт - бир неча соат.

- банк мижозларининг кун мобайнидаги барча тўловлар ҳақида фақат у яқунланганидан сўнг билади ва мижоз ҳисоб рақамини у томони кун давомида амалга оширилган барча яқунланган транзакциялардан сўнг дебетлайди..

Эмитент банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти реал вақт режими

Банк махсус жихоз ва дастурий таъминот билан таъминланган, маълумотлар узатиш тизимига мисол учун Спринт тизими, Инфотел (Х.25)га уланган ёки процессинг маркази билан ажратилган (выделенный) канал билан боғланган. Бунда банк карточкалар, ҳисоб рақамлар ва қолдиқлар маълумотлар базасини мустақил тарзда юритади ҳамда процессинг маркази (ёки бошқа ташкилот)дан келаётган транзакцияларни авторизациялайди. Бундай ҳолда банк мижозлари ҳисоб рақамларини тўлиқ бошқариш имкониятига эга бўлади, уларга ҳисоб рақамларига доступ учун турли молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятини бердади ва уни реал вақт режимида дебетлаши мумкин. Бундан ташқари банк тезкор (оператив) карточка ва ҳисоб рақамларини блокировка қилиши мумкин.

Хизмат кўрсатувчи банк ва процессинг марказининг ўзаро фаолияти реал вақт режими.

Банк махсус жихоз ва FRONT-OFFICE функцияси (яъни реал

вақтда ускуналарни мустақил бошқариш) имкониятига эга дастурий таъминот билан таъминланган, маълумотлар узатиш тизимига мисол учун Спринт тизими, Инфотел (Х.25)га уланган ёки процессинг маркази билан ажратилган канал билан боғланган.


Бу ҳолда банк автоматларининг ва электрон терминалларнинг ишлашини таъминлаш учун ўз корпоратив маълумотлар юбориш тизимини ривожлантириш ёки мавжуд тизимларга уланиш лозим.

Тўловнинг тули усулларини, ананавийдан бошлаб кўриб чиқайлик. Бунда пул харидордан тўғридан тўғри сотувчига тушади, махсулот эса сотувчидан харидорга ўтади.


Бу схемада пул бўлиб, олди-соттида миқдор ўлчови бўлган металл ва қоғоз знаклар хизмат қилади. Бундай схемага биз кўникганмиз ва ундан хар ерда фойдаланамиз ва у бизда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Мисол учун, биз нега сотувчи “қандайдир қоғозга” махсулот алмашиши хақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, нега пуллар (металл ва қоғоз) ўз функциясини бажараяпти?

Чунки, пулларнинг иккинчи хусусияти, яъни ишлаб чиқариш мумкин эмас (қалбаки). Хақиқатдан ҳам ушбу таъкид нисбий тушунчадир, металл ва қоғоз пуллар етарли даражада ҳимояланган ва уни қалбакилаштириш қонун томонидан тақиқланган.

Энди кредит карт асосидаги тўловларнинг биринчи қалдирғоч схемасини кўриб чиқамиз. Бу схема уч қатнашчини ўз ичига олади ва тўловнинг янги усули чеклардан фойдаланади.



14.2-расм. Ананавий тўлов схемаси.



14.3-расм. Чек ёрдамидаги тўловлар

Бундай схемада тўлов тизимининг барча қатнашчилари ўртасида, чеклар оддий пул билан бир қаторда тўлов воситаси эканлиги хақида “шартнома” (келишув) мавжуд (14.2-14.3-расмлар).

Шу билан бир қаторда чекнинг хақиқийлигин тасдиқлаш учун махсус ҳимоя воситалари: махсус муҳр, сувли белги, рақам, серия ва бошқалар, ҳамда энг асосийси юридик кучга эга бўлган ва чек эгасининг тшловдан бош тортмаслигини кафолатловчи шахсий имзоси мавжуд.

Чеклар бирон бир банк томонида муомалага чиқарилади ва шу сабабли тақдим этувчига маблағни тўланиши кафолатланади.

Ушбу схеманинг ананавийсидан авфзаллиги, у нақд пул айланишини камайтиради ва бу билан уларнинг айланишининг умумий харажатларини камайтиради.

Қуйида тўловларнинг smart–карт ёрдамидаги соддалаштирилган схемасини кўриб чиқамиз (14.4-расм).



14.4 -расм. Smart – карт асоси тўловнинг соддалаштирилган схемаси.

Бу схемада яна бир тўлов воситаси smart – карта иштирок этади. Smart – карта банк томонидан муомалага чиқарилади (эммиссия қилинади) ва унга харидор ўз банкига жойлаштирган пул маблағи қиймати ёзилади. Бундан ташқари карта эмитент ва харидорнинг идентификаторлари, харидорнинг ҳисоб рақами ва бошқа хизмат маълумотларни ўз ичига олади.


Бу схемада савдо-сотикда пул ўрнига эквивалент сифатида ҳимояланган ва рақамли имзо билан имзоланган электрон маълумотнома (транзакция)дан фойдаланилади. Транзакция сотувчи терминалидан процессинг маркази орқали банкга юборилади ва унинг асосида харидорнинг карт ҳисоб рақамидан маблаҳ сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Транзакция тўлов миқдори, тўловни амалга

оширганларнинг идентификатори, эмитентбанк идентификатори ва сотувчи идентификаторини ўз ичига олдаи.

Банк бу транзакциядан бўй товламайди, чунки у банкнинг ўзи муомалага чиқарган (эммисия қилган) smart – карта ёрдамида имзоланган. Шундай қилиб харидорнинг пуллари банкда, карта ҳисоб рақамида сақланади ва унинг эгаси томонидан сарфланганда банк томонидан камайтириб борилади. Савдо-сотик вақтида smart – картда ҳам мос камайтириш амалга оширилади.

Карта эмитент банкда тўлдирилиши (кредитланиши) мумкин, бунда карта эгасининг карт ҳисоб рақамига унинг банкдаги бошқа ҳисоб рақамидан ечилган ёки нақд кўринишда топширган пул маблағи кирим қилинади. Яна бир бор эслатиб ўтиш лозимки биз тўловларнинг smart–карт ёрдамидаги соддалаштирилган схемасини кўриб чиқдик. Бу соддалаштириш атайдан амалга оширилди, чунки бизнинг асосий мақсадимиз – smart – технологияларнинг ўзини эмас балки қандай қилиб smart – технология Интернет орқали тўловни амалга оширувчи тизимни яратишда ёрдам беришидир.

Интернетдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобни амалга ошириш схемаси қуйидаги тартибда амалга оширилади. Интернет сотувчи ва харидор ер шарининг ихтиёрий нуқтасида бўлишига қарамай on – line режимда алоқа боғлаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда харидор ўз компютеридан (ўз уйдан чиқмай) махсулот ёки унинг рекламасини, нархини кўриди ва Интернет навигация имкониятларидан фойдаланиб ўзи учун энг мақбул вариантни танлаш мумкин. Сўнгра у яна навигация имкониятларидан фойдаланиб махсулотга буюртма бериши ҳамда ўз smart – карти ёрдамида транзакцияни имзолаб сотувчига юбориши мумкин. Сотувчи ўз серверидаги тўловларни қайта ишлаш дастури ёрдамида харидорнинг имзосини текширади, агар у тўғри бўлса махсулот харидорга юборилади. Бунда агар махсулот бирор маълумот бўлса у ҳолда сотувчи харидорга интернет орқали бу маълумот билан ишлаш имконини (доступ) очиб беради. Махсулот бирор бир моддий нарса бўлса, у ҳолда у харидорга бирор бир бошқа йўл билан, мисол учун почта орқали юборилади. Smart – технология асосида интернет орқали тўловларнинг соддалаштирилган кўриниши (14.5-расм).



14.5-расм. Интернет орқали тўловларнинг соддалаштирилган кўриниши

Интернет орқали тўловларни амалга оширишни таъминлаш учун сотувчининг Web – серверива харидорнинг Web – навигаторига HTTPS (HyperText Transport Protocol Secure) ва SSL (Secure Sockets Layer) протоколларини таъминловчи махсус дастурий таъминот ўрнатилади.

Интернет орқали таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар тўлови схемасини тўлиқроқ кўриб чиқамиз. Харидор ўз Web – навигатори ёрдамида сотувчининг Web – серверига химояланган HTTPS протокол билан уланади ва аутентификация учун микропроцессор карточкасида ўз маълумотларини жўнатади. Прикладная программа сотувчининг Web – серверидаги дастурий таъминот уларни текширади ва агар карточка мос тўлов тизимига тегишли бўлса, ҳамда стоп - листга киритилмаган бўлса, у ҳолда сотувчининг Web – серверимижоз картасидан керакли маблағни ечишга сўровнома юборади. Карточкадаги маблағ етарли бўлса сўралган миқдор ечилиб бу ҳақда сотувчи серверига ахборот келади ва операция тугатилади. Тўловларни қайта ишлаш дастурий таъминоти тўплаган маълумотлар бирор бир усул билан (мисол учун, ёпиқ каналлар орқали ёки шифрланган ҳолда Интернет орқали) тўлов тизимининг транзакцияларнинг қайта ишлаш марказига келиб тушади, сўнгра керак маблағ сотувчининг ҳисоб рақамига тушади.

Smart – карт асосида ҳисоб-китоб қилиш схемаси Интернет орқали ҳисоб-китоб қилиш технологиясини нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга максимал яқинлаштиради, тизимнинг юқори хавфсизлигини таъминлайди ва фирибгарлик имкониятларини жуда қисқартиради.

15- мавзу: Давлат бошқарувидан фойдаланиш даражасини ошириш

Режа:

1. Электрон тижоратдан электрон ҳукумат сари.
2. Интернет орқали хизмат кўрсатиш.
3. G2B ва B2G моделларининг ривож.
4. Иқтисодий самарадорликнинг ошиши.

Мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги ислохотлар, барча соҳалар ва давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникатсион технологиялар ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга кенг жорий қилинишига эришилмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган, кўп тармоқли ахборот индустриясини ташкил этиш, АКТни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг жорий қилиш орқали жамиятимизнинг ички мустақамлиги ва ижтимоий бирлигини ташкил этиш, ривожланган давлатлар ҳаёти стандартларига чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қанча фармонлар ва қарорлар қабул қилиниб, улар амалга татбиқ қилинмоқда.

Ахборот технологияларининг давлат бошқарувига киритилиши мутахассислар томонидан 60 дан ортиқ мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар айнан ривожланган давлатлардагина АКТ иқтисодий усиш билан узвий боғлиқлигини кўрсатди. Яъни, ривожланаётган мамлакатларда АКТнинг таъсири кам бўлиб, унинг ривожланиши фақат муайян даражага этганидан кейингина ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига ўсишини таъминлаш мумкинлиги қайд этилган.

Республикаimiz иқтисодий секторига АКТга жалб этилган инвестициялар ҳажми охириги йиллар мобайнида таҳлил қилинган давлат бошқаруви органлари ва корхоналари бўйича соф фойда миқдори ортганлиги фикримиз исботи бўла олади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат бошқарувида АКТни қўллаш унинг натижавий самарадорлигини, хусусан, ахборотнинг ўзаро таъсири, қайта ишланиши ва изланишини амалга ошириш учун вақт қисқариши ҳисобига унумдорликни ўртача 20 фоизга кўпайтириш имконини яратади.

Ислохотларнинг амалга оширилишида хўжалик бошқаруви ҳамда ҳокимият органларида ахборот технологияларини фаол ўзлаштириш ва кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра:

- давлат бошқаруви органларининг 97 фоизи ўз сайтларига эга бўлди, 90 фоизда локал компьютер тармоқлари ташкил этилди;

- давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг компьютер саводхонлиги даражаси 84 фоизга этган;

- ахборотлаштириш жараёнида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан асосий эътибор хизмат турларини кенгайтириш ва янги хизматларни жорий этишга, айниқса қишлоқ жойларида ахборот сервис инфратузилмасини яратишга қаратилмоқда. Жумладан, аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари ҳажми утган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробарга ўсди. Интернетдан фойдаланувчилар сони 2 млн.га этган, 700 дан ортиқ оммавий фойдаланиш пунктлари ташкил этилди. Қарийб 2000 та турли сервис пунктлари (Интернет-кафе, сузлашув, мобил техника уланиши ва таъмирлаш шахобчалари) ишга туширилди.

1200 та принципал янги ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ташкил топиши натижасида аҳолига хизматлар кўрсатиш сифати тобора ортмоқда.

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар негизида АКТнинг жадал суръатлар билан ривожланиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг глобал ахборот ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни модернизатсиялаш даврида Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан корхонанинг барча ходимлари, шу жумладан, унинг бошқарув бўғинининг ҳам тезкор қарор қабул қилишини ва амалий фаолият услубини тубдан ўзгартириш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг такомиллашиб бориши турли тадбиркорлик шакллариининг вужудга келишига шароит яратиб бермоқда. Тадбиркорликнинг ривожланиши ахборот коммуникациялар бизнесини шакллантириш ва тараққий эттиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Замонавий корхонанинг фаолият юзаси ва мулк шаклидан қатъий назар, унинг персонали олдида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар туради:

1) маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, нима эвазига?

2) ноишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар савдосини оптималлаштириш.

Бу юқорида кўрсатилган муаммоларни эчишнинг аниқ йўли

электрон тижоратни замонавий усуллари ва воситаларини ишлатишдир. Эътибор берган бўлсангиз, “Электрон тижорат”, “Электрон бизнес”, “Электрон савдо” атамаларини охириги вақтларда оммавий ахборот воситаларида тобора кўпроқ учратиш мумкин. Ҳозирги даврда “рақамли иқтисодиёт” усуллари ишлатишнинг потенциал истиқболи шубҳага ўрин қолдирмайди ва уларнинг асосини билиш иш жараёнини самарали ташкиллаштиришнинг элементлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат ёки ҳусусий ташкилот ёки фирмаларда, албатта компьютер техникаси, шу қаторда ички компьютер тармоғи, шунингдек одатий алоқа воситалари (оддий ва уяли телефон, факс) ишлатилади, Интернет имкониятларидан фойдаланилади. Кейинги пайтларда “Электрон дўкон”, виртуал “савдо майдонлари”, “Интернет консалтинг” кабилар ҳам кўп ишлатилмоқда. Бу фанни ўрганишдан асосий мақсад бозор шароитида электрон тижоратни самарали ишлатиш муаммоларини мажмуавий кўриб чиқишга ҳаракат қилишдир. Асосий урғулар замонавий корхонада эксплуатация воситаларини ва электрон тижорат тизимларини кўзатиш бўйича саволларга қўйилган. Ушбу муаммоларнинг эчими ўрта ва кичик корхоналарга қаратилган. Бундай корхоналарга юқорида берилган соҳавий хизматни ташкил қилишга имкон йўқ, шу сабабли электрон тижорат тизимини киритиш давомидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи кўпинча ахборот технологиялари соҳасида тажрибаси йўқ ходимларга қўйилади. Ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз:

- “Электрон тижорат” термини остида нима тушуниш лозим, электрон тижорат тизимларининг қандай кўринишлари мавжуд ва қандай иш фаолияти соҳаларида улар қўлланилади;

- электрон тижорат ҳолати ва ривожланиш истиқболлари мамлакат ичида ва чет элларда қандай баҳоланади;

- корхонадаёки ташкилотда электрон тижорат имкониятлари амалиётда қандай ишлатилиши мумкин;

- электрон тижоратда интернет маркетинг, электрон тўлов тизимлари, интернет реклама ва менежмент, веб иловаларни яратиш усуллари, дастурий таъминоти, маълумотлар базалари ва электрон тижорат юритишнинг меърий-ҳуқуқий асослари қандай яратилади;

- электрон тижорат тизимларини ташкил этиш ва ишлатиш фаолияти мамлакат ичида ва ташқарисида қандай регламентлаштирилади. Электрон тижорат соҳаси фаолиятида

мамлакат ичида ва ташқарисида воситаларни сертификатлаштириш ва лицензиялаштириш бўйича ишлар қандай ташкил этилган?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “электрон тижорат” тушунчасига қатъий таъриф бериш бугунги кунда оддий иш эмас. Гап шундаки, бир томондан, оммавий ахборот воситаларида ва таниқли нашриётларда электрон тижорат маҳсулотларни Интернет орқали сотиб олиш, дея таърифланади. Иккинчи тарафдан, ихтисослаштирилган нашриётларда электрон тижоратнинг жуда кўп таърифлари келтириладики, уларда ушбу глобал ходисанинг у ёки бу хусусияти, қирралари қайд этилади. Умумий ҳолда бу эрда “электрон” ва “тижорат” сўзларини ташкил этувчилари бутунги кун ҳисоби билан қандай маъно англатишини билиб олиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, электрон тижорат тушунчаларини амалий нуқтаи назардан аниқлаштириш билан чегараланамиз.

Электрон тижорат тушунчаси остида товар буюртмасини қабул қилиш, тўловни амалга ошириш, товар (хизмат бажарилиши) этказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олувчи операцияларнинг (амаллар) ёпиқсиклли технологияси тушунилади. Ушбу амаллар (операциялар) ахборот технологиялари ва электрон воситалар ёрдамида ўтказилиб, эгалик қилиш ёки ишлатиш ҳуқуқини бир юридик (жисмоний) шахсдан иккинчисига ўтиши таъминланади.

Келтирилган таъриф электрон тижоратнинг “идеал” тушунчасини ёки бошқа сўзлар билан электрон тижорат тизимларини ташкил этишда интилиши лозим бўлган мақсадни ўзида акс эттиради. Ҳақиқатда бугунги кунда фақат такомиллашган электрон тижорат тизимларигина барча тижорат келишувлар тўлиқ жараёнларини (операциялар) электрон йўл билан амалга оширилишини таъминлайди.

Ҳозирги электрон тижорат юритишнинг турли хил андозалари қарийб барча мамлакатларда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида, турли ҳажмдаги корхоналарда, шунингдек давлат муассасалари ва турли даражадаги ваколатли қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларида тарқалмоқда. Бу андозаларнинг умумий – қабул қилинган таснифи асосига шартли равишда маҳсулот этказиб берувчи ва харидор деб номлаш мумкин бўлган электрон тижоратнинг ўзаро алоқадор томонлари турлари кўйилган. Бу тавсифнинг мазмуни шундан иборатки, электрон тижоратни юритиш андозалари маҳсулот этказиб берувчи ва харидорларнинг аниқ турларига қараб фарқланади.

ГЛОССАРИЙ

Электрон ҳукумат — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими;

Давлат хизмати — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

Сўров — ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби;

Ариза берувчи — давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс;

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш — давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

Электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари — ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар;

Электрон давлат хизматининг регламенти — электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

Электрон давлат хизмати — ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

Хулоса

Давлат бошқаруви умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) — тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш; бир томонлама ўзаро ҳамкорлик — электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш; икки томонлама ахборот айирбошлаш — сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш); электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Давлат бошқаруви фойдаланувчи томонидан идора билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида ёки бир нечта идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади ва кўрсатилади. Интернетнинг умумий фойдаланиладиган тармоғи воситасида кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари фақат идораларнинг расмий сайтлари орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали орқали кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган базавий интерактив давлат хизматлари мажбурий ҳисобланади ва идоралар томонидан бепул кўрсатилади, кўрсатилганлиги (расмийлаштирилганлиги) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғимлар, божлар ва бошқалар шаклида тўлов назарда тутилган хизматлар бундан мустасно. Қўшимча интерактив давлат хизматлари идоралар томонидан мустақил белгиланади ва пулли асосда кўрсатилиши мумкин.

Давлат бошқаруви кўрсатиш тартиби, шартлари ва муддатлари ҳар бир идора томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган регламент билан белгиланади. Регламентда қуйидаги асосий қоидалар мавжуд бўлиши керак: кўрсатилаётган хизматларнинг таркиби ҳамда мазмуни аниқ ва ёрқин ифодаланган бўлиши; хизматлар кўрсатиш тури/шакли ва усули, кутилаётган аниқ натижа; хизматлар кўрсатиш муддати; зарурият бўлганда, хизматлар кўрсатиш қиймати; идора ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари.

Назорат саволлари

1. Электрон ҳукуматда амалга ошириладиган жараёнлар руйхатини келтиринг?
2. Электрон ҳукуматда ахборот инфратизимининг ривожланиш даражаси деганда нималар кузда тутилган?
3. Интерактив хизматлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари?
4. Электрон ҳукуматда қандай турдаги хизматларни курсатиш мумкин?
5. Электрон ҳукуматни ҳукукий таъминоти деганда нимани тушунасиз?
6. Микро-процессорли смарт-карталардан фойдаланиш технологияси.
7. Электрон ҳукумат тизимининг яратиш тарихини ифодалаб беринг.
8. Электрон имзо ҳақидаги қонун қачон қабул қилинган ва унда нималарга эътибор қаратилган?
9. Электрон пул ва ундан фойдаланиш йўллари.
10. Электрон ҳукуматни мураккаблаштирувчи факторларни ифодаланг.
11. Электрон пул тизимида рақамли имзодан фойдаланиш тамойиллари.
12. Электрон ҳукуматни мураккаблаштирувчи фактор божхона тизимидаги фарқни ифодаланг.
13. Электрон ҳукуматда харид қилиш бошқарув тизимининг асосий элементлари нималардан иборат?
14. Электрон ҳукумат технологиясидан келажакда қайси соҳада қўлланиш режалаштирилган?
15. Электрон ҳукуматни мураккаблаштирувчи фактор банк фаолияти қандай соҳадаги фарқни ифодаланг?
16. Электрон ҳукуматда тижорат бошқарув тизимининг асосий элементлари нималардан иборат?
17. Географик ахборот тизими технологиясини қўллаш соҳалари қайсылардан иборат?
18. Ўзаро ҳукумат олиб боровчи сектор В2В ни ифодалаб, мисол келтиринг.
19. Электрон савдо майдонлари, Интернет-аукционнинг вазифалари нималардан иборат?
20. Географик ахборот тизимидан ҳукуматда демографик таҳлил қандай маълумотларни қайта ишлайди?
21. Ўзаро ҳукумат олиб боровчи сектор В2С ни ифодалаб, мисол келтиринг?
22. Электрон бозор ва қуп соҳали савдо майдонлари вазифаси нималардан иборат?

23. Географик ахборот тизимидан ҳукуматда фойдаланиш мижоз ва маҳсулот етказувчини қандай излаб топади?
24. Ўзаро ҳукумат олиб борувчи сектор B2G ни ифодалаб, мисол келтиринг.
25. Электрон бозорда қандай турдаги хизматлар учун ҳақ олинади?
26. Географик электрон ҳукумат тизимида маҳсулотни мижоз манзилига етказиб бериш маршрути деганда нимани тушунасиз?
27. Ўзаро ҳукумат олиб борувчи сектор C2C ни ифодалаб, мисол келтиринг.
28. Сайт турлари: Визитка, претензия сайти, Интернет витрина, Интернет магазиннинг вазифалари нималардан иборат.
29. Географик электрон ҳукуматда кўчмас мулкни савдоси қандай кечади.
30. Ўзаро ҳукумат олиб борувчи сектор G2C ни ифодалаб, мисол келтиринг.
31. Сайт турлари: Ташқи коммутатив канал, порталнинг вазифалари нималардан иборат?
32. Кредит карта билан тўловни амалга оширганда қандай ноқулайликлар мавжуд?
33. Ўзаро муносабат олиб борувчи сектор C2B ни ифодалаб, мисол келтиринг.
34. Интернет- магазин қандай вазифаларни бажаришга яратилган?
35. Электрон ҳукуматда тўлов қандай талаблар бажарилганда амалга оширилади?
36. Ўзаро муносабат олиб борувчи сектор G2G ни ифодалаб, мисол келтиринг.
37. Электрон чакана савдода мавжуд камчилик ва афзалликлар нималардан иборат?
38. Электрон ҳукуматда ҳуқуқий таъминлаш қандай жараёнларни ўз ичига олади?
39. Ўзаро муносабат олиб борувчи сектор C2G ни ифодалаб, мисол келтиринг.
40. Интернет-магазинда товарларни харидор манзилига етказиб бериш турлари нималардан иборат?
41. Электрон ҳукумат тизими тараққиётини белгиловчи факторларни келтиринг.
42. Ўзаро муносабат олиб борувчи сектор G2B ни ифодалаб, мисол келтиринг.
43. Электрон ҳукуматни бошқариш функциялари нималардан иборат?

44. Электрон банкларнинг афзалликлари нималардан иборат?
45. Электрон ҳукуматда маркетинг маълумотларини олишда сарф харажат нима туфайли камаяди?
46. Интернетда туризм (саёҳат) компанияси хизматини ташкил этиш бозорининг вазифаси нимадан иборат?
47. Мижоз электрон банкдан фойдаланганда қандай имкониятга эга бўлади?
48. Электрон ҳукуматда реклама (ташвиқот ва намойиш этиш) харажати нима туфайли камаяди?
49. Интернет суғурта қандай амалга оширилади, унинг вазифаси нималардан иборат?
50. Электрон ҳукумат тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи умумиқтисодий факторлари нималардан иборат?
51. Электрон ҳукуматда ички коммуникация (ташқилот) фаолиятида харажат нима туфайли камаяди?
52. Электрон давлат, давлат органлари ҳужжатларини ва уларни қайта ишлаш жараёнларини бошқариш.
53. Электрон ҳукумат тизимининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи инфратизим факторлари нималардан иборат?
54. Электрон ҳукуматда ташқи коммуникация (халқаро) фаолиятида харажат нима туфайли камаяди?
55. Электрон давлатнинг бажарадиган асосий вазифалари нималардан иборат?
56. Электрон ҳукуматнинг ривожланиши жаҳон иқтисодини ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?
57. Электрон ҳукуматда маҳсулот сотиб олиш ва хизмат кўрсатишда харажат нима туфайли камаяди?
58. Интернет орқали солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш механизми нималардан иборат?
59. Электрон савдони амалга оширишнинг асосий жараёнлари нималардан иборат?
60. Электрон ҳукуматда иш кучи ва иш жойи нималардан иборат бўлади?
61. Давлатнинг савдо харид фаолиятини ташкил этишда электрон тизимида фойдаланишнинг афзалликлари нималарда намоён бўлади?
62. Электрон тўлов тизимида қандай химоя механизми қўлланилади?
63. Электрон ҳукуматни ривожланишини белгиловчи иқтисодий тузилиш факторларига нималар қиради?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ - 4947 - сон фармони. Тошкент, 2017 йил 7 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот коммуникация технологияларни қўллаш ва янада ривожлантириш чора тадбирлари» тўғрисидаги 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730 қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк кележагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. 2017 йил.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этамыз. 2017 йил.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ со'зи газетаси. 2017 йил 16 январ, № 11.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни 16.12.2005 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот – коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 08.07.2005й.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 155-сон қарори – Тошкент, 22 июль 2010 йил.
10. И.Берут Экономист// Плюсы и минусы электронного правительства, 2008.- 15-16
11. Atkinson, Robert D. Digital Quality of Life. The Information Technology and Innovation Foundation, 2008-137–145.
12. Canada.–Интернет-публикация:
<http://government20bestpractices.pbworks.com/w/page/10044431/Canada>

13. Transparency and Open Government – Интернет – публикация: <http://www.whitehouse.gov>
14. Чугунов А. Индекс ООН Готовности Стран к Электронному Правительству: Соотнесение с Правительственными Данными Информационные ресурсы России. 2009. № 1.- 22-24.
15. Henman P. Governing Electronically. E-Government and the Reconfiguration of Public Administration, Policy and Power. NY: Palgrave Macmillan, 2010.
16. Homburg V. Understanding E-government. Information Systems on Public Administration. NY: Routledge Taylor & Francis Group, 2008.
17. Кузнецов П.У. Социальная миссия электронного государства: ценности и терминологические проблемы / Информационное общество и социальное государство. Сборн. Научн. Работ. – М.: ИГП РАН, ИПО «У Никитских ворот», 201.

Қўшимча адабиётлар:

1. "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik — har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi Kerak". O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev. Toshkent, 2016 y.
2. Раҳматуллаев М.А., Каримов У.Ф., Мухаммадиев А.Ш., Атаджанов Ж.А. Корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими (КАРМАТ).—Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008.—36 б.
3. Данилов Н.А. Электронное правительство и трансформационные изменения публичного сектора / Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. Научный журнал. 2012. № 5. С. 26 – 35.
4. Данилов Н.А. Социальная справедливость в информационном обществе: проблема цифрового равенства / Информационное право. 2012. № 2 (29). С. 5 – 6.
5. Данилов Н.А. Цифровое равенство: опыт Австрии и Дании / Информационное право. 2012. № 4 (31). С. 21 – 25.
6. Данилов Н.А. Проблемы обеспечения доступа к информации о деятельности органов исполнительной власти» / Лаборатория 20-30.
7. Информационные ресурсы в электронной среде: сборник докладов молодых ученых на международной научно-практической конференции «Электронное законодательство: доступ к нормативно-правовой информации в электронной среде» / [науч. ред. к. ю. н. К.Н. Княгинин]. –

СПб.: ФГБУ «Президентская библиотека имени Б.Н. Ельцина», 2012. С. 28 – 40;

8. Данилов Н.А. Обеспечение права на доступ к информации в Великобритании / Электронное государство: правовые аспекты. Вып. 1. М.: Издательство «Юрист», 2012. С. 165 – 170.

9. Якубов М.С., Усмонов Ж.Т. Становление и перспективы развития электронного правительства в республике Узбекистан. ВЕСТНИК ТашГТУ № 2. 2013г. 186-190с.

10. Якубов М.С., Мансурова М.Я. Роль государственных служащих в процессе форсирования системы “Электронное правительство”. XVIII Международная научно-техническая конференция «Современные средства связи. 15-16 октябрь 2013г. Минск, Республика Белорус. Минск УО ВГКС 2013. 217-219 с.

11. Yakubov V.S, Turgunov M.R. Optimization of providing governmental interactive services to the population and business. Perspectives for the development of information technologies. ИТА-2014. 4-5 november. Tashkent – 2014. 53-57p.

12. Yakubov M.S., Kubaev U.R., Varisov A.A., Turgunov M.R. Logistics Features of the information resources in the electronic document circulation. Science and world. International scientific journal, №3 (19), 2015, Vol.I I, ISSN 2308-4804. 107-111p.

13. Якубов М.С. Электронное правительство в Узбекистане. В сб. статей Республиканской конференции Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-“Узбек модели” нинг ажралмас кисми ТДПУ, 15 март, Т., 2016 г., Часть 1., с. 199-201.

14. Кубаев У.Р., Якубов М.С. Технологии взаимодействия государственной службы с общественностью. “Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти” республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами 1-қисм. С.146-148.

Интернет сайтлари

1. my.gov.uz

2. egov.uz

3. lex.uz

4. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

5. www.library.tuit.uz

6. www.intuit.ru

7. <http://www.searchengines.ru/>

«Давлат бошқаруви» курси бўйича ўқув қўлланма 5А330502-
“Электрон ҳукумат” тизимини бошқариш мутахассислигида таҳсил
оладиган магистрлар учун мўлжалланган

АТ кафедрасининг 2018 йил “__” ____,
(____ - сонли баённома) мажлисида
кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди

КИ факултетининг илмий-услубий Кенгашида
кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди
2018 йил “__” ____, __ -сонли баённома
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ илмий-услубий Кенгашида
кўриб чиқилди ва чоп этишга
тавсия этилди
2018 йил “__” ____, __ -
сонли баённома

Тузувчилар:
«Ахборот технологиялари» кафедрасининг
профессори М.С.Якубов,
«Ахборот технологиялари» кафедрасининг катта ўқитувчиси
Т.А.Хўжакулов
«Ахборот технологиялари» кафедрасининг катта ўқитувчиси
Абдул-Азалова М.Я.
«Ахборот технологиялари» кафедрасининг катта ўқитувчиси
Р.Х. Юлдашев

Тақризчилар:
Неъматов А
“Мультимедиа технологиялари” кафедраси мудир, т.ф.д., доц.
Назирова Э.Ш.

Масъул таҳрирчи: Т.А.Хўжакулов
Корректор: Гаипназаров Р.Т.